



*Муҳаммад Юсуф*

---

**УЛУҒИМСАН,  
ВАТАНИМ**



*Лотини нешар кўкда, кўзи ғимаса,  
Синдир қаламинини, сўзи ғимаса.  
Ватан деса ғўкани тўлиб кетмаса,  
Шевр ёзиши бало борми, биродар!*

---

ТОШКЕНТ — 2012

«O'ZBEKISTON»

УДК: 821.572.133-1-

ББК 84(5У)6

Ю 91

- *Ушб. араб.*

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи:

*Назира САЛОМОВА*

Ўзбекнинг ардоқли шоири Муҳаммад Юсуфнинг ушбу тўплами «Улуғимсан, Ватаним» деб бежиз номланмади. Унинг ижодида халқига, Ватанига чексиз садоқат ва фидойилик мавзуси асосий ўринни эгаллаган.


Ушбу тўпламга шoirнинг турли даврларда битилган энг сара шеърлари, дostonлари киритилди.

Ўйлаймизки, у шеърят мухлисларига муносиб тўхфа бўлади.

ISBN 978-9943-01-027-7

*НО 40550  
3*

© «O'ZBEKISTON» NMIU, 2012



Абдулла ОРИПОВ,  
Ўзбекистон Қаҳрамони

## БЕТАКРОР ШОИР

Чинакам шоирнинг қалбида аллақандай соҳир куш доимо сайраб туради, деган гапни кўп бора эшитгандик. Ўша куш айнан Муҳаммадjonнинг, Муҳаммад Юсуфнинг юрагида ошён қурганига мен астойдил ишонганман. Унинг кўзлари ҳам, чеҳраси ҳам ҳамиша латиф бир куйни хониш қилгандай эди.

Ватан ҳақида жуда кўп ёзилган. Ёзилгани яхши, албатта. Бироқ ёзмоқ билан ёзмоқнинг фарқи бор. Муҳаммадjon укамиз бир шеърда «Юртим, сени иддаолар қилмай севаман» деб айтганда қанчалар ҳақ эди. Дарҳақиқат, у ўз элини, халқи, Ватанини чин фарзанддай, бегараз, сидқидилдан яхши кўрар эди. Шу меҳрнинг натижаси ўлароқ, унинг шеърляти ҳам худди шундоқ беминнат ва бегараз шеърлят сифатида майдонга келди. Ва бу оқкўнгил, осмонқалб укамиздан худди шундай шеърлят ёдгор қолди.

Мен Муҳаммадjon билан узоқ йиллар мобайнида ёнма-ён яшадим, ёнма-ён ижод қилдим, ёнма-ён ишладим. Ҳали ёшлик йилларидаёқ бунчалик кўп мухлис орттирган, дўст-оғайниси бисёр ижодкорни кам кўрганман. Санъаткорлар-ку унинг ҳар бир мисрасини созга солишга тайёр эдилар.

Буларнинг сабаби нимада? Биринчи навбатда Муҳаммадjon яхши инсон эди. Яхши инсонларга эса бошқалар ҳамиша талпинади-

лар. Одамдан одам узоқлашишини Худойим ҳеч кимга кўрсатмасин.

У обрў талашмас, иззатини сўроқлаб югуриб юришдан ор қиларди. Худди шундоқ яхши инсонгина яхши ижодкор бўлиши табиий ва қонунийдир. Шу каби юксак фазилатлари туфайли Муҳаммад Юсуфни халқимиз ардоқлади, Юртбошимиз оталарча меҳр кўргазди. Унинг хизматларини давлатимиз муносиб баҳолади. У Ўзбекистон халқ шоири эди.

Муҳаммад Юсуф қисқа умр кечирди. Ундан чинакам, бетакрор ижодий мерос қолди. Ҳақиқий маънодаги барҳаётлик, завол билмаслик Муҳаммад Юсуф ижодига ҳам тааллуқли бўлмай десам, иншооллоҳ, хато қилмагайдирман.



## Биздан озод Ватан қолади



*Бир тўқилиб тагин қомат тикладик,  
Енкаларга тиллат юкин юкладик.  
Озод вужудларда руҳ бўлди бино,  
Бинолар ўрнида давлат тикладик.*



## **БИЗДАН ОЗОД ВАТАН ҚОЛАДИ**

Ўтар неча баҳорлар гулгун,  
Неча умр кузлари кечиб.  
Замин узра саф тортиб бир кун,  
Биз кетармиз қушлардай кўчиб.

Бир бебаҳо маъдан қолади,  
Биздан озод Ватан қолади.

Бизнинг манзил оқ — ойдин саҳар,  
Офтоб сари йўлимиз равон.  
Миллат учун керак булса гар,  
Минг бир фидо бўлмаса бу жон —

Жон чекмасанг, қайдан қолади,  
Биздан озод Ватан қолади.

Одам билан улғаяр макон,  
Дунёларга дoston бўлади.  
Эрки элнинг гўдаги султон,  
Султони мард инсон бўлади.

Даври дун ҳаммадан қолади,  
Биздан озод Ватан қолади.

Буғдой сепсанг буғдойинг қийғос,  
Арпа эксанг — арпасин олар.  
Авлодларга бизлардан мерос,  
Ўзбекона орият қолар.

Эркимиз — гулбадан қолади,  
Биздан озод Ватан қолади.

## ФИДОЙИЛАР

Кубролардан қолгандир бу кўҳна куйлар,  
Элим деган ҳар бандасин худо сийлар.  
Ватан деса икки қуллаб жонни тутган  
Фидойилар керак бизга, фидойилар.  
Кимга қўрғон — уларга кенг майдон тегар,  
Мард мушкулни енгар, номард бўйин эгар.  
Эрк деганга эр йигитлар жондан жигар —  
Фидойилар керак бизга, фидойилар.  
Номус учун номни эмас, руҳни ўстир,  
Оғир кунда ёвдан қочган — ёвга дўстдир.  
Юрт чорласа сувларни кеч, ўтларга кир —  
Фидойилар керак бизга, фидойилар.  
Ким юрт ишқин жонларига жолар қилар,  
Ким курашиб, кимлар тамошолар қилар.  
Бир чивинча қанот бўла олмас кимлар...  
Фидойилар керак бизга, фидойилар.  
Кўринишдан тупроғидай оддий гоҳи,  
Ердай хоксор, ердан узилмас нигоҳи.  
Шердай наъра тортган аммо, керак чоғи —  
Фидойилар керак бизга, фидойилар.  
Юрт ишқида ёнмас юрак — юрак эмас,  
Юрт қадрини билмаганлар керак эмас,  
Эрка сажда қилмаганлар керак эмас,  
Фидойилар керак бизга, фидойилар.  
Миннати йўқ уйда ёвғон ош яхшидир,  
Ёмон дўстдан йўлда ётган тош яхшидир,  
Ёрилса ҳам эгилмаган бош яхшидир,  
Фидойилар керак бизга, фидойилар.  
Кўнгилда пок ният бўлса, нур булоғи,  
Чўп минсангиз — Гўрўелининг арғумоғи.  
Озод ўлка қалқонлари, қош-қароғи,  
Фидойилар керак бизга, фидойилар.



## ВАТАН

Эй менга эртақлар сўйлаган Замин,  
Эргашиб изингдан қолмасман сенинг.  
Ўзгалар наздида Боғи Эраминг  
Жийданг япроғига олмасман сенинг.  
Ватан, қайда бўлмай, сен ҳамроҳимсан,  
Боболарим ётар саждагоҳимсан.

Офтоб келин тушган боғларинг кўркам,  
Ялпизлар ястанган дала-даштаринг.  
Осмонга туташган оқтерак ўлкам,  
Кўнглимда ўзгача сайру гаштаринг.  
Ватан, қадрим уйи — хонақоҳимсан,  
Боболарим ётар саждагоҳимсан.

Олтин бешик узра аллалар айтиб,  
Ҳамиша бедорим — онаизорим.  
Жилғаси жаранги тонгда уйғотиб,  
Юрагимга кириб келган баҳорим.  
Ватан, кунда боқиб тўймайин, кимсан —  
Оқ оғриниб ботар саждагоҳимсан.

Суйиб сийм-танымга солган сен чўғни,  
Пойинг ўпсам арзир чўкка тушиб тиз.  
Сен-ку мангудирсан, мен борму-йўқми,  
Мен қайдан кунимни кўрардим сенсиз.  
Ватан, жонга жондан яқинроғимсан,  
Қавмим илдиз отар саждагоҳимсан.

Алқаб мени кузат, илҳақ мени кут,  
Эй бир парча булут, эй бир парча йўл.  
Омон бўл, сен борки дунёлар унут,  
Сенинг ҳузурингга элтар барча йўл.  
Ватан, мен келсам ҳам келган ёғимсан,  
Кетсам ҳам асқотар қароргоҳимсан!..

## ИНШООЛЛОҲ

Ўзбекистон, бўйи-бастинг кўрсат энди,  
Паҳлавоним, етди сенга навбат энди.  
Олам узра ҳилпирасин абад энди,  
Соҳибқирон Темур туғи — яшил байроқ,  
Иншооллоҳ!

Эрк дегани ўзи келиб эшик қоқмас,  
Жон чекмасанг осмонлардан омад ёғмас.  
Қаторингда ботирларинг бўлсин оғмас,  
Гуркирасин Алпомишлар ўтган тупроқ,  
Иншооллоҳ!

Олтин бешик авлодининг масканисан,  
Алишерлар, Улуғбеклар ватанисан.  
Яшнагани — ўз аслига қайтганисан,  
Турон юртда ёнсин қайта сўнган чироқ,  
Иншооллоҳ!

Алла айтсанг айвонингда ухлар қуёш,  
Сенга мудом иймон йўлдош, ислом йўлдош.  
Бор бўлсин шу қирқ ўрим соч, ўсмали қош,  
Оқ яктагу беқасам тўн, шоҳи белбоғ,  
Иншооллоҳ!

Тотув юртда тупроқ ўзин тоғ айлағай,  
Бир-бирини қўллаган эл кам бўлмағай.  
Болалари Туркистонни боғ айлағай,  
Абад яшар, хазон билмас энди бу боғ,  
Иншооллоҳ!

## ТИЛАК

Ҳар кимсанинг бўлсин ўзин бошпанаси,  
Ҳар кимса ўз кулбасида даврин сурсин.  
Одамни-ку айтмай турай, бу дунёда  
Ҳатто қушнинг ёт булоқда ини қурсин.

Тирик инсон бир кун оч, бир кун тўқдир,  
Бир кун тўкин, бир кун бурда нони йўқдир.  
Бир ўғил-ку отасиз ҳам кунин кўргай,  
Отаси йўқ халқнинг кўрган кунин қурсин.

Ўз элингда энди ҳушинг ўзинг чоғла,  
Ўз қўлингда энди қушинг ўзинг овла.  
Олтинларинг тирноқларинг билан кавла,  
Ва йиғиб қўй! Болаларинг учун турсин.

Бешикларга тўлиб кетсин бир, ўзбеклар,  
Тили чиқмай кўзи чақнар, ҳур ўзбеклар.  
Давлатбеклар, Эътиқодбек, Иймонбеклар,  
Бобожон, деб соқолларинг силаб турсин.

Мен бу шеърни ёзганим йўқ атай ўйлаб,  
Мен шеър ёздим гуркираган юртга бўйлаб.  
Шундай юртни худойимнинг ўзи қўллаб,  
Шундай юртни худо ўзи асраб юрсин!

## ОНА ТУРКИСТОН

Кўқларга сиғмай яйраб руҳи жон,  
Кўларга севинч ёшлари тўлди.  
Аммо сен нечун маҳзун, паришон,  
Она Туркистон, сенга не бўлди.

Кишанлар кетиб, етгач муродга,  
Шаҳид ўғлонлар келдими ёдга.  
Куйкалак кўнгил тўлдими додга,  
Она Туркистон, сенга не бўлди.

Эрк йўқлаган чоғ кўз ёш нимаси,  
Кетди бошингдан аждар кўлкаси.  
Арслонлар туққан шерлар ўлкаси,  
Она Туркистон, сенга не бўлди.

Сен бир бўстонки, гуллари сўлмас,  
Қиёматда ҳам чироғинг сўнмас.  
Болам деб қўйсанг синамоққа, бас,  
Она Туркистон, сенга не бўлди.

Чорласанг тўшинг норингга тўлар,  
Дарёдай тошиб, шамолдай елар.  
Йўқлардан елиб Чўлпонинг келар,  
Она Туркистон, сенга не бўлди.

Эй ёри азиз, эй бағри қуёш,  
Жигаргўшангман жонингга жондош.  
Кувонганингдан қилдингми кўз ёш,  
Она Туркистон, сенга не бўлди.

## РОЗИДИЛ

Тўлишсин тупроғинг, кулсин осмонинг,  
Бухоро, кўтаргил букилган қаддинг.  
Сени қон йиғлатиб кетган фарзандинг —  
Файзуллонг қайтмоқда, Файзулложонинг.

Ўттиз йил “ўғлим” деб ўртанди кўнглинг,  
Сен кимни қарғадинг, сен кимдан кўрдинг?  
Соғинтирган ўғлинг, соғинган ўғлинг —  
Файзуллонг қайтмоқда, Файзулложонинг.

Ташнаман, қайдасан менинг дилбандим,  
Сени қийнаган ким, сени сотган ким,  
Сени отган ким, деб йиғладинг юм-юм...  
Файзуллонг қайтмоқда, Файзулложонинг.

Мана, у жилмайиб чўкар ёнингга,  
Ҳамдаминг, малҳаминг бўлиб жонингга.  
Чайиб юзларини Зарафшонингга,  
Файзуллонг қайтмоқда, Файзулложонинг.

Юлдузлар юртида эди ўғлонинг,  
Кезарди руҳи чарх уриб осмонинг.  
Кўкларга тут энди гулдан нарвонинг —  
Файзуллонг қайтмоқда, Файзулложонинг.

Сен ундан розисан, у сендан рози,  
Йиғласанг йиғлаб ол кўнглингни ёзиб.  
Ҳеч уйдан чиқарма бағрингга босиб —  
Файзуллонг қайтмоқда, Файзулложонинг.

## ВАТАН МАДҲИ

Кимга дашт бошпана, кимгадир гулзор,  
Ҳар кимнинг сифинган саждагоҳи бор.  
Ҳар ҳовуч тупроғи кўзга тўтиё,  
Биз учун қадрдон шу азиз диёр.

Ўпинг, кўзингизга суринг тупроғин,  
Ҳар сўзин муқаддас дуодек севинг.  
Қаданг юракларга миллат байроғин,  
Ватанни Нажмиддин Кубродек севинг.

Кўнглимнинг гавҳари шу азиз маскан,  
Фидодир ҳамиша унга жону тан.  
Оталар ҳимматин ёди машъали,  
Оналар оқ сути ҳурмати — Ватан.

Ўпинг, кўзингизга суринг тупроғин,  
Ҳар сўзин муқаддас дуодек севинг.  
Қаданг юракларга миллат байроғин,  
Ватанни Нажмиддин Кубродек севинг.

## АЛПОМИШЛАР ЮРТИ БУ ДИЁР

Алпомишлар юрти бу диёр,  
Достон бўлган Рустамлари бор.  
Шу ўлкада офтоб айвони,  
Шу ўлқадан бошланар баҳор.

Гўзал юртнинг кўркига чирой,  
Узун кокил малак Барчиной.  
Хур қизлари кўча тўлдирса,  
Гўё ерда сузиб юрар ой.

Мен ҳам шу эл фарзандидирман,  
Кўз қораси, дилбандидирман.  
Эркаланиб бағрида ўсдим,  
Мен ҳам уни жондан суярман.

Алпомишлар юрти бу диёр,  
Достон бўлган Рустамлари бор.  
Шу ўлкада офтоб айвони,  
Шу ўлқадан бошланар баҳор.

## ҲАЙРАТ

Тасма-тасма тарихинг  
Тугамас айтган билан.  
Кўшкингу кўркингни кўз  
Илғамас ёзган билан.  
Ҳар миноринг ости минг  
Игнада қазган билан...  
Сен ўзинг айт, онажон,  
Сен ўзинг айтгил, Ватан.  
Иншооллоҳ, иншооллоҳ,  
Аслингга қайтгил, Ватан.

Мени билганим бекор,  
Мени ёзганим хато.  
Мукка тушган мўйсафид  
Тангри тоғ берсин садо:  
Сенда барча бир мўмин,  
Тенг эди шоҳу гадо,  
Ҳар санам — Момо Ҳаво,  
Ҳар одам — Одам Ато...  
Сен ўзинг айт, онажон,  
Сен ўзинг айтгил, Ватан.  
Иншооллоҳ, иншооллоҳ,  
Аслингга қайтгил, Ватан.

Қани ул, ҳар пок лафзи бир:  
Ҳикмат улашганларинг,  
Этагин бир ўпгани  
Осмон энгашганларинг,  
Тошга жон этиб ато,  
Сувга борса Каъбага  
Ортидан эргашганларинг.



Сен ўзинг айт, онажон,  
Сен ўзинг айтгил, Ватан.  
Иншооллоҳ, иншооллоҳ,  
Аслингга қайтгил, Ватан.

Турфа бу дунёни қўй,  
Кўҳна у дунёни айт.  
Жонни жон айлар руху,  
Рухдаги зиёдан айт.  
Дуру гавҳарин териб,  
Шомдан айт, Румодан айт,  
Яссавий бободан айт,  
Нажмиддин Кубродан айт.  
Сен ўзинг айт, онажон,  
Сен ўзинг айтгил, Ватан.  
Иншооллоҳ, иншооллоҳ,  
Аслингга қайтгил, Ватан.

Кўрсин у сўқир тарих  
Титган ҳар маҳмадона.  
Бўйрангнинг этагидан  
Тўкилмиш бор анъана.  
Темурнинг жилмайгани  
Ўттиз элда тантана,  
Алишерга бўйи тенг  
Алишер қайда яна?  
Сен ўзинг айт, онажон,  
Сен ўзинг айтгил, Ватан.  
Иншооллоҳ, иншооллоҳ,  
Аслингга қайтгил, Ватан.

Етти иқлимни кезиб,  
Ризқ тўкиб абад-азал,  
Зоҳиринг сувдай тиниқ,

Ботининг зарбулмасал,  
Топганинг орияту  
Сочганинг — Тожимаҳал...  
Сен узинг айт, онажон,  
Сен ўзинг айтгил, Ватан.  
Иншооллоҳ, иншооллоҳ,  
Аслингга қайтгил, Ватан.

Барига ўзинг паноҳ,  
Баридан ўзинг воқиф.  
Бири шайх, бири — нақиб,  
Эл десанг, элдай соҳиб,  
Кел десанг, келгай оқиб.  
Эгнига тўнлар ёпиб,  
Белга белбоғни тақиб...  
Сен ўзинг айт, онажон,  
Сен ўзинг айтгил, Ватан.  
Иншооллоҳ, иншооллоҳ,  
Аслингга қайтгил, Ватан.

Аслингга қайтгил, фақат  
Ортга қайтмоқ бўлмасин.  
Айтгин-айтгин бу шараф,  
Кўзингда нурлар сўнмасин,  
Кўнглингда гуллар сўлмасин.  
Сен ўзинг айт, онажон,  
Сен ўзинг айтгил, Ватан.  
Иншооллоҳ, иншооллоҳ,  
Аслингга қайтгил, Ватан.

Бўлса ҳар кўксида ёл,  
Бир боланг йўлбарс юрак.  
Қадди қошингда чўкиб,  
Тоғ бўлур икки бўлак.

Бас, сенга жони фидо  
Марди майдонлар керак,  
Ботир ўғлонлар керак,  
Қодир ўғлонлар керак...  
Сен ўзинг айт, онажон,  
Сен ўзинг айтгил, Ватан.  
Иншооллоҳ, иншооллоҳ,  
Аслингга қайтгил, Ватан.

Мен нетиб шоир ўлай,  
Бир қалам ўйнатмасам.  
Жон қадар бир сўз сўраб,  
Бир калом шеър айтмасам.  
Дилни минг кўйга солиб,  
Жонни минг тебратмасам,  
Майлими, Муҳаммадинг  
Тонггача ухлатмасам?  
Сен ўзинг айт, онажон,  
Сен ўзинг айтгил, Ватан.  
Иншооллоҳ, иншооллоҳ,  
Аслингга қайтгил, Ватан.

## ИЗҲОРИ ДИЛ

Кўҳна тол бешиқдан  
Бошланган олам,  
Сенга иддаолар  
Қилмай севаман.  
Бир куни синглим, деб,  
Бир куни онам —  
Ватан,  
Кимлигингни  
Билмай севаман.

Тўзғийди тўнингдан  
Тортган тўралар,  
Кеча тузингни еб,  
Сотган тўралар.  
Энди пушаймонда  
Туйнук мўралар —  
Мен сенинг ёнингдан  
Жилмай севаман.

Менга еринг суюк,  
Осмонинг суюк,  
Боқсам тенг  
Тўртгала  
Томонинг суюк,  
Товонимга кирган  
Тиконинг суюк —  
Кафтдан зирапчанг ҳам  
Олмай севаман.

Чўксанг,  
Тур, синглим деб,  
Сочинг силайман.

Сўксанг,  
Опам дейман,  
Умринг тилайман.  
Сендан ранжимайман,  
Гина қилмайман —  
Хоҳ хўмрай,  
Хоҳ жилмай,  
Бирдай севаман.

Ватан —  
Юрагимнинг  
Олампаноҳи,  
Бу дунё  
Букри бир  
Жийдангнинг шоҳи!  
Кўзим ёши билан  
Сугориб гоҳи,  
Кўксимда ўстирган  
Гулдай севаман.

Бу ёруғ жаҳонда  
Йўғу боримсан,  
Тилимнинг остида  
Новвот — заримсан.  
Сен менинг ягона  
Пайғамбаримсан,  
Мен Билол,  
Мен Ҳабаш —  
Кулдай севаман!

## ҲУР ЎЛКАМ

Сизга қандай,  
Билмадиму ман  
Бешикдаги чақалоқдайман.  
Дўстлар,

Оғиз тўлдириб — Ватан  
Дея олмоқ ўзи бахт экан.

Энди тилим чиққандай гўё,  
Энди юра бошлагандайман.  
Кўлингни бер,  
Эй қадим дунё —  
Кўзга сургим келар нондай, ман.

Ватан!  
Қандай сеҳрли куйсан,  
Пойингга жон тиксам арзийди.  
Сенинг учун ўтларда куйсам,  
Дарёларга чўксам арзийди!

Йўлинг оққа йўйганим-йўйган,  
Бахтиёрман қутлуғ онингда.  
Қийқириб ман —  
Кўкракка тўйган  
Тойчоғингдек турсам ёнингда...

Сен энгашиб  
Ўпсанг юзимдан,  
Мен ҳам сенга турсам эркалаб...  
Қора қошим, қора кўзимдан  
Сочимгача ўзингга ўхшаб!

Ўзбекойим — меҳрибон онам,  
Бешикларинг фарзандга тўлсин.  
Жаннатлардан гўзал эй ўлкам,  
Истиқлолинг муборак бўлсин.

## ЎЗБЕКИСТОН

Ялпизлари  
Кўкка тугаш,  
Тунлари зар,  
Тонги маржон.  
Юлдузлари — қотган қуёш,  
Қуёшлари куйдирмажон.  
Олтин тупроқ,  
Зумрад далам,  
Ипак карвон,  
Олмос қалъам.  
Кузда кетган қушлари ҳам,  
Баҳор қўмсаб қайтган айвон —  
Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Дунё ичра  
Тенгсиз дунё,  
Зарчопон қалб,  
Ялангтўшим.  
Қўли очиқ,  
Меҳри дарё,  
Мушти қаттиқ,  
Қўнгли бўшим.  
Ўғлига от бўлиб чўкиб,  
Қизларига алла айтган,  
Белбоғига борин тўкиб,  
Тўйга бориб тўймай қайтган.  
О, болафеъл,  
О, болажон —  
Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Ўзини ўйламай-ўйлаб,  
Фарзандини юрган сизлаб.  
Ўнга кирган боласига  
Сарпо йиққан  
Қаллиқ излаб.

Бизда шундай,  
Борингни кўй —  
Тўртта ўзбек тўпланса — тўй.  
Номус учун  
Керак булса,  
Жонингни ёқ,  
Кўзингни ўй.  
Соч топганинг,  
Ёз дастурхон —  
Ўзбекистон, Ўзбекистон!  
Тўйда унут гина-араз,  
Тўйхонага дўнар\* қишлоқ.  
Шивирлаб ҳам айтилса бас,  
Келаверар одам тоғ-тоғ.  
Ким отлиқ,  
Ким пиёдадир,  
Ким қисқа,  
Ким зиёдадир.  
Эшитгани келаверсин,  
Тўй қиламиз дунёда бир.  
Буёқ Водий,  
Буёқ Сурхон —  
Ўзбекистон, Ўзбекистон!  
Тўйда яйрар майда боллар,  
Тўйда тўлар тандирлар ҳам.  
Тўйда —  
Ўттиз яшар чоллар,  
Йигирмада кампирлар ҳам.  
Жондан иссиқ нонлар ташиб,  
Титраб кўллар,  
Ёнар кўзлар,  
Тўй баҳона дийдорлашиб,  
Хурсанд бўйга етган қизлар.  
Йигитчалар кезар — султон.  
Ўзбекистон, Ўзбекистон!

---

\* Дўнар — айланар



О, ота юрт,  
Она маскан,  
Ўхшашингни топай қайдан!  
Сен-ку менга зор эмассан,  
Сенсиз қандай яшайин ман?  
Тилим ости —  
Кулинг новвот,  
Айирмасин ўчоғингдан.  
Койиганда койи,  
Фақат,  
Қўйма мени қучоғингдан.  
Сенсиз қолмай  
Зору ҳайрон —  
Ўзбекистон, Ўзбекистон!  
Ой тўлса ҳам  
Шунча тўлар,  
Кун туғса ҳам  
Кунча бўлар.  
Сенсиз икки қадам қўйсам,  
Юрак куйиб кулча бўлар.  
Қайда сендек вафоли ёр,  
Қайда сендек танти диёр?  
Сенга бир дил бердимми, бас,  
Бу меҳрим ўлгунча бўлар.  
Ўлганда ҳам  
Ўзинг макон —  
Ўзбекистон, Ўзбекистон!  
Ялпизлари  
Кўкка туташ,  
Тупроғи зар,  
Суви маржон.  
Майизлари — қотган қуёш,  
Қуёшлари — куйдирмажон.  
Олтин дала,  
Олмос қалъа,  
Ипак карвон,  
Мовий бўстон.  
О, отамдан қолган қўрғон —  
Ўзбекистон, Ўзбекистон!

## ТУРКИСТОН МАДҲИЯСИ

Кўк ёришгай туғишганлар топишганда,  
Кенгашганга тор дунёлар кенг бўлади.  
Бўлар элда ботирлар от чопишганда,  
Тоғлар чўкиб тўпиғига тенг бўлади.  
Кучоқ очиб дийдорига чиқ, Туркистон,  
Тарқаб кетган болаларинг йиғ, Туркистон!..

Кундай кулиб — тўлмоқ учун яралгансан,  
Хур эдинг, хур бўлмоқ учун яралгансан.  
Бир Онанинг кўкрагидан оқ сут эмиб,  
Бир Отанинг этагидан таралгансан.  
Сиғиб келган қучоғингга сиғ, Туркистон,  
Тарқаб кетган болаларинг йиғ, Туркистон.

Қайтганинг рост бўлсин қадим Туронингга,  
Кўз тегмасин қайтган мулки давронингга.  
Бўлинганнинг бутун ризқи бўлинади,  
Олтовлон бир бўлсанг йўлар ким ёнингга?..  
Олтин бешик, олмос шамшир — тиф Туркистон,  
Тарқаб кетган болаларинг йиғ, Туркистон.

Ярим дунё — ёйсанг бутун қанотларинг,  
Чавандозинг кўмсаб кишнар Фиротларинг.  
Қаддинг кўтар, кўкрагинг кер, кўкалдошим,  
Мадад бўлсин руҳи азиз ажлодларинг.  
Мағрур чинор, яшил байроқ — туғ Туркистон,  
Тарқаб кетган болаларинг йиғ, Туркистон.

Сиғиб келган кўрғонингга сиғ, Туркистон,  
Тарқаб кетган болаларинг йиғ, Туркистон.  
Олтин бешик, олмос шамшир — тиф Туркистон,  
Дунё бўлиб дунёларга чиқ, Туркистон!..

## АКАДЕМИЯ МАДҲИЯСИ

Алп ўғлонлар ўлкаси бу кўҳна Турон,  
Қалқонлари, қанотлари, илм истанг.  
Ярим жаҳон бунёд этган Соҳибқирон,  
Алишернинг авлодлари, илм истанг!

Тахтдан тушганда ҳам одан тушмай юрган,  
Аждодингиз уй қурмаган — Давлат қурган.  
Юрти учун елкасида тоғлар сурган —  
Рустамлари, Фарҳодлари, илм истанг.

Кўз очгандан кезиб етти баҳри уммон,  
Етти тилда сўзлашган биз тили бийрон.  
Ватанида Тожмаҳаллар тиклар султон —  
Бобурлари, Беҳзодлари, илм истанг.

Ҳақ йўлида сиз илмнинг умматлари,  
Халқ йўлида ҳидояти, ҳимматлари.  
Мадад бўлсин Яссавийнинг ҳикматлари,  
Бобо Машраб баётлари, илм истанг.

Илм истанг, изингиздан ибрат ёғсин,  
Ихлосингиз, шахдингиздан шиддат ёғсин.  
Ортингиздан мағрур-мағрур миллат ёғсин,  
Мулки Турон нажотлари, илм истанг!..

Алп ўғлонлар ўлкасидир Ўзбекистон,  
Эркили элнинг қанотлари, илм истанг.  
Ярим жаҳон бунёд этган Соҳибқирон,  
Алишернинг авлодлари, илм истанг.

## ТҮНИНГ ЭТАГИДАН ТУШМАСИН ҚҰЛИМ

На ерда гавҳарсан, на кўкда ҳилол,  
Хорсан, ғарибсан бир маскан бўлмаса.  
Бошингда соябон мажнунтол мисол,  
Сенга парвона бир Ватан бўлмаса.  
Сенсиз саҳроларда саробдир йўлим,  
Тупроғи кўзимга тўтиё элим.

Қаторда ёмонинг бўлмай илоё,  
Сенинг назарингдан қолмай илоё.  
Кийик боласидек ночор жовдираб,  
Тўрт томон югуриб-елмай илоё.  
Тўнинг этагидан тушмасин қўлим,  
Тупроғи кўзимга тўтиё элим.

Сенинг улуғлигинг, устиворлигинг,  
Бизни билмаганга бўлсин ёрлигинг.  
Қандай бўлсанг шундай азизсан менга,  
Менинг давлатим бу — сенинг борлигинг.  
Сен дуо қилсанг бас —

“Кам бўлма, ўғлим”,  
Тупроғи кўзимга тўтиё элим.

Абаддир яшнаши бир яшнаган боғ,  
Қадим сен ўтқазган ниҳол, навалар.  
Дунёга кўз-кўзлаб тикламоқда, боқ —  
Темурнинг давлатин темурзодалар.  
Қайтгани рост бўлсин бу гулшан сўлим,  
Тупроғи кўзимга тўтиё элим.

## ДУНЁЛАРНИ ҚУЧДИ ЎЗБЕК ДЕГАН НОМ

Бир тўкилиб тағин қомат тикладик,  
Елкаларга миллат юкин юкладик.  
Озод вужудларда руҳ бўлди бино,  
Бинолар ўрнида давлат тикладик.  
Қай кун тилдан учди қадрдон калом —  
Дунёларни қучди ўзбек деган ном!

Бошин не тошларга урди бу диёр,  
Неча вайрон бўлди, қурди бу диёр.  
Тожмаҳал меъмори, Нилнинг мироби,  
Имом Бухорийлар юрти бу диёр.  
Бизни йўқлаганга биздан ҳам салом,  
Дунёларни қучди ўзбек деган ном!

Ватан, айланайин тупроқларингдан,  
Боғда гул, тоғдаги гиёҳларингдан.  
Боқсанг нур ёғилар нигоҳларингдан,  
Айро тушмай асло қучоқларингдан.  
Асқотди сен ўзинг қурган зуволам,  
Дунёларни қучди ўзбек деган ном!

Боланг аҳволидан огоҳ бўл ўзинг,  
Асра, асраганга паноҳ бўл ўзинг.  
Ёруғ манзилларга етакла мени,  
Ёлғиз йўлдошим бўл, ҳамроҳ бўл ўзинг.  
Сенингсиз мукамал эмас бу олам —  
Дунёларни қучди ўзбек деган ном!

## СИЗГА АЙТСАМ

Сизга айтсам, ҳали тупроқ ботмай товонга,  
Ва муҳаббат қийноқларин билмасдан олдин,  
Ажиб туғён келаверди бостириб қонга,  
Мен юртимга кўнгил бериб балога қолдим.

Мана энди армоним кўп кўринмайдиган,  
Кўринса ҳам бировларга шунчаки эрмак.  
Дала йўлда қуриб қолган ялпизнинг зори,  
Шотутларнинг сувга тушган кўз ёшларидек.

Сиз куларсиз, бу китобий сўзларни қўй деб,  
Хитобларни тўкаверма бола, липпадан.  
Аммо рости, лабда болдек қотиб қолган шу —  
Онам сути, онам сути экан-да Ватан!

Шу Ватанга нафим бўлса дейман менинг ҳам,  
Ва мақтанчоқ шоирчалар текканда жонга,  
Уятларда ловуллаган юзимни босиб,  
Овунаман мўмину соф Ўзбекистонга.

Давраларни ҳайрон этиб кетаман чиқиб,  
Юлдузлармас, қаранг кўкда порлаган улар —  
Шу юрт учун қурбон бўлганларнинг кўзлари.

Бу қиз эса тушунмайди, тушунмас мени,  
Бу қиз менинг кўзларимдан излар тасалли.  
Севаман, деб сочим силаб, юзма-юз ёлғиз,  
Ва елкамга нигоҳ тираб ўйлайди: далли.

Билмайдик, ҳали тупроқ ботмай товонга,  
Ҳали севги азобларин билмасдан олдин,  
Келаверди бир дунё ҳис бостириб қонга,  
Мен туйғуга кўнгил бериб балога қолдим.

Билмайдики, юрсам-турсам йўлдошим шу юрт,  
Уйқумда ҳам жонга босиб ётаман қўлин.  
Қиз дегани Зулайҳодай сулув бўлса ҳам,  
Севолмайди уни ҳеч ким, севмаса элин.

Мақтабдошим бўлар эди — менинг сирдошим,  
Кечалари кўкка боқиб ўйлар сурардик.  
Қайда кибор кимса кўрсак ё бир тубанлик,  
Қўлимиз мушт, тишимизни қайраб юрардик.

Уни бугун бешикдаги бола ҳам танир,  
Олим дейди, ўзи маъқул, сўзлари маъқул.  
“Сен бекорчи хаёлларни сувга соч энди,  
Яшашни бил”, — дея менга хат ёзар нуқул.

Яшашни бил! Йилтиллайди кўзлари ёмон,  
Яшашни бил! Кулар оппоқ кўйлак, оқ бадан.  
Севаман, деб қасам ичар талабасига,  
Йиғинларда нутқ сўзлар: она бу — Ватан!

Ховучимда бўтана сув ичмасман энди,  
Хайр энди болалигим, бебаҳо тилсим.  
Мақтабдошим бўлар эди, энг яқин дўстим,  
Уни бугун сенинг шаффоф руҳинг кўр қилсин.

Сиз куларсиз, бу хитобий гапларни қўй, деб,  
Аммо рост, бир ҳикматни энди билдим мен:  
Ҳей одамлар, лабда болдек бўлиб турган шу—  
Онам сути, онам сути эканку — Ватан!..

Шу Ватанга нафим тегса дейман менинг ҳам,  
Юрак ундан бир сўз кутиб бўйлар осмонга.  
Ўғлим, деса икки қўллаб жонимни тутиб,  
Сигинаман мўмин ва соф Ўзбекистонга.

## ҚАЙДА БОР

Ўмғир ёғар шитирлаб,  
Нурми, ипак толалар.  
Баҳор келса қиқирлаб,  
Қирга чиқар лолалар.  
Лолалар ҳар жойда бор,  
Бизда бори қайда бор...

Кўкни булут ўрайди,  
Ерни ўмғир аллалар.  
Райҳон ҳидин тарайди,  
Донга интиқ далалар.  
Далалар ҳар жойда бор,  
Бизда бори қайда бор...

Саман йўрға ер чизиб,  
Тошда омоч сирғалар.  
Оқар ойни оқизиб,  
Жилдир-жилдир жилғалар.  
Жилғалар ҳар жойда бор,  
Бизда бори қайда бор...

Қалбга таскин изласанг —  
Турғун чолни сўрагин.  
“Тановар”ни тингласанг,  
Сел бўлади юрагинг.  
Наволар ҳар жойда бор,  
Бизда бори қайда бор...

Кўринганни дуолар  
Қилар бизда момолар.  
Ғанимга ҳам омонлик



Тилар бизда момолар.  
Момолар ҳар жойда бор,  
Бизда бори қайда бор...

Бизнинг бўстон қайда бор,  
Шоҳимардон қайда бор,  
Сўлим Сурхон қайда бор,  
Самарқанднон қайда бор-а,  
Ўзбекистон қайда бор!

## ЎЗБЕКМАН

Оқ яктаги янглиғ оппоқ муроди,  
Ҳар яхшига жони қурбон ўзбекман.  
Насли улуғ Соҳибқирон зурёди —  
Довруғи дунёга дoston ўзбекман.

Юрт йўлласа тулпорлари қир ошган,  
Ўттиз ўлка атрофида бирлашган.  
Юлдуз билан фуқародек сирлашган —  
Ҳазрати Улуғбек султон ўзбекман.

Зиё оққан мен юрган йўл — йўлакка,  
Шому Ироқ зор термулган ўзбекман.  
Дунёларни ўрантирган ипакка —  
Тилла қўнғироқли карвон ўзбекман.

Шоҳликни умргузарликда ўтказган,  
Навкар билан ниҳол эккан, ер қазган.  
Жанглар аро фурсат топиб шеър ёзган,  
Тожаҳаллар қурган гирён ўзбекман.

Оқ яктаги янглиғ оппоқ муроди,  
Ҳар яхшига жони қурбон ўзбекман.  
Насли улуғ Соҳибқирон зурёди —  
Довруғи дунёга дoston ўзбекман.

## ВАТАН ЯГОНАСАН

Боболар каломи тилимда дойим,  
Сен учун юрагим қўлимда дойим.  
Соғинаман юрган йўлимда дойим,  
Ватан ягонасан дилимда дойим.

Баҳорлар ўтади, ёзлар ўтади,  
Осмонни тўлдириб, ғозлар ўтади.  
Ўзингдан ўзга сўз-созлар ўтади,  
Ватан ягонасан дилимда дойим.

Бу ёруғ оламнинг жаннатлари бор,  
Ватандан бўлагин миннатлари бор.  
Жонингга жонимнинг пайвандлари бор,  
Ватан ягонасан дилимда дойим.

Дунёлар ичида ўзинг бир дунё,  
Қўйингга юрсам ҳам гоҳо сир — дунё.  
Онам дейми сени, синглим дейми ё,  
Ватан ягонасан дилимда дойим.

То жаҳон бор экан, ҳамиша бор бўл,  
Темурнинг юртисан, дойим тождор бўл.  
Пойингга бахшида жонимга ёр бўл,  
Ватан ягонасан дилимда дойим.

## ҚУЁШИСТОНИМ

Манглайимга битган Ер,  
Болалигим ўтган Ер.  
Тулпор бўлиб тойинсам  
Менга елка тутган Ер.

Қай манзилга ошиқиб,  
Мен остона ҳатласам,  
Ота бўлиб қузатган,  
Онам бўлиб кутган Ер.

Кўҳинурдан кўҳлигим,  
Онам — Ўзбекистоним.  
Ўзбекман, ўзбеклигим  
Менинг олий унвоним.

Сен борсанки,  
                                    қаддим тик,  
Паноҳим, соябоним.  
Сен борсанки, бағрим бут,  
Бутундир бурда ноним.

Тириклигим сен билан,  
Суюклигим сен билан.  
Ўзинг улуғ бўстоним,  
Ўзинг ёруғ жаҳоним.

Улуғтоғдай улуғим,  
Қалъам — Ўзбекистоним.  
Ўзбекман,  
                                    ўзбеклигим  
Менинг олий унвоним.

Менга сенинг меҳрибон  
Ҳар нигоҳинг бир давлат.  
Ҳар лутфинг бир иноят,  
Ҳар караминг — тожу тахт.

Сен борсанки, мен ҳам бор,  
Жонга жон пайванд диёр.  
Боланг бўлиб ёнингда  
Юрганлигим ўзи бахт.

Қабул айла қуллуғим,  
Қадим Куёшистоним.  
Ўзбекман, ўзбеклигим  
Менинг олий унвоним.

## ЎЗБЕК

Ўзбекка ўхшатиш топмоқ муаммо,  
Ўхшаса ўзига ўхшайди ўзбек.  
Қиёси йўқ унинг, меҳри бир дарё,  
Дунёда болам деб яшайди ўзбек.

Бир қўлда беланчак, бир қўлда қуръон,  
Бир елкада кетмон, бирида иймон.  
Барчага баробар бир офтобсимон,  
Яшнасин олам деб яшайди ўзбек.

Ўнта бўлса ўрни бошқа унинг-чун —  
Ўғлим оташимдан яралган учқун.  
Қизим парилардан чехраси гулгун,  
Юзлари лолам деб яшайди ўзбек.

Момолари тетик юзга кирса ҳам,  
Боболари қайси йигитлардан кам.  
Зурёдлари бўлса бир ҳовлига жам,  
Тўшак етмай тўнин тўшайди ўзбек.

Эҳтиром этганга эҳромлари бор,  
Кеккайганга бўйин эгмагай зинҳор.  
Бешигида жажжи Исломлари бор —  
Тош ўтмас қўрғонга ўхшайди ўзбек.

Киндик қони томган тупроқ унга шон,  
Керак бўлса, бесўз бахш этар у жон —  
Кўкракка урмайди: Ватан деб, Ватан!  
Алпомиш ўғлонга ўхшайди ўзбек.

Муҳаммад, ким бўлдинг қиёсин топиб,  
Ўхшаса — ўзига ўхшайди ўзбек.  
Ёмон шеър ёзсанг ҳам бетингдан ўпиб,  
Кам бўлма, болам, деб яшайди ўзбек.

## ЎЗИНГДАН ҚЎЙМАСИН, ХАЛҚИМ

Кушдай учиб кучоғингдан дунё кездим,  
Кезиб-кезиб топганларим Соғинч бўлди.  
Қанча олис кетсам шунча қадринг сездим,  
Қайда юрсам ёди-меҳринг овунч бўлди.  
Айланайин қора қошу кўзингдан-а,  
Ўзингдан қўймасин халқим, ўзингдан-а!..

Биров учун бировлар туш кўриб бермас,  
Миннат қилмай бир боғ ўтин ўриб бермас.  
Байрамингда ойлаб базм қилган каслар,  
Бошингга иш тушса бир кун туриб бермас.  
Номус куйи тушмасин ҳеч бўғзингдан-а,  
Ўзингдан қўймасин халқим, ўзингдан-а!..

Эрк водийси — заҳматларга сийловдир бу,  
Той қоқилиб от бўлгувчи яйловдир бу.  
Ранж чекмасанг нурли-нурли тонглар қайда,  
Синовдир бу, балки буюк синовдир бу.  
Бош кетса ҳам қайтма энди сўзингдан-а,  
Ўзингдан қўймасин халқим, ўзингдан-а!..

Болдан ширин татир қора буғдойинг ҳам,  
Ўзингдан бўлса гар шоҳу гадойинг ҳам.  
Бир тану жон, бир-бирингдан рози юрсанг,  
Худойим ҳам сендан рози, худойим ҳам.  
Гоҳи ипак, гоҳи яқтак бўзингдан-а,  
Ўзингдан қўймасин халқим, ўзингдан-а!..

Эр бошига иш тушса ўт кечгувчидир,  
Чидаймиз-да, бу заҳматлар ўткинчидир.  
Ҳурлигинг ҳақ — қолган бари ўтаверсин,  
Бу дунёда энг ёруғ бахт — эл тинчидир!..  
Айирмасин беминнат нон-тузингдан-а,  
Ўзингдан қўймасин халқим, ўзингдан-а!..

## ЁШЛАР МАДҲИЯСИ

Оқ йўргакка ўрагансан ўзинг бизни,  
Оқ ювиб, оқ тарагансан ўзинг бизни.  
Бешигимиз узра бедор она бўлиб,  
Кунимизга ярагансан ўзинг бизни.  
Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон,  
Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!..

Қалқонинг бор, ким қасд қилса  
  гар жонингга,  
Алпомишлар руҳи ёр ҳар ўғлонингга.  
Асрагаймиз гиёҳинг ҳам гулдай ўпиб,  
Ёвлар яқин йўлдошмагай кўрғонингга.  
Адойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон,  
Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон.

Тузинг тотиб, унутганлар хор бўлади,  
Кўзларига икки дунё тор бўлади.  
Шодон дамнинг кўролмаган юртфурушлар,  
Бир кун бир кафт тупроғингга зор бўлади.  
Ёнингда тургаймиз сени, Ўзбекистон,  
Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!..

Гул кўринган даштингдаги гиёҳ — хасдир,  
Соддадилу улуғворлик сенга хосдир.  
Севамикки, чўлларинг ҳам бизга жаннат,  
Тупроғинг ҳам Макка мисол муқаддасдир.  
Онадек кўргаймиз сени, Ўзбекистон,  
Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!



## ВАТАННИ СЕВИНГ

Кимлардир кафтида гул ушлаб юрар,  
Кимлардир қўлида палахмон тоши.  
Чайқалиб турганда дунё гулдираб,  
Юртнинг пойидадир йигитнинг боши.  
Севсангиз, аввал шу Ватанни севинг,  
Сўнг шаҳло кўзу гулбаданни севинг!..

Унутманг, бу кўҳна чархи фалакда,  
Ватандан бошқаси ҳаммаси майда.  
Кўнгилда орзудек осмон мусаффо,  
Тупроқ тинч бўлмаса, Муҳаббат қайда!..  
Севсангиз, аввал шу Ватанни севинг,  
Сўнг шаҳло кўзу гулбаданни севинг.

Чорласа Сиз кўрғон бўлинг, тош бўлинг,  
Суянг бир-бирингиз, елкадош бўлинг.  
Қани ким ботиниб бир сўз айтолгай,  
Битта жон, битта тан, битта бош бўлинг.  
Севсангиз, аввал шу Ватанни севинг,  
Сўнг шаҳло кўзу гулбаданни севинг.

Шу юрт тинч — йўқ дилда санчиқларингиз,  
Қиқирлаб юришар қаллиқларингиз.  
Ёр-ёрлар ярашар, тўйлар ярашар,  
Ярашар тўқликка шўхликларингиз.  
Севсангиз, аввал шу Ватанни севинг,  
Сўнг шаҳло кўзу гулбаданни севинг!

## МЕНГА БЕРИНГ

Олам яралгандан бери,  
Одам яралгандан бери,  
Аждодларим имдодини  
Менга беринг, менга беринг.

Ўғлим, деб ишонган элим,  
Киндик қоним томган элим.  
Туйғуларнинг озодини  
Менга беринг, менга беринг.

Не бахт, беш юз йилдан бери,  
Боқийдир бир бобом шеъри.  
Беҳзод чизган сувратини  
Менга беринг, менга беринг.

Қаранг, Абу Райҳон келур,  
Хаста кўнгли вайрон келур.  
Синонинг тиббиётини  
Менга беринг, менга беринг.

Темурнимас, Чингизнимас,  
Осмон тўла юлдузнимас,  
Улуғбекнинг ниятини  
Менга беринг, менга беринг.

Ҳиндуга мусофир ўша,  
Ҳиротдаги Бобур ўша.  
Фурбатдаги Фурқатини  
Менга беринг, менга беринг.

Лайлиларнинг вафосини,  
Мажнунларнинг нидосини,  
Алпомишнинг келбатини  
Менга беринг, менга беринг.

Осмонларга учгим келур,  
Шоҳ Машрабни қучгим келур,  
Гўрўғлининг Фиротини  
Менга беринг, менга беринг.

Утган куним, кетган куним,  
Ўз бошимга етган куним.  
Қодирийнинг пок ёдини  
Менга беринг, менга беринг.

Қайда бу кун Усмон Носир,  
Бағри кукун Усмон Носир.  
Шоирларнинг шерзодини  
Менга беринг, менга беринг.

Ерни ушлаб тўхтатаман,  
Яссавий ким, кўрсатаман.  
Ватан адабиётини  
Менга беринг, менга беринг.

“Яшайлик бир ўзбек бўлиб,  
Бир узукка кўздек бўлиб”  
Деган дилнинг муродини  
Менга беринг, менга беринг.

Замин ерин зўрин олинг,  
Жаннатининг тўрин олинг.  
Ўзбекистон ободини  
Менга беринг, менга беринг.

У ҳам мени кўргай ҳали,  
Кўзи ёниб сўргай ҳали:  
Шу ўғлимнинг баётини  
Менга беринг, менга беринг.

## ЎЗБЕКНИНГ АЁЛЛАРИ

Ухламайди тунлари —  
Ой нурлари таралган.  
Ўзбекнинг хотинлари  
Фарзанд учун яралган.

Йилдан узун кунлари,  
Ким кўнглини сўролган.  
Ўзбекнинг хотинлари  
Меҳнат учун яралган.

Қирқ йил қирғин бўлса ҳам  
Ўз аҳдида туролган.  
Ўзбекнинг хотинлари  
Тоқат учун яралган.

Ўзбекнинг аёллари,  
Ўзбекнинг хотинлари,  
Сувдан ҳалол,  
Гулдан пок  
Қўллари олтинлари,  
Қай томонга бурса юз,  
Йўллари олтинлари —  
Иzzат учун яралган!

## ИФТИХОР

Ширмон кулча юзлари  
Райҳон исдир бу элнинг,  
Узун сочли қизлари  
Тўмарисдир бу элнинг.

Ўзбек қизин кимлигин,  
Ким айтади мен айтмай:  
Қирқ йил қирғин бўлса ҳам  
Ёрин кутар миқ этмай!..

Эркин тутар бошида,  
Номус дея от чопган.  
Алп ўғлони қошида  
Асқартоғлар тиз чўккан.

Ўзбек ўғлин кимлигин,  
Ким айтади мен айтмай.  
Майдонларни титратган,  
Елкалари ер ўпмай!..

Гулга чўмсин излари,  
Эрки йўлдош, ёр бўлсин.  
Шундай юртнинг қизлари,  
Ўғлонлари бор бўлсин!

## ЎЗБЕКМОМО

Фаришталар файзи ёғар юзларингдан,  
Аримасин қувонч энди, Ўзбекмомо.  
Юрсанг офтоб эргашади изларингдан,  
Офтоб бўлиб нур соч энди, Ўзбекмомо.

Келди қайтиб ёт юртлардан карвонларинг,  
Қўнғироғи кўксингдаги армонларинг.  
Ўзингники ўзинг ёпган ширмонларинг —  
Сенга тегмас қирмоч энди, Ўзбекмомо.

Эй сен ҳикмат диёри, эй сирли бағир,  
Не даҳога йўл кўрсатдинг ўзинг, ахир.  
Темурга ҳам алла айтган ўзинг, ахир,  
Қайтар қалбга ишонч энди, Ўзбекмомо.

Озод юртда, обод юртда бор келажак,  
Хур ўлкага мудом йўлдош, ёр келажак.  
Ҳали не-не Алпомишлар туғилажак,  
Бахтинг бошга гултож энди, Ўзбекмомо.

Тўкилмасин сочингдаги битта толанг,  
Омон бўл сен, омон бўлсин дашту даланг.  
Чўпон боланг, деҳқон боланг, султон боланг—  
Кел, дуога қўл оч энди, Ўзбекмомо!..

## МЕНИНГ ВАТАНИМ

Онамга ўхшайди менинг Ватаним,  
Онамдай меҳрибон, онамдай хоксор.  
Ҳолбуки, қизи бор енголмас ғаним,  
Ҳолбуки, ўғли бор чақмоқдек шунқор.  
Чунки дунё кўрган, кўргиси келмас,  
Қушнинг инини ҳам бузгиси келмас.

Замин қандай улуғ, замин беҳудуд,  
Кимлар чумолидир, кимлар шиллиққурт.  
Болам, буюрмасин ўзгага, дейди,  
Ҳамманинг ўзига насиб этган юрт.  
Чунки дунё кўрган, кўргиси келмас,  
Қушнинг инини ҳам бузгиси келмас.

Ўзи ҳам билмайди қай бири машҳур:  
Бир ўғли Яссавий, бир ўғли Темур.  
Олис уфқларга кўз тикиб толғин,  
Мард бўлсанг уй қурма дейди, давлат қур.  
Чунки дунё кўрган, кўргиси келмас,  
Қушнинг инини ҳам бузгиси келмас.

Аждод суриштириб лофлар урмаган,  
Онам панжасига панжа урмаган.  
Ўзининг боласин авайлаб-асраб,  
Ўзгага ёмонлик раво кўрмаган.  
Чунки дунё кўрган, кўргиси келмас,  
Қушнинг инини ҳам бузгиси келмас.

## ЎЗБЕКИСТОН ПОЛВОНЛАРИГА

Майдон узра давра қурар  
Ўзбек курашса.  
Тоғларни елкада сурар,  
Ўзбек курашса.

Ўзбегимнинг кураши ҳам  
Ўзидай ҳалол —  
Даст кўтариб ерга урар,  
Ўзбек курашса.

Паҳлавонлар,  
юрт майдонга  
Йўлласин сизни,  
Алпомишлар руҳи доим  
Қўлласин сизни.

Эҳром бўлса — сиз ҳам эҳром  
Айланг полвонга,  
Фирром бўлса — соққа қилиб  
Отинг осмонга.

Оқ яхтакли, оқ тилакли  
Оқ ниятларим,  
Ҳур Ватаннинг шуҳратини  
Ёйинг жаҳонга.

Полвонларим,  
юрт майдонга  
Йўлласин сизни.  
Паҳлавон Маҳмудлар руҳи  
Қўлласин сизни!



Ўзбекистон зар ундирар  
Дехқон ўлкадир,  
Даштида ҳам дуру гавҳар,  
Бўстон ўлкадир.

Белларида белбоғи бор  
Ўғлонларининг,  
Чўпони ҳам, султони ҳам  
Полвон ўлкадир.

Ботирларим, юрт майдонга  
Йўлласин сизни,  
Аждодларнинг руҳи доим  
Қўлласин сизни.

## МУҲАММАДГА МАКТУБ

Қўлинг гулга айлансин ёр қучганда,  
Лаҳча чўғ ҳам хуплагин сув ичганда.  
Сев, юрагинг карвон бўлиб кўчганда,  
Ишқдан олис саҳро борми, биродар?..

Ошиқларнинг орасида ҳакам йўқ,  
Дардинг айтсанг, эшитгувчи одам йўқ.  
Ишқ дардига ишқдан бўлак малҳам йўқ,  
Бундан оғир савдо борми, биродар.

Қаён бошинг урма, бу дунё бир кам,  
Бировга бер ўзинг муҳтож бўлсанг ҳам.  
Ўзга ғами ўлдирмаса ўлсанг ҳам,  
Ҳаётингда маъно борми, биродар.

Боқ бу фалак ишларига ўнгланиб:  
Кимлар ўтар бир жони минг тўғралиб,  
Кимлар ўтар қобиғига ўралиб,  
Дардсиздек бедаво борми, биродар.

Лочин кўкда нетар кўзи ўтмаса,  
Синдир қаламингни сўзи ўтмаса.  
Ватан десанг ўпканг тўлиб кетмаса,  
Шеър ёзишга бало борми, биродар!..

## ПОСБОНЛАР

Сизда ором қайда,  
Сизда тин қайда.  
Сиз тўйиб ухлаган битта тун қайда.  
Эл-юрт оромини асраган зотлар,  
Эл меҳри асрасин Сизни ҳар жойда!..

Сизни учратаман тоғда, далада,  
Хизматда ҳамиша, қорда, жалада.  
Сизга сабот берсин, Сизга куч берсин,  
Буюк зотлар руҳи шундай паллада.

Ҳар кун офтоб билан соғ кўришиб юз,  
Уйдан омон чиқиб, омон қайтингиз.  
Ризқи улуг бўлсин, кўкси улуг бўлсин,  
Хонадонингизу мамлакатингиз.

Йўллар равон бўлсин, йўллар оқ бўлсин,  
Баҳор майсалари кўкчироқ бўлсин.  
Бурчга садоқатли эй фидойилар,  
Поклигингиз Сизга кўзмунчоқ бўлсин!..

Сизда ором қайда, сизда тин қайда,  
Сиз тўйиб ухлаган битта тун қайда.  
Эл-юрт оромини асраган зотлар,  
Эл меҳри асрасин Сизни ҳар жойда.

## МУҲАММАДҚОДИР

Бобурдан меросми  
Кўзингдаги чўғ,  
Эй сен мушти қаттиқ,  
Кўнгли бўш бола.  
Яшил ўрмонларда  
Улғайганинг йўқ,  
Сенинг ҳам кўз очиб  
Кўрганинг – дала.

Ўзи яйрамаган  
Сени яйратиб,  
Отанг саҳар келиб,  
Кетган саҳарда.  
Онанинг пахта терган  
Сени ухлатиб,  
Толларга осилган  
Беланчакларда.

Бахтиёр болалик –  
Кечаги эртақ,  
Юраги увишган,  
Кўзи ачишган.  
Сенинг ҳам қўлингга  
Беришиб этак,  
Сенинг ҳам устингдан  
Дори сочишган.

Асл чемпион ҳар  
Ўзбек бўлган,  
Даладир дунёда  
Асли катта ринг.  
Деҳқоннинг қўлига  
Кишанлар солган,

Миллат душманлари  
Сенинг рақибинг.  
Зарбингдан қалқисин  
Кулаётганлар,  
Юмшоқ ўрnidан бир  
Туриб қўйсинлар.  
“Ўзбекнинг иши”ни  
Ўйлаб топганлар,  
Ўзбекнинг муштини  
Кўриб қўйсинлар!..

Кураш тўйларга кўрк,  
Сайилда эрмак,  
Билакларга бердик  
Хирмонларда тоб.  
Японнинг эгнида  
Бизларнинг ятак,  
Пахтамиз Муҳаммад  
Алига қўлқоп.

Бизнинг устозимиз  
Имон ва ихлос,  
Асли-ку мақтаниш  
Эмас бизга хос.  
Ўн икки ёшида  
Кўзлари чақнаб,  
Бобур йўлбарс билан  
Олишгани рост.

Кимлардир бизларни  
Кўшмасди сафга,  
Муштингда миллатнинг  
Номуси жодир.  
Қай рақибни йиқсанг,  
Улар тарафга  
Бир кулиб қараб қўй,  
Муҳаммадқодир.

Денгиз бўлиб жўшгин,  
Дарё бўлиб қалқ,  
Кетсин кўнгиллардан  
Ранжлар озори.  
Сенинг суянчиғинг  
Ортингда бир халқ,  
Сенинг мураббийинг —  
Миллат сардори.

Қадоқ битган панжа  
Зарби шунақа!  
Кетмон тутган панжа  
Зарби шунақа  
Ҳабашмисан,  
Фаранг,  
Тур, эй, оғайни,  
Ўзбекнинг анжанча  
Зарби шунақа!

Ҳаёт асли кураш,  
Ҳаёт асли жанг,  
Янги зафарларга  
Йўласин сени.  
Тўн кийиб қачонки  
Майдонга чиқсанг,  
Паҳлавон Маҳмудлар  
Қўласин сени.

Мен булбул эмасман,  
Мен бир жайдари,  
Кўнглимга сифиниб  
Бир қалам сурдим.  
Худодан сўрайман:  
Сенинг сингари,  
Қодир ўғлонлари  
Кўпайсин юртим!..

## ИҚРОП

О, ота маконим,  
Онажон ўлкам,  
Ўзбекистон, жоним тўшай соянгга.  
Сендай меҳрибон йўқ,  
Сенингдек кўркам,  
Римни алишмасман бедапоянгга.

Бир гўша сув бўлса, бир гўша қирлар,  
Қанча юртни кўрдим, қанча тақдирлар.  
Қайга борсам суяб, бошни тик тут деб,  
Тоғларинг ортимдан эргашиб юрар.

Кўрдим сулувларнинг энг фарангларин,  
Ё худбинман мен ё бир содда касман мен —  
Парижнинг энг гўзал ресторанларин,  
Битта тандирингга алишмасман мен.

На гапга кўнайин,  
На тил билайин,  
Кўздан уйқу қочди, дилдан ҳаловат —  
Уч кунда соғинсам нима қилайин,  
Чала қолар бўлди ҳамма саёҳат.

Билдимки, баридан улуғим ўзинг,  
Билдимки, яқини шу тупроқ менга.  
Баҳорда Бахмалда туғилган кўзинг,  
Араб оҳусидан азизроқ менга.

Сен билан ўтган ҳар кун байрам — базм,  
Сенсиз бир он қолсам ваҳмим келади.  
Сени билганларга қиламан таъзим,  
Сени билмасларга раҳмим келади.

## БЕЛБОФ

Паҳлавон йигитча, полвон йигитча,  
Димоғи осмонни олғон йигитча.  
Ўзбек эканингиз ёлғон, йигитча,  
Белбоғингиз қани, белингиздаги?..

Узр, оғир олманг аччиқ сўзимни,  
Қоқ юрагингизга санчиқ сўзимни.  
Нега яшнатмайди боқсам кўзимни —  
Белбоғингиз қани, белингиздаги?

Асли-ку сиз тиним билмас деҳқонсиз,  
Тер тўкиб ҳеч миннат қилмас деҳқонсиз.  
Дунёни гуллатиб қўйган ҳоқонсиз,  
Белбоғингиз қани, белингиздаги?

Товонингиз ўпса арзир бу тупроқ,  
Қанча ўпса шунча қарздир бу тупроқ.  
Аммо ғурур керак инсонга кўпроқ,  
Белбоғингиз қани, белингиздаги?

Улкан пахтазордир юртнинг тўрт ёғи,  
Ерни оққа ўраб бўлдингиз чоғи.  
Ўша пахтангиздан тикилган шоҳи  
Белбоғингиз қани, белингиздаги?..

Деҳқони, чўпони, боғбони бари,  
Туркийнинг тўқсон олти қабилалари.  
Эй, Мирзо Бобурнинг набиралари,  
Белбоғингиз қани, белингиздаги?!



## ЧАМАНИСТОНИМ

Она юртим — Узбекистоним,  
Пойларингга садқа бу жоним.  
Дунёлари ичра бир дунё,  
Ўшшаши йўқ чаманистоним.  
Юрагимда бир орзу, ҳавас —  
Сенга содиқ ўғил бўлсам бас!..

Бешигимни тебратган ўзинг,  
Алла айтиб ухлатган ўзинг.  
Уйдан чиқсам остона ҳатлаб,  
Ҳар лаҳзада сўратган ўзинг.  
Юрагимда бир орзу, ҳавас —  
Сенга содиқ ўғил бўлсам бас!..

Кезиб чаман чорбоғларингни,  
Ичдим зилол булоқларингни.  
Эрка бўлиб эркингни куйлаб,  
Оқлай дейман ардоқларингни.  
Юрагимда бир орзу, ҳавас —  
Сенга содиқ ўғил бўлсам бас!..

Она юртим — Узбекистоним,  
Пойларингга садқа бу жоним.  
Дунёлари ичра бир дунё,  
Ўшшаши йўқ чаманистоним.  
Юрагимда бир орзу, ҳавас —  
Сенга содиқ ўғил бўлсам бас!..

## БУҒДОЙПОЯЛАР

Мен таъзим қиламан буғдой пойига,  
Ҳали ҳеч кимсаку бошин эгмаган.  
Одамлар бор ахир, туққан жойига  
Бир бошоқ буғдойча нафи тегмаган.  
Чўксин қошингизда тоғлар, қоялар.  
Сиз шунга лойиқсиз, буғдойпоялар.

Сирдарё дейсизми ё Самарқанддир,  
Қайда ўзбек бўлса, уйда тандир.  
Шоирлар юртимас кимдир айтгандек,  
Аслида бу диёр деҳқон-Ватандир.  
Сизда жами ҳикмат ва ҳикоялар,  
Сиз зўр машойихсиз, буғдойпоялар.

Ёмғирда ёғилмай ҳулга ботгансиз,  
Шамолда тўкилмай бизга қайтгансиз.  
Отамга қўшилиб ухламай чиққан,  
Онамга қўшилиб алла айтгансиз.  
Ва енгил тин олган кетгач соялар,  
Ҳалол халойиқсиз, буғдойпоялар.

Қадрингиз билмаслар бугун ҳам қанча,  
Назарга илмаслар бугун ҳам қанча.  
Ранжиманг, ранжишга арзимас улар,  
Гала текинтомоқ, гала тирранча.  
Улар бир беюрак, бениҳоялар,  
Яшолмас қуллуқсиз, буғдойпоялар.

## ТАВАЛЛО

Ўтганга бер худойим,  
Кетганга бер худойим.  
Озодликни қадрига  
Етганга бер, худойим.

Хурлик қандай тансиқ сўз,  
Қуллик қалбга санчиқ сўз.  
Хурриятни бошида  
Тутганга бер, худойим.

Авайлаб ҳар япроғин,  
Кўзга сурсин тупроғин.  
Эркин берсанг — эрк деб қон  
Ютганга бер, худойим.

Хоҳ зиёли, хоҳ косиб—  
Бўлсин унга муносиб.  
Ватан берсанг, орзиқиб  
Кутганга бер, худойим!..

Ризқни билган зотга бер,  
Шукур қилган зотга бер.  
Юртни ҳар кун зиёрат  
Этганга бер, худойим.

## ИСТАК

Кўз ёшлари дарё бўлди бу дунё,  
Тутаб-тутаб адо бўлди бу дунё  
Тинч кунларни соғинди бир одамдек,  
Урушлардан зада бўлди бу дунё.  
Юзинг яшнаб ой тўлгандек тўл энди,  
Янги аср-шодлик асри бўл энди.

Беиз, майсадек бағринг тўла гўдаклар,  
Ҳар уйда бир бешик билан йўргаклар.  
Дуру гавҳар сўрармиди гўдаклар,  
Уларга тинч парча осмон керакдир.  
Янги аср — ғамга берма йўл энди,  
Болалик — ободлик асри бўл энди.

Ҳар гўшанинг ўз гиёҳи, лоласи,  
Ҳар кимсанинг ўз қўши, ўз даласи.  
Қўй ҳолига, яйрасин бу дунёда,  
Бир бор яшар ахир одам боласи.  
Асрларнинг нурли асри бўл энди,  
Янги аср — ҳурлик асри бўл энди.

Чирой очсин дардкаш менинг элим ҳам,  
Солдадил, заҳматкаш менинг элим ҳам.  
Элат эмас, миллат бўлсин бирлашиб,  
Дунёда меҳнаткаш менинг элим ҳам.  
Янги аср, кел, менга бер қўл энди,  
Бирдамлигу бирлик асри бўл энди.



## Юртим мадҳи



*Қошинга ким келиб, кимлар кетмади,  
Нафаси ўтмади, тили ўтмади,  
Сабр кўргонинга зиён етмади,  
Сувда тўқиб, ўтда куймаган шаҳар.*



## ТОШКЕНТ

Эй қуёшга қариндош шаҳар,  
Тингламассан балки арзимни.  
Қирқ йил қуллуқ қилсам ҳам агар,  
Узолмасман сендан қарзимни.

Туни ёруғ, тонглари илиқ,  
Шаҳарларнинг султони сенсан.  
Юзи қизил олмадай тиниқ  
Лобар қизлар макони сенсан.

Бисотимда топилмас зарим —  
Ёшлигимнинг ҳамроҳи ҳам сен.  
Хиёбонга томган ёшларим —  
Илк севгимнинг гувоҳи ҳам сен.

Эй кўксимга ўрнашиб қолган,  
Меҳри улуғ борми сенчалик.  
Пойига тиз чўкканим ёлғон,  
Севмаганман ёрни сенчалик.

Қарзларим кўп мўмин аҳлингдан,  
Аммо ўйлаб гоҳо босар ғам —  
Бағринг шундай кенгки, бағрингдан  
Паноҳ топгай дордан қочган ҳам...

Жоним садқа яхшиларингга,  
Ёмонингга ёмонлигим йўқ.  
Орзум йўлдош орзуларингга,  
Сенсиз менинг омонлигим йўқ.

Сени суйган севгингга ҳамроҳ,  
Кўролмаган сенга зор бўлсин.  
Мени шоир қилган қумсувоқ —  
Болахоналаринг бор бўлсин!

## МИНГТЕПА

Яйловларин бўлмаса ҳам поёни,  
Қор чўққига қўй ҳайдаган ўғлони.  
Булутларга тегиб турган қояни  
Қозиқ қилиб, от бойлаган ўғлони,  
Улуғтоғдай улуғ юртсан, Мингтепа,  
Муқаддассан, қутлуғ юртсан, Мингтепа.

Хоразмшоҳ бош эгса ҳам Чингизга,  
Мадад бўлган ҳолдан тойган қирғизга.  
Ҳоқон ҳийла қилганда ҳам жанг қилган,  
Қўрғонлари айланса ҳам денгизга.  
Сув босса ҳам ёв босмаган қалъамсан,  
Кийик ўтлаб юрган мовий даламсан...

Қадим Довон мамлакати аталган,  
Темур бобом нигоҳлари қадалган.  
Тўрт ёнида тўрт минг олам айланган,  
Айвонидан Қутайбалар ҳайдалган,  
Бир ўлкасан, хур ўлка, бир сўз бўлган,  
Қизлари ҳам қилич билан дўст бўлган...

Бир юракдан бир юракка кетган йўл,  
Карвон кезиб етмаган йўл, етган йўл.  
Ота қасри вафо қилмай, қон йиғлаб,  
Бобур мирзо Ўш пиримга ўтган йўл.  
Оқ отлиғин оққа элтган сўқмоқсан,  
Кўк отлиғин кўкка элтган сўқмоқсан...

Ўтов тикса куббасида муз бўлган,  
Чодирисида чақмоқлардан из бўлган.  
Минг йигитга сардор бўлган генерал —  
Қурбонжон додҳоси сулув қиз бўлган.



Номардлардан юзин бурган элатсан,  
Дор остида кулиб турган элатсан.

Сабр айлаб сарғайган оҳ сарсон эл,  
Олтин бешик ортмоғлаган, ҳорган эл.  
Қон бўлганда Дукчи эшон ортидан,  
Тўп оғзига таёқ тутиб борган эл.  
Подшо билан кураш тушган полвонсан,  
Ярим умри жанг, ярим умри армонсан.

Мен қўйнингдан чиққан битта тўрғайман,  
Тўрғай бўлиб тепангда чарх ургайман.  
Қайда юрсам сендан кўзим узмайман.  
Минг тепангга юзим босиб йиғлайман,  
Улуғтоғдай улуғ юртсан Мингтепа,  
Муқаддассан, қутлуғ юртсан, Мингтепа.

\* \* \*

Тупроқ юртим менинг,  
Тўпори юртим.  
Кўзимга тўтиё ғубори, юртим.  
Энг хушрўй гуллар гулрухсори юртим,  
Энг хушбўй боғларнинг ифори, юртим,  
Энг баланд тоғлардан юқори юртим,  
Муроди кўнглимнинг хумори юртим...

Бенаво билмаган,  
Бедард сифмаган,  
Беюзга бенасиб дийдори, юртим.

## ЎҒЛИНГМАН, ТОШКЕНТ

Офтоб тугилади сенинг қароғингда,  
Тошкент, оқшоминг-да фусункор.  
Ҳар бир кўчанг,  
Ҳар бир япроғингда  
Қодирийнинг ўйчан руҳи бор.

Меҳмондўст деб кимлар таъриф қилмаган,  
Ҳамма мақтовларнинг ўзинг адоғисан.  
Тошкент, сен миннатни билмаган устоз,  
Ойбек нигоҳисан,  
Ойбек кучоғисан.

Анҳор бўйларида қумрилар ўйнар,  
Шоир Фафур Фулом билган қумрилар.  
Икки минг йил аввал Сағбонни излаб,  
Ҳиндистонни ташлаб келган қумрилар.

Тошкент,  
Она шаҳар,  
Беҳад, бепоён —  
Ўзбекистондаги энг баланд терак.  
Аниқ таърифингни қилмоққа баён  
Улкан юрак керак,  
Улка-ан юрак керак!

Сенинг кўзларингга термулиб юриб,  
Қўшиқлар сўрайман — мен ҳам бир ўғлинг.  
Тошкент,  
Эй миннатни билмаган устоз,  
Бир умр тушмасин елкамдан қўлинг.

## МИНГТЕПА ҚУШИҒИ

Ҳар кимса ҳам от қўйсин ўз узлатига,  
Ҳар кимга ўз уйи азиз номи билан.  
Зор қилмасин бировнинг “марҳамат”ига —  
Мингтепани атайлик ўз номи билан.

Эркли элда эркадир ҳар жони муслим,  
Ҳар юртнинг ўз эли муслим, жони муслим.  
Ҳар келгинди келса ўзгармасин исмим,  
Мингтепани атайлик ўз номи билан.

Қандай алам, отимизни қўйса ёвлар,  
Марғилонлар қаерда-ю, Гурчаковлар?  
Бизни абад буколмаган бу синовлар,  
Мингтепани атайлик ўз номи билан.

Унутми ё бу гўшада оққан қонлар,  
Бешигида чирқиллаган болажонлар.  
Қўзғолонлар нега бўлди, қўзғолонлар?..  
Мингтепани атайлик ўз номи билан.

Соғинчларку санчиқ бўлиб ботар жонга,  
Муштоқману боргим келмас Андижонга.  
Борсам кўзим тушгай яна бир майдонга,  
Мингтепани атайлик ўз номи билан.

Ҳар ким ўзи қўйсин от ўз неъматига,  
Мард ястанмас номардларнинг наматиға.  
Ҳеч бўлмаса Дукчи эшон ҳурматиға,  
Мингтепани атайлик ўз номи билан.

## АНДИЖОНИМ

Боғи шамол бўйларида кезиб юрдим,  
Боболарим пок руҳини сезиб турдим.  
Тупроғини кафтга олиб кўзга сурдим,  
Шоҳ паҳлавон Бобур юрти Андижоним.

Бунда яшар ўз аҳдига вафодорлар,  
Кўзни олар лўппи-лўппи пахтазорлар.  
Гул ундирган даласидан кетмай қорлар,  
Азиз бободехқон юрти Андижоним.

Жаннатмакон сўлим шаҳар гулзорлари,  
Учаман дер Асаканинг тулпорлари.  
Мард элимнинг лочинлари, шунқорлари,  
Қаҳрамон Қобилжон юрти Андижоним.

Бу ўлкада Моҳларойим излари бор,  
Парилардай қорамайиз қизлари бор.  
Жамолидан ой уялган юзлари бор,  
Тандир-тандир ширмой юрти Андижоним.

Бу маконни Хизр бобо қўллаб юрар,  
Хирмониға пок нафасин йўллаб юрар.  
Тушида ҳам даласини ўйлаб юрар,  
Осмон қадар имкон юрти Андижоним.

## АНДИЖОН

Андижон, кўнглимда кўкарган далам,  
Йўлимга термулиб толган чорбоғлар.  
Мени соғинади соғинмасам ҳам,  
Боғи Бобурдаги момақаймоқлар.

Ўзинг улғайтирган ниҳолингга боқ —  
На бўйинг етар, на қўлинг етади.  
Болангдан шоҳ чиқса — ўзга юртда шоҳ,  
Шоир чиқса бари дайдиб кетади.

Гоҳи койимайсан гапга кирмаса,  
Гоҳи бошин силаб йўлга солмайсан.  
Тақдирдан нолийсан худо бермаса,  
Худо берганини асрай олмайсан.

Бевафо дунёнинг ишларин кўрсанг —  
Сен қурган саройга ҳинд меҳмон танлар.  
Балки аҳил бўлсанг, сал кенгроқ бўлсанг,  
Бағрингда бўларди Тожимаҳаллар.

Узр, гар оғринсанг елкамга бош қўй,  
Шод кунинг кўнглингни мен билан чоғла.  
Бобурга илинсанг, менга қовун сўй,  
Чўлпонни соғинсанг, мени қучоқла.

## МАРҒИЛОН

Сенсиз кўрксиз уйдек туйдим дунёни,  
Сенсиз суйсам ёлгон суйдим дунёни.  
Марғилон, Марғилон, водий маржони,  
Пайғамбар боғчам деб сийлаган шаҳар.

Сахийликни сендан ўрганмиш сабо,  
Мардсан, манманликни қилмаган даъво.  
Қулга от миндирган, кеккайса аммо,  
Султон қўлига сув қуймаган шаҳар.

Қошинга ким келиб, кимлар кетмади,  
Нафаси ўтмади, тиғи ўтмади.  
Сабр кўргонингга зиён етмади,  
Сувда чўкиб, ўтда куймаган шаҳар.

Жаннат ҳурларидан жамоли кўркам,  
Сулув санамларнинг хаёли кўркам.  
Бош эгиб келганда Отабеклар ҳам,  
Кумушини кўзи қиймаган шаҳар.

Ўтдим йўлагингдан ботганда қуёш,  
Кўксим тўла гина, кўзим тўла ёш.  
Биз ахир қадрдон, биз ахир сирдош,  
Муҳаммад термулиб тўймаган шаҳар.

## МАҲАЛЛА

Юзаки қаралса, марказ ҳашамлари,  
Осмонўпар уйлар — ҳаммаси гўзал.  
Аммо бош суқилса, буларнинг бари,  
Бир оддий маҳалла олдида ўсал.

Ўзбегим қомуси — маҳаллам менинг,  
Сенинг ўз қонунинг, одатларинг бор.  
Саҳифаси олтин мажаллам менинг,  
Сен ноқис оёғи етмаган диёр.

Барака дейсизми, оқибатми ё,  
Илиқликнинг бари бунда муҳайё.  
Шу жойдан бошланар инсоф водийси,  
Маҳалла — диёнат, маҳалла — ҳаё.

Эски томингга ҳам қиламан ҳавас,  
Қадимий деворлар менга эҳромлар.  
Чунки осмонўпар қасрларданмас,  
Маҳалладан чиққан Ғафур Ғуломлар.

Шоир эмас, жарчи бўлсайдим агар,  
Ким келса дердим мен, қайси сарҳаддан:  
Меҳмон, марказни қўй, маҳаллага бор,  
Бизда маҳалладан бошланар Ватан!

## ШАҲРИХОН

Саҳарларнинг хони булбулжон бўлади,  
Булбулнинг ҳар хониши дoston бўлади.  
Хизр бобо назар қилган сўлим гўша,  
Шаҳарлар султони — Шаҳрихон бўлади.

Кўкдан ёққан нури-зиё шу маконда,  
Дўстга меҳр, ёрга вафо шу маконда.  
Ҳар қадамда бир авлиё шу маконда,  
Сигинсалар арзир шу қўрғон бўлади.

Суви томиб турар осмондаги ойдан,  
Офтоб юзин чаяди Шаҳрихонсойдан.  
Алашиб кетганлар бўлса шундай жойдан,  
Маккада ҳам эслаб бағри қон бўлади.

Йигитларин беклар қони бор қонида,  
Қизларининг кокиллари товонида.  
Чолларининг носқовоғи ҳамёнида,  
Кампирларин қўйнида ширмон бўлади.

Байрамда ҳам шоирини тиндирмаган,  
Той бердим деб ҳатто бия миндирмаган.  
Ўз пулига ўзига сарой қурмаган,  
Мақтаб қурган Комил отахон бўлади.

Дўстлар, Сизнинг бағрингиз азизроқ менга,  
Анжондан ҳам шаҳрингиз яқинроқ менга.  
Бўзангиздан қуйинг битта қадаҳ менга —  
Шаҳрихонда Муҳаммад меҳмон бўлади.





**Яқин ва олис  
МОЗИЙДАН САДО**



*Қадим юртга қайтсин  
қадим наволарим,  
Қуллар босиб қуримасин  
дарёларим.  
Аллоҳишга алла айтган  
номоларим  
Рухини шод этай десанг,  
халқ бёл, элим.*



## УЛУҒИМСАН, ВАТАНИМ

Мен дунёни нима қилдим,  
Ўзинг ёруғ жаҳоним.  
Ўзим ҳоқон,  
Ўзим султон,  
Сен тахти Сулаймоним.  
Ёлғизим,  
Яғонам дейми,  
Топинган кошонам дейми,  
Ўзинг менинг улуғлардан  
Улуғимсан Ватаним.

Шодон куним гул отган сен,  
Чечак отган изимга,  
Нолон куним юпатган сен,  
Юзинг босиб юзимга.  
Синглим дейми,  
Онам дейми,  
Ҳамдарду ҳамхонам дейми,  
Офтобдан ҳам ўзинг меҳри  
Илиғимсан Ватаним.

Сен Машрабсан,  
Халқда тумор,  
Балхда дорга осилган.  
Навоийсан, шоҳ ёнида,  
Фақирни дуо қилган.  
Яссавийсан, меники деб,  
Кўринган даъво қилган,  
Минг бир ёғи очилмаган  
Кўриғимсан Ватаним.

Сен Хўжандсан,  
Чингизларга  
Дарвозасин очмаган,  
Темур Малик орқасидан  
Сирдарёга сакраган.  
Муқаннасан, қорачиғи  
Оловларга сачраган,  
Широқларни кўрган чўпон-  
Чўлиғимсан Ватаним.

Ким Қашқарни қилди макон,  
Ким Энасой томонда,  
Жалолиддин Курдистонда,  
Бобуринг Ҳиндистонда.  
Бу қандай юз қаролиғ, деб  
Ётарлар зимистонда,  
Тарқаб кетган тўқсон олти  
Уруғимсан Ватаним...

Ўғлим, десанг осмонларга,  
Фирот бўлиб учгайман.  
Чамбил юртда Алпомишга  
Навкар бўлиб тушгайман.  
Падаркушдан пана қилиб,  
Улуғбегинг қучгайман.  
Ғичир-ғичир тишимдаги  
Сўлиғимсан Ватаним.

Ўтган кунинг ўтган кундир,  
Ўз бошинга етган кун.  
Қодирийни берган замин,  
Қодирийни сотган кун.  
Қўлин боғлаб,  
Дилин доғлаб,  
Етаклашиб кетган кун.  
Воҳ болам! деб айтолмаган  
Дудуғимсан Ватаним.

Ёнингда қон йиғлаган бир  
Шоирингга қараб қўй.  
Гар Кўқонга йўлинг тушса,  
Детдомларни сўраб қўй.  
Ҳеч бўлмаса Усмон хокин  
Келтирмоққа яраб қўй.  
Олисларда қуриб қолган  
Қудуғимсан Ватаним.

Сен шоҳлари осмонларга  
Тегиб турган чинорим.  
Ота десам,  
Ўғлим деб,  
Бош эгиб турган чинорим.  
Кўнглимдаги ифтихорим,  
Қўйнимдаги туморим,  
Ўзинг менинг улуғлардан  
Улуғимсан Ватаним.

## АМИР ТЕМУР

Самарқандда қолди Бибихон,  
Йўллар қараб толди Бибихон.  
Ўзбек — сени ўзбек қилгунча,  
Қирқ йил отдан тушмади султон.

Шоҳ дейилса оғиз бўшалар,  
Канизаклар қўша-қўшалар.  
Ватан пойин қучди кечалар,  
Ёр белидан қучмади султон.

Мақтов — манзил маломатларга,  
Шоҳни риё етаклар жарга.  
Қайрилмади хушомадларга,  
Ёлғонларга учмади султон.

Гарчи имо қилса — қилмайин,  
Ўттиз ўлка жиловда, тайин.  
Бир қултум ҳам манманлик майин  
Татимади, ичмади султон.

Самарқандда қолди Бибихон,  
Йўллар қараб толди Бибихон.  
Ўзбек — сени ўзбек қилгунча,  
Қанча дарё кечмади султон.

## БОБУР НИДОСИ

Тоқатим толди оқибат,  
Тахтни ёв олди оқибат.  
Ўз юртим қолди оқибат,  
Афғон кетдим дарё кечиб.

Омад келар-кетар экан,  
Жон дўстинг ҳам сотар экан.  
Ортингдан тош отар экан,  
Ҳайрон кетдим дарё кечиб.

Икки кўзим элимдадир,  
Чўғдек сўзим тилимдадир.  
Дилим ёниб, дилимда бир  
Армон, кетдим дарё кечиб.

Юртдан айро адоғ кўнглим,  
Ғуборига муштоқ кўнглим.  
Йиғлаб бу кун бу шоҳ кўнглим  
Вайрон, кетдим дарё кечиб.

Богишамол сайр энди —  
Қилгай чиқиб ғайр энди.  
Бобуринг йўқ, хайр энди,  
Анжон, кетдим дарё кечиб.

## АЛВИДО

Алвидо, ёв олган ул,  
Анжонга энди алвидо.  
Шоҳ отам қурган қадим  
Қурғонга энди алвидо...

Биз кетармиз айрилиб,  
Боқолмайин бир қайрилиб.  
Бизни эслар ҳар кўнгил,  
Ҳар жонга энди алвидо.

Беҳимоят, бексиз эл,  
Ўз юртида ҳам эрксиз эл.  
Кўксиди куз ёшлари  
Маржонга энди алвидо.

Боғимиз бўлди хазон,  
Пойига тўлди хазон.  
Боғшамолда бағри қон  
Боғбонга энди алвидо...

Бизни эл мағлуб демас,  
Жангаро кўз ёш эмас.  
Қонимиз томган ўшал  
Майдонга энди алвидо.

Алвидо Бобур сўзим,  
Анжонга энди алвидо.  
Шоҳ отамдан қолган ул,  
Қўрғонга энди алвидо.



## МЕН ДАРДИМНИ КИМГА АЙТАМАН

Самарқандга борсам мен агар,  
Улуғбекни кўриб қайтаман.  
У қон йиғлаб турар ҳар сафар: —  
Мен дардимни кимга айтаман?..

Бағримда буй етган бўз болам,  
Мерган болам, лочин кўз болам.  
Бўғзимга тиг урган ўз болам,  
Мен дардимни кимга айтаман?

Сезмай қолдим... Ўшанда чоғим,  
Юлдузларда экан нигоҳим.  
Билмадим не эди гуноҳим,  
Мен дардимни кимга айтаман?

Қанча ғамга ботмаган эдим,  
Қанча оғу ютмаган эдим.  
Ўз боламдан кутмаган эдим!  
Мен дардимни кимга айтаман?

Таним музлаб, гоҳ тош қотаман,  
Мен шоҳ эмас, ахир, отаман.  
Гўримда ҳам ўйлаб ётаман,  
Мен дардимни кимга айтаман?..

Самарқандга борсам мен агар,  
Улуғбекни кўрмай қайтмайман.  
У менга қон йиғлар ҳар сафар,  
Мен кимга айтишни билмайман.

## ШОҲЛАРГА ҲАМ ОСОН ЭМАС

Тушларида не жойларни кўрмас одам:  
Бобур қабрин кезармишман кеча оқшом.  
Тиғдан ёмон агар алам ўтса жондан,  
Уни риё қувган асли Андижондан ...

Шоҳларга ҳам осон эмас, шоҳларга ҳам.

Мулки жаннат бўлса ҳамки Боғи Эрам,  
Беш панжаси бир кафтига бўлмаса жам.  
Ўз юртида қайдан қурсин Тожмаҳаллар,

Шоҳларга ҳам осон эмас, шоҳларга ҳам.

Шеърим ўқиб, дерсиз балки, сенмидинг кам,  
Ёзганларим хушомадмас, худо ҳакам.  
Бўлар эли бир-бирини демаса гар,  
Бир майизни қирққа бўлиб емаса гар,

Шоҳларга ҳам осон эмас, шоҳларга ҳам.

Юрт тупроғин сиз-ку тавоб этмассиз ҳам,  
У кимнингдир дилидаги ёруғ олам.  
Сизга мисол керак бўлса, ана — Бобур,  
У дунёда энг буюк шоҳ ва ... мусофир,

Шоҳларга ҳам осон эмас, шоҳларга ҳам.

## УСМОН НОСИР

Саболар қайтгуси бахмал боғларга,  
Наволар қайтгуси маҳтал боғларга.  
Қодирийнинг қабри қизғалдоқларга  
Тўлғай кунлар ҳали келмоғи бордир.

Ўшал қизғалдоқлар армоним менинг,  
Осмонга етмаган нарвоним менинг.  
Жим қолур тинглаб гул забоним менинг —  
Тўрғай кунлар ҳали келмоғи бордир.

Юлдузлар — Султон Улуғбек имони,  
Тополмасдан сарсон Бобур мирзони.  
Чўғдамас бош узра Муқанна жони  
Бўлғай кунлар ҳали келмоғи бордир.

Қора диллар ўтмиш тош варағида,  
Тушмади қўллари ҳеч яроғидан.  
Боши ҳам бир кун виждон сўроғида  
Турғай кунлар ҳали келмоғи бордир.

Шеъринг қўй, юр Қўқон кетайлик, Усмон,  
Сен дўстим деганлар ҳаммаси душман...  
Усмоннинг қисматин бу Ўзбекистон  
Билгай кунлар ҳали келмоғи бордир.

## ЧҮЛПОН

Ўлса ўзи ўлар,  
Сўзи ўлмайди,  
Ҳамиша барҳаёт насл шоирлар.  
Ҳақиқий шоирнинг қабри бўлмайди,  
Юракка кўмилар асл шоирлар.  
Йўқса йўқламоқни ўргатинг менга,  
Чўлпоннинг гўрини кўрсатинг менга.  
Хазон билмас боғдир шоирнинг зўри,  
Сархил мевалари мунтазир бағир.  
Кўкка туташ тоғдир шоирнинг зўри,  
Тоғни ерга кўмиб бўларми ахир?..  
Эртақ сўйламакни тўхтатинг менга,  
Чўлпоннинг гўрини кўрсатинг менга.  
Бошга болиш қилиб қайин пўстини,  
Балки у ҳоргану ухлаб ётгандир.  
Душмани тан бериб, қўриқлаб уни,  
Эҳтимол, энг яқин дўсти сотгандир...  
Рост сўзини айтар, уйғотинг менга,  
Чўлпоннинг гўрини кўрсатинг менга.  
Қани шеърни енгган маҳмадоналар,  
Енг шимариб энган маҳмадоналар.  
Ўзин чорбоғидан ўзи юлқилаб,  
Гулханга гул кўмган маҳмадоналар?  
Туртиб турғазинг бир, сўзлатинг менга,  
Чўлпоннинг гўрини кўрсатинг менга.  
Ўзи қаландару шоир байти — шоҳ,  
Тупроқда гиёҳу осмонда қушдир.  
Шоирни ўлдирмоқ — сувни ёндирмоқ,  
Ерни синдирмоқдек мушкул юмушдир.  
Эй, сиз, ўйлаб сўзни ўйнатинг менга,  
Чўлпоннинг гўрини кўрсатинг менга.

## ФАЙЗУЛЛО БОБО

Қадим Бухорога лайлақлар келди,  
Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо.  
Ривоятлар келди, эртақлар келди,  
Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо.

Бизку эртақни ҳам сургаймиз кўзга,  
Муштоқмиз хабарга, муштоқмиз сўзга.  
Ҳаммадан ҳам кўпроқ муштоқмиз сизга,  
Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо.

Бобоюрт боллари сиздан хотира,  
Чақнар чироқлари сиздан хотира.  
Кўз ёш булоқлари сиздан хотира,  
Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо.

Қўмадик жойига эъзозингизни,  
Айтмай кетдингизку дил розингизни.  
Тинглаб юрармизу овозингизни,  
Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо.

Йиғлар Самарқандга сирдош Бухоро,  
Минорида ухлар қуёш, Бухоро.  
Ибн Синолари талош Бухоро,  
Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо.

Тупроқнинг инсонга тортиқлари кўп,  
Тортиғидан инсонга оғриқлари кўп.  
Гуллаган воҳанинг нотиклари кўп,  
Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо.

Юракка санчилиб ағёр отган ўқ,  
Ётарсиз ерга ҳам озорингиз йўқ.  
Йўқлаб борай десак, мазорингиз йўқ,  
Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо!..

## ЮРТИМ

Юртим, адо бўлмас армонларинг бор,  
Тошларни йиғлатган дostonларинг бор.  
Ўтмишингни ўйлаб оғрийди жоним,  
Кўксинг тўла шаҳид ўғлонларинг бор.

Бағрим ўртар бир ўй баҳор айёмлар,  
Ой борган ёқларга термулиб шомлар.  
Айбин билмай кетган Акмал Иқромлар,  
Файзуллодек марди майдонларинг бор.

Юртим, кўнглингдек кенг осмонларинг бор,  
Юлдузни йиғлатган дostonларинг бор.  
Осмонларингдан ҳам дийдорингга зор,  
Жайрондек термулган Чўлпонларинг бор.

Кўлинг қадоғига босай юзимни,  
Онамсан-ку, оғир олма сўзимни.  
Қайинбарглар ёпиб қаро кўзини,  
Олисларда қолган Усмонларинг бор.

Алҳазар, алҳазар, минг бор алҳазар,  
Ана, юришибди кийганлари зар.  
Қодирийни сотиб шоир бўлганлар —  
Меҳробингдан чиққан чаёнларинг бор.

Қурбонинг бўлайин, эй онажоним,  
Сенинг фарёдларинг — менинг фиғоним,  
Ўтмишингни ўйлаб ўртанар жоним,  
Тошларни йиғлатган дostonларинг бор.

## ЎҒЛОНЛАР

Ўзбек деган чўнг чинорнинг новдаси,  
Яшнаб кетиб сўлиб қайтган лолалар.  
Оқтўрғайдек озгингина гавдаси,  
Аскарликдан ўлиб қайтган болалар.

Ўзбекка ёв ҳар жойда бор, ҳамдам йўқ,  
Ундан ювош, ундан мўмин одам йўқ.  
Ўзбекка ўқ ҳар жойда бор, малҳам йўқ,  
Аскарликдан ўлиб қайтган болалар.

Йигит йўли бўлмайди-ку хатарсиз,  
Биз ўйлардик: бир кун келиб қайтарсиз!  
Темир тобут ичра қақшаб ётарсиз,  
Аскарликдан ўлиб қайтган болалар.

Ўз юртида сувга чўкиб ўлмаган,  
Ўтда куйса куйиб, ўксиб ўлмаган.  
Ё бир жангда қонин тўкиб ўлмаган —  
Аскарликдан ўлиб қайтган болалар.

Онангиз зор йиғлаб бағри гирёндир.  
Айби нима боламни? — деб ҳайрондир  
Тинч кунларда увол кетган ёмондир,  
Аскарликдан ўлиб қайтган болалар.

Ўз уйида эрка ўғлон эдингиз,  
Ёт юртларда бунча сарсон бўлдингиз!  
Мозорларда ўн саккизга тўлдингиз,  
Аскарликдан ўлиб қайтган болалар.

## ЛАГАНБАРДОРЛАР

Сталин каззоб деб, зорланманг ҳадеб,  
У ҳам фарзандидир битта инсоннинг.  
Билмоқчи бўлсангиз, қабри қайда деб,  
Лаганбардорлардан сўранг Чўлпонни...

Отабек Кумушин кўзларин ёпиб,  
Ўзи ҳам ортидан қилгач сафарлар,  
Қодирий бобонинг қўлларин ўпиб,  
Чоҳга итарган ҳам — лаганбардорлар.

Улар иблис билан тили бир ўртоқ,  
Улар Азроилга содиқ чопарлар.  
Аввал Усмонларни сотиб, кейинроқ  
Фарёд кўтарган ҳам — лаганбардорлар.

Ёв надир? Зўр келса ўлдиради ёв,  
Булар қон сўргувчи искаптопарлар.  
Қаҳҳорни қандкасал,  
Ойбекни соқов  
Қилиб қўйганлар ҳам — лаганбардорлар.

Улар устозига қулдайин кимса,  
Меҳрибон ҳомийси шогирдларининг.  
Ўзи ўлдириб, сўнг мазоригача  
Кўтариб боришар тобутларини...

Сталин каззоб деб, зорланманг ҳадеб,  
У ҳам боласи-да битта инсоннинг.  
Билмоқчи бўлсангиз, қабри қайда деб,  
Лаганбардорлардан сўранг Чўлпонни!



## БИР КУНИ

Бир куни  
Бир алвон  
Замон келади,  
Замин узра  
Омон-омон бўлади.

Ўн йилми,  
Юз йилми утиб орадан,  
Урушлар,  
Низолар кетиб орадан,  
Тўплар  
Адирларда бугдой ўради,  
Танклар  
Далаларда пахта теради.

Миллатлар,  
Элатлар  
Оқ тан, қора тан,  
Ҳаммаси  
Ҳазрати инсон бўлади...  
Олам гулистон бўлади,  
Бир куни...

Шоирлар-чи, бобо,  
Шоирлар нима бўлади?  
Шоирларнинг шодликдан  
Юраклари ёрилиб ўлади!

## МАРУХ ДОВОНИ

*Черкас чўпони Муродин Қучқоров 1962 йил кузида Фарбий Кавказ тизмаларидаги Марух довони музликлари орасидан 1-взвод жангчилар жасадини топиб олди. Улардан бирининг фамилияси Муҳидинов эканлиги аниқланди.*

Жангчи ўлди,  
Қўкрагида қўрғошин.  
Кавказ тоғларида  
Жасади қолди.  
Йигирма йилдан сўнг  
Суяқларини  
Черкас чўпон  
Муз ичидан  
Топволди...

Ўзбек эди,  
Қоракўз эди.  
Оти —  
Саттормиди,  
Содиқмиди,  
Сотволди...  
Ҳеч ким билмас,  
Билгани — уни тоғдан  
Черкас чўпон  
Муз ичидан  
Топволди...

Балки ёлғиз  
Болангиз эди сизнинг,  
Отангиз ё  
Оғангиз эди сизнинг.  
Юз йил тинмас  
Нолангиз эди сизнинг,  
Ёри эди

Ё бир умидвор қизнинг,  
Дунёдаги энг гўзал,  
Вафодор қизнинг,  
Ўтга сакраб, чиқди  
Ичидан музнинг...  
Черкас чўпон  
Муз ичидан  
Топволди...

Қирқ йилки ким  
Тиёлмаса куз ёшин,  
Йиғлаб сим-сим  
Тиёлмаса куз ёшин,  
Кўролмаса кўкка боқиб куёшин,  
Тоққа чиқсин  
Тошларга қўйиб бошин,  
Эгилмаган бошларга қўйиб бошин,  
Ётган экан кўкрагида қўрғошин —  
Черкас чўпон  
Муз ичидан  
Топволди...

Сиз ҳам “Ватан”,  
“Ватан” деб кўпирганлар,  
Содиқ ўғлинг  
Менман деб гапирганлар,  
Минбардан ваъз айтиб,  
Кўкрак керганлар,  
Туморлармас  
Асраган жонингизни,  
Кўриб қўйинг,  
Бу кун имонингизни —  
Черкас чўпон  
Муз ичидан  
Топволди.

## АФРОСИЁБ

Чопди тинмай отлари  
Кўҳна тарих аробасин,  
Кўмди тупроқ долларин  
Афросиёб харобасин...

Ўтди дунё, кетди дунё,  
Ёпилди тўрт дарвозаси.  
Қолди Хайём, қолди Сино,  
Мир Алишер овозаси.

Тождалабдур, тахтгалаб,  
Чопди падаркуш отасин.  
Кўкка сачраб қони, чақнаб  
Қолди Улуғбек шодаси.

Кетди паймони тўлиб,  
Ҳатто Темурдек бобоси.  
Мангу ўчмас ёд бўлиб,  
Қолди Бобурбек номаси.

Не жаҳонгир ўчди шаъми,  
Вайрон бўлиб кошонаси.  
Шоҳлар ичра қолди номи  
Бир Машраби девонасин.

Ҳолидин бўлмаё зоҳир,  
Кулганди ўз замонаси.  
Қолди Мажнун, қолди Тоҳир —  
Зуҳроларин афсонаси...

Кўзга суртгил то абад,  
Тупроғи-хокин, ноласин.  
Қадни тик тутгил, Муҳаммад,  
Сен ҳам ўшалар боласи!

## УЧ ОҒАЙНИ БОТИРЛАР

*Марҳаматлик Офтоб момо урушда  
уч ўғлидан жудо бўлган*

Уч оғайни ботирлар,  
Европада ётурлар...  
Офтоб ўғлин кўтариб  
Юрмаган баҳодирлар.

Сатторқули сардори,  
Сотволдиси шунқори,  
Собири беозори...  
Офтоб билмас, қайларда  
Уч ўғилнинг мозори.

Уларни тилаб-тилаб  
Олган эди Офтоби,  
Қиргин жангга кузатиб  
Қолган эди Офтоби,  
Бир қўйинга учта нон  
Солган эди Офтоби.

О, уч ўғил азоби,  
О, уч ўғил азоби!  
Уч оғайни ботирлар,  
Билмам, қайда ётурлар.  
Офтоб ўғлин кўтариб  
Юрмаган баҳодирлар...

Момо, уйингда ғам бор,  
Жудолик бор, ситам бор.  
Соқов билар, гўл билар,  
Ёғоч оёқ, қўл билар,  
Ёмғир билар, дўл билар,  
Юрт билади, эл билар.

Эл билмаса,  
                  кел,  
                  билар,  
Виждон — олий ҳакам бор!

Уч оғайни акам бор,  
Енг ичида пичоқлар.  
Йўлин тўсса олчоқлар —  
Ғажиб ташлашга тайёр.

Уч оғайни акам бор:  
Бирин оти — Жасорат,  
Бирин оти — Шижоат,  
Бирин оти — Матонат.

Шеърим —  
                  Шу акам учта,  
                  Акам бўлиб урушда —  
                  Қонга бўялган ерим.

Бир томчиси — Адолат,  
Бир томчиси — Садоқат,  
Бир томчиси — Саодат.  
Қолганлари — ривоят...

Уч оғайни ботирлар,  
Қайтиб келаётирлар.  
Офтоб момо, уйингни  
Тўлдирди баҳодирлар!

- Қайда эдинг, Сардорим?
- Урушда эдим, Она.
- Қайда эдинг, Шунқорим?
- Урушда эдим, Она.
- Сен-чи? Сен беозорим?
- Урушда эдим, Она...

Офтоб момо турар лол,  
Турар тирик сукутлар —  
Йигирмага кирмасдан,  
Жангга кетган йигитлар.

Вой, менинг қиёқ жоним,  
Вой, менинг бурган жоним.  
Юлдуз учса кўкларга,  
Термулиб юрган жоним.  
Бўғчадаги майизим,  
Токчадаги хатларим.  
Қизлар ўтса кўчадан,  
Кирмаган ниятларим!..  
Офтоб момо турар лол,  
Туш экан хаёллари.  
Остонадан ўтмасдан  
Ортга қайтар боллари.

- Қайга кетдинг, Сардорим?
- Урушга-да, Онажон.
- Қайга кетдинг, Шунқорим?
- Урушга-да, Онажон.
- Сен-чи? Сен беозорим?
- Урушга-да... Онажон.

Уч оғайни ботирлар,  
Ғарбга кетаётирлар.  
Офтоб ўғлин кўтариб,  
Юрмаган баҳодирлар.

## ҚИЗИЛ ВАГОН

Қирқ биринчи йилда ҳам ой тўлин эди,  
Хайригул қиз тўққиз кунлик келин эди.  
Юрагини юлиб кетди қизил вагон,  
Кўнглим хижил,

менинг кўнглим хижил, вагон.

Қизил вагон олисларда чўгдек порлар,  
Паровознинг йўлларида ёнар қорлар.  
Бу йўл ҳижрон, бу йўл ҳижрон —

йўли ҳижрон,

Икки бети чинорлардан баланд дорлар.

Мардлари бор элнинг боши эгилмайдур,  
Номард қони қирқ йилда ҳам қўшилмайди.  
Юрагим эзилиб кетди, қизил вагон,  
Кўнглим хижил,

менинг кўнглим хижил, вагон.

Уруш ўлсин, кулча нондек кўнгил синди,  
Кўнгилдаги сайраб турган булбул гинди.  
Кўздан ёш куйилиб кетди, қизил вагон,  
Қизил вагон, қўйни тўла ўғил вагон...

Қирқ биринчи йилда ҳам ой тўлин эди,  
Хайригул қиз тўққиз кунлик келин эди.





Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Муҳаммад Юсуфга  
“Халқ шоири” унвонини топширмақда.  
1998 йил.

*Сен шохлари осмонларга  
Мегиб турган тинорим.  
Ота десан,  
Ўзим деб,  
Бош эгиб турган тинорим.  
Қўнмигдаш ифтихорим.  
Қўнмигдаш тўнорим.  
Ўзинг менинг қўнмардан  
Ўқинсан, Ватаним!*



Устоз ва шогирдлар: Йўлдош Сулаймон, Абдулла Орипов,  
Муҳаммад Юсуф.



Устоз ва шогирдлар. Матёқуб Қўшжонов, Абдулла Орипов,  
Муҳаммад Юсуф ва Сувон Мели.



Ижодкорлар гурунги: Аҳмаджон Мелибоев, Муртазо Қаршибоев, Сирожиiddин Саййид, Муҳаммад Юсуф.



Байрам тадбирлари маслаҳати.  
Абдулла Орипов, Шухрат Ризаев, Муҳаммад Юсуф.



Ижодий суҳбат.  
Абдували Қутбиддин ва Муҳаммад Юсуф.



Муҳаммад Юсуф, Фазлиддин Ҳамроев, Сафар Барноев,  
Жуманиёз Жабборов ва Шарофат Ботирова.



Талабалик йиллари. Шоир курсдош дўсти  
Маъмуржон Мадмусаев билан. 1974 й.



Китобсеварлар жамиятида. Қадрдон дўсти  
Бахтиёр Муҳаммадиев билан. 1981 й.



«Жужуқларим менинг камолим».



Шоир рафиқаси Назира ас-Салом билан.



“Қиз отасин ҳар қадамда  
эслайди”.  
Шоир қизи Нозимахон  
билан.



Оиладан бошланар Ватан. Муҳаммад Юсуф рафиқаси,  
қизлари Маъсуда, Мадина, Нозима ва набираси Билол билан.



Шоир ёди юрагимизда.  
Марҳамат туманидаги Агросаноат коллежида хотира талбири.



## ЕЛКАЛАРДА ҚҰНДОҚЛАР СОВУҚ

Елкаларда қўндоқлар совуқ,  
Елкаларда тасмалар чарм.  
Машқ майдони сари боришар,  
Саф-саф бўлиб менинг дўстларим...

Гоҳи хаёл босар. Босар ўй,  
Миқ этмайди бирови, жимдир.  
Олис Нева бўйларида ким,  
Ўзбекистон кезади кимдир.

Қовоқларни солиб, хўрсиниб,  
Куйлашади қўшиқлар секин.  
Кўнгиллари бузилади гоҳ,  
Бузилмайди сафлари лекин...

Мен сизларни ўйлаб қўрқаман,  
Бошларимдан учади хушлар.  
Қўлтиқлашиб хиёбон томон  
Бораётган саф-саф оққушлар...

Елкаларда қўндоқлар совуқ,  
Елкаларда тасмалар бу кун...  
Биз қайтгунча машқ майдонидан,  
Сафларингиз бузилмасмикин?..

## ЮРАК ЗОРЛАНАДИ, ЗОРЛАНАВЕРАР

Диёримга таъзим қилиб туғилдим,  
Пойида бир гулдай, бир ҳулво<sup>\*</sup> дайман.  
Аммо эгик бошдан унга нима наф,  
Дилга нима ҳузур, билмайман...  
Юрак зорланади, зорланаверар.

Билмайман мен қандай узарман қарзим.  
Ўйлаб дил увишар, қор босган қирдай.  
Улуғтоғ пойида тўқсон йил яшаб,  
Чўққи кўрмай ўлаётган кампирдай —  
Юрак зорланади, зорланаверар.

О. менинг ёлғизим, меҳрибонларим,  
Юрт кулса кулганим, суюнганларим.  
Йиғласа йиғлаган, куюнганларим,  
Сизларни ўйласам, ўйлаган сарим,  
Юрак зорланади, зорланаверар.

Диёримга таъзим қилиб туғилдим,  
Пойида бир гулдай, бир ҳулводайман.  
Лекин эгик бошдан юртга нима наф,  
Дилга нима ҳузур, билмайман...  
Юрак зорланади, зорланаверар.

Денгизлар ортида бир юрт бор обод,  
У ерда одамдек яшар одамзод.  
Инсонга меҳр энг олий мукофот,  
Юртим, кулганингни кўрмасман наҳот,  
Юрак зорланади, зорланаверар.

---

<sup>\*</sup>Хулво — ялпиз (Андижон шеваси)

Билганим, азиздир барча ирқлар ҳам,  
Ҳаммаси суюмли, ҳаммаси қардош.  
Лекин она туркнинг мовий кўзлари...  
Қора денгиз ўша кўздан оққан ёш.  
Юрак эса ёнар, зорланаверар.

Билгум, тугар сабри сабримнинг бир кун,  
Қамишлар босади қабримни бир кун.  
Ўлсам қадри ошар қабримни бир кун...  
Бироқ сен-чи, юртим,  
Сен қачон куларсан,  
Сен қачон озод ва обод бўларсан?

Юрак зорланади, зорланаверар...

## АРМОН

*Афғонистонда ҳалок бўлган  
ўзбек ўғлонлари хотирасига*

Ҳиндикушдан таралади бир нола,  
Юракларни титратиб зор-зор нола.  
Қаранг, қонга ботиб ётар бир дала  
Мангу армон бўлиб кетган ўғлонлар.

Алпомишдай келбатидан гапирмай,  
Ўн саккиз ёшга ҳам кириб ё кирмай,  
Ўн гулидан бир гули ҳам очилмай,  
Умри хазон бўлиб кетган ўғлонлар.

Меҳнатдан бош кўтармаган деҳқон эл,  
Урушдан ҳеч кўкармаган деҳқон эл.  
Йўқлар сизни кўздан ёшин тўкиб сел,  
Ўққа қалқон бўлиб кетган ўғлонлар.

Бир дарёга уланмаган ирмоқлар,  
Бир қиз сочин силамаган бармоқлар.  
Бир тупроққа тўкилган қизғалдоқлар,  
Бевақт қурбон бўлиб кетган ўғлонлар.

Аслида-ку барингиз бир ўзбексиз,  
Бир юрт ўғли, бир узукка кўздексиз.  
Бўғзимда тош қотиб қолган сўздексиз,  
Марди майдон бўлиб кетган ўғлонлар.

Бу дунёда балки, бир онанинг сиз,  
Тилаб олган ёлғиз ўғли эдингиз.  
Қайтмас бўлиб қаро ерга кетдингиз,  
Мулки афғон бўлиб кетган ўғлонлар.

Ботирмиди, Қодирмиди отингиз,  
Қолди дилга муҳрланиб ёдингиз.  
Жалололдин ахир сизнинг зотингиз,  
Ўзбекистон бўлиб кетган ўғлонлар!

## МАРСИЯ

Фарзанд доғи куйдиради куйган сари,  
Дийдалари кўз ўнгидан кетмай нари.  
Оназорин тилаб олган болалари,  
Афғон қирларида қолган баҳодирлар.  
Алвон-алвон гуллар ёғар адирларга,  
Кўл етмайди сизлар ётган қабрларга.  
Олис юртда йўлдош бўлиб Бобурларга,  
Афғон қирларида қолган баҳодирлар.  
Жалололдин қони жўшди қонингизда,  
Умид қилиб узилмаган жонингиздан.  
Навоийдек зотлар ётар ёнингизда,  
Афғон қирларида қолган баҳодирлар.  
Йигит бўлиб яйрабгина юрмай кетган,  
Бир қиз бармоғини кўзга сурмай кетган.  
Туғилган боласин бўйин кўрмай кетган,  
Афғон қирларида қолган баҳодирлар.  
Хазон босиб кун кўрмаган ғуссаларим,  
Пахтазордан чиққан озгин жуссаларим.  
Уволгина кетган мўмин Мирзоларим,  
Афғон қирларида қолган баҳодирлар.  
Кимга керак бўлди, кимга керак бўлди,  
Сиз ўлдингиз, кимнинг бўйи терак бўлди.  
Бу дунёда ўлим ҳам бир эрмак бўлди,  
Афғон қирларида қолган баҳодирлар!..  
Қон дилимдан шаънингизга шеър тиладим,  
Дунё мендан, мен дунёдан ўпкаладим.  
Туғишгандан азиз менинг укаларим,  
Афғон қирларида қолган баҳодирлар.  
Фарзанд доғи куйдиради куйган сари,  
Дийдалари кўз ўнгидан кетмай нари.  
Оназорин тилаб олган болалари,  
Афғон қирларида қолган баҳодирлар.

## ФОЗИЛЖОННИНГ ОНАСИ

Фозилжоннинг онаси ҳаммани “сиз”лаб қолди,  
Токчаларда сарғайган хатларни излаб қолди:  
Баҳорда эшик очган қўлларим музлаб қолди.  
Нега болам келмайди, нега болам келмайди?...

Осмонларнинг бағрида неча ойлар тулишди,  
Қалдирғочлар қуёшга парвоналар бўлишди.  
Фозилим билан кетган лайлақлар ҳам келишди,  
Нега болам келмайди, нега болам келмайди?...

Мен ҳам ундан айрилиб қолганимга кўнмайман,  
Фозилни мен қўшиқдек юрагимга кўмгайман.  
Бу қўшиқни энди мен ўлгунимча куйлайман:  
Нега болам келмайди, нега болам келмайди?

Бу қўшиқни мен чўғдек сочаман пойингизга,  
Учқунлари чарсиллаб тегсин бир жойингизга,  
Нақорати ёд бўлсин энг эркатойингизга:  
Нега болам келмайди, нега болам келмайди?..

## ОРОЛ

Хаста ҳолинг, хаста ўйга ботурсан,  
Бемажол, бемадор, беҳол ётурсан.  
Додинг билан дунёни уйғотурсан,  
Кетиб қолма, Оролим!

Оқу қаросисан қаро кўзимнинг,  
Юзларингга босиб яшай юзимни.  
Сувинг қуриб, қуритмагил изимни,  
Кетиб қолма, Оролим!

Дарёларинг келолмасдан йиғлар зор,  
Сенга мадор бўлолмасдан йиғлар зор.  
Балиқларинг кўзларида савол бор,  
Кетиб қолма, Оролим!

Қирғоғингда қовжираган далангман,  
Тўлқинларинг титроғиман, нолангман.  
Мен ҳам битта қақшаб қолар болангман,  
Кетиб қолма, Оролим!

## ИБРОҲИМ МАРСИЯСИ

*Афғон урушида ҳалок бўлган йигит  
Иброҳим Аҳмедовга*

Онанг ўлсин Иброҳим,  
Маккадан ҳам йироғим.  
Ўчиб қолган чироғим,  
Тутаб қайда ётурсан?..

Афғон бўлди Ватанинг,  
Армон бўлди Ватанинг.  
Илма-тешик баданинг,  
Инграб қайда ётурсан?..

Гулдай сўлиб юзгинанг,  
Қумга тўлиб кўзгинанг.  
Ўз ярангни ўзгинанг  
Силаб қайда ётурсан?..

Айбинг йигит ёшингми,  
Қорагина қошингми.  
Совуқ тошга бошингни  
Тираб қайда ётурсан?..

Ким ўлдирди, қай куни,  
Сендай ювош қумрини.  
Қолганларнинг умрини  
Тилаб қайда ётурсан?..

Онанг ўлсин Иброҳим,  
Маккадан ҳам йироғим.  
Ўчиб қолган чироғим,  
Тутаб қайда ётурсан?..



## СЕН ПАХТА ТЕРАРДИНГ

Сен пахта терардинг етти букилиб,  
Пайкалингда эдинг, эй онажоним.  
Ўзбекмисан, дея галати кулиб,  
Мендан сўраб қолди бир танноз хоним.

Таннозлар билан не ишим бор,  
Ё раб,

Аммо тушундим бу ишорасига.  
Қаршимда турарди у эрмакталаб,  
Малика боққандек фуқаросига.

Мана, газеталар чиқди қуйиндан,  
Ҳаммаси ўзича қилади талқин.  
Тиллолар топилган эмиш уйингдан,  
Олтинга кўмилиб қолибсан, халқим.

Сен нега Қримга бормайсан ёзда,  
Ёки сен отангнинг ўғай ўғлисан?  
Сўкса индамайсан, қўйми — тўқлисан,  
Урса йиғламайсан, демак — ўгрисан!

Саҳардан шомгача мўлтираб кўзинг,  
Кўрмай қолгунича чопдинг далангни.  
Ўғирлик қилмасанг, айт ахир ўзинг,  
Қандай боқаяпсан шунча болангни? —

Хоним нигоҳидан уққанларим бу,  
Кўнглимдан кечганин билиб турарди.  
Мана юзларида ясама қайғу,  
Ўзбекмисан, дея кулиб турарди...

Бир боплай дедиму тилимни тийдим,  
Майли, одам қуриб, шунга сўз дейми?  
Ўзбекни ер танир,  
Осмон танийди,  
Таннозлар қаёқдан билсин ўзбекни.

## БОБОДЕҲҚОНИМ

Ер айланар,  
Ер айланар,  
Ер югуриб тинмайди,  
Яктагингнинг энглари дан  
Тер югуриб тинмайди.  
Қўлинг тегмай бу дунёда  
Битта гиёҳ унмайди,  
Тин билмаган жоним менинг,  
Бободехқоним менинг.

Офтоб чиқар.  
Офтоб ботар,  
Чуғлар сочиб танангга,  
Бир кунгина бормай қўйсанг  
Нима қилар далангга?..  
Бир шонача парвоналар  
Бўлолмайсан болангга,  
Ташнаи нолоним менинг,  
Бободехқоним менинг.

Иш дегани фақат сенга  
Чиққанми ё, эй мўмин.  
Қора меҳнат йўрагингдан  
Юққанми ё, эй мўмин?  
Онанг сени пахтазорда  
Туққанми ё, эй мўмин?..  
Қадоқ қўл-товоним менинг,  
Бободехқоним менинг.

Ёруғ юзим,  
Кўк ёришиб,  
Кетгайдир бир жилмайсанг,  
Дунёларни оққа ўраб  
Қўйганингни билмайсан.

Уйингда ҳам,  
Тўйингда ҳам  
Пайкалингни ўйлайсан,  
Содда дил — имоним менинг,  
Бободехқоним менинг.

Ким йўлиқди чўл бағрида  
Бўстонларни яратиб,  
Қора денгиз бўйларида  
Ким кезар жон яйратиб,  
Минбар тўла гапга чечан  
Нотиқларни сайратиб,  
Ўзи безабоним менинг,  
Бободехқоним менинг.

Шийпонларда ўлтирардинг,  
Кўтаролмай белингни,  
Семиз вакил мактабидан  
Ҳайдаб келди ўғлингни.  
Кеч куз эди, ечиб бердинг  
Эгнингдаги тўнингни:  
Ол, кийвол, полвоним менинг..  
Бободехқоним менинг.

Болажоним,  
Сен-ку келдинг,  
Жонинг ачиб отангга,  
Ҳатто сенинг меҳнатингни  
Билмадилар, аттанг-а...  
Пўчоқни ҳам пахта қилиб,  
Топширганлар Ватанга!..  
Топгани талоним менинг,  
Бободехқоним менинг.

Олам яралгандан буён  
Дехқон кимни алдабди.  
Дехқон қўлин қабартирган  
Кетмон кимни алдабди.  
Ўзбегимнинг пешволари  
Ўзбегимни алдабди...

Оҳ, лолу ҳайроним менинг,  
 Бободехқоним менинг.  
 Соддадим,  
 Сенда суйиб  
 Ишонгандинг уларга,  
 Тонгни тонгга улаб, меҳнат  
 Қилдингми тулкиларга.  
 Бир қўлингнинг фурсати йўқ  
 Бир қўлингни силарга,  
 Меҳнати армоним менинг  
 Бободехқоним менинг.  
 Жоним бобом,  
 Гапир сен ҳам  
 Бундоқ ҳолу аҳволинг,  
 Балиқ бўлиб уватларда  
 Сузиб юрар хаёлинг.  
 Сени сотган олчоқларга  
 Йўқмиди бир саволинг...  
 Эҳ, огир карвоним менинг,  
 Бободехқоним менинг.  
 Нега хомуш ерга боқдинг,  
 Бўйингдан айланайин,  
 Шу топда кўнглингдан кечган  
 Ўйингдан айланайин:  
 Арпа эккан — арпа ўрар.  
 Бугдой эккан — бугдойин!..  
 Ҳалол тузу ноним менинг,  
 Бободехқоним менинг.  
 Замин аро тирикликни  
 Бор қилгувчи ўзингсан.  
 Ё гулизор,  
 Ё ташнаи  
 Зор қилгувчи ўзингсан.  
 Оби ҳаёт таратгувчи  
 Буюк сувчи ўзингсан,  
 Тинчликка посбоним менинг,  
 Бободехқоним менинг.

Сен ҳамиша ҳақ томонсан,  
Сен ҳақиқат томонсан,  
Инсон зотин ёруғликка  
Етакловчи сорбонсан.  
Ўзинг бемор,  
Ўзинг табиб,  
Ўзинг малҳам, дармонсан,  
Бағри кенг осмоним менинг,  
Бободехқоним менинг.

Ер айланар,  
Ер айланар,  
Ер югуриб тинмайди,  
Сенинг ойдек юзларингдан  
Тер югуриб тинмайди.  
Кўлинг тегмай бу дунёда  
Битта гиёҳ унмайди,  
Тин билмаган жоним менинг,  
Бободехқоним менинг.

Элим ризқи мудом сенинг  
Пешонангнинг терида,  
Элим ризқи етилгайдир  
Юрагингнинг қурида.  
Савлат тўкиб ўтирганим  
Қурултойлар тўрида —  
Беқасам чопоним менинг,  
Бободехқоним менинг.

Мен ҳам сенинг тузи нонинг  
Ичиб юрган болангман,  
Шоирман деб қушдай қўниб,  
Учиб юрган болангман.  
Ўзинг билан пайкалда сув  
Кечиб юрган болангман —  
Сенга бу дostonим менинг,  
Бободехқоним менинг.

## ГДЛЯН

Алпомиш Чамбилда,  
Гўрўели гўрда,  
Ҳақиқат бешикда ухларди қотиб,  
Бир жом олтин сўраб,  
Қилич ўйнатиб,  
Кириб келди қашшоқ ўзбек ерига —  
Тельман Хареонович ... Берия!  
Уйинг кўйди... ўзбек,  
Шўринг қуриди.  
Пойгагинг қуриди,  
Тўринг қуриди.  
Деҳқонинг,  
Чўпонинг —  
Пахта чопонинг,  
Ортингдаги ҳамма зўринг қуриди.  
Отангни сотишса, изламадинг ҳам,  
Болангни отишса, йиғламадинг ҳам.  
Йиғласанг ҳам пахта териб йиғладинг,  
Қотилга топганинг бериб йиғладинг.  
Элим, деб ким куйса —  
Бари қамалди,  
Кимки юртин суйса —  
Бари қамалди.  
Жаллоднинг газнаси тўлгунча зарга,  
Сенинг бўз қўйлагинг минг бор ямалди.  
Эй, сен содда халқим,  
Ғамбода халқим,  
Сен бир кун тинган кун олам оч қолар.  
Сен бир кетмон урган далангда, дунё  
Юз йил ётиб еса еттай бож қолар.  
Сенинг покчигингга шубҳа қилмасман,

Мен сени билмасам гар — ўғилмасман.  
Фақат бошинг чиқмас мудом меҳнатдан,  
Фақат тилинг қачон чиқар, билмасман!  
Алпомиш эртақда,  
Гўрўғли гўрда,  
Тўмарис бешиқда ухларди қотиб.  
Бир қоп олтин сўраб, қилич ўйнатиб,  
Кириб келди мўмин ўзбек ерига,  
Тельман Хареонович ... Берия.

## ЎЗГАНЛИК ЎЗБЕКЛАР НИДОСИ

Сендан бир кўнғироқ кифоя эди,  
Шу ҳам биз учун бир ҳимоя эди.  
Кимсану матлабинг не ғоя эди,  
О, мансаб бандаси, мансаб бандаси.  
Ўзбексану ўзинг, ўзбекка ётсан,  
Хонтахлитсан, аммо хонасаллотсан.  
Ўстирган ўз элин қирган жаллодсан,  
О, мансаб бандаси, мансаб бандаси.  
Сенга сийлов керак, сенга унвон керак,  
Сенга халқ керакмас — шуҳрат, шон керак.  
Сенга иссиқ ўрин, иссиқ жон керак,  
О, мансаб бандаси, мансаб бандаси.  
Йиртиқ чопон элинг юрса дур териб,  
Сен унинг топганин нокасга бериб,  
Ўлтиришингга боқ қоматинг кериб,  
О, мансаб бандаси, мансаб бандаси.  
Кун келар, тўкилар қайрилма қошинг,  
Ерларга еткудай эгилар бошинг.  
Аммо кимга керак сўнгги кўз ёшинг,  
О, мансаб бандаси, мансаб бандаси.  
Бунча сипо савлат, бунча тош бағир,  
Сени ҳам бир она туққан-ку ахир.  
Онандан улуғми мансаб қурмагур,  
О, мансаб бандаси, мансаб бандаси.  
Айбинг кечмас ул зот айтган аллалар,  
Сенга бор неъматин тутган далалар.  
Ўзганда сойларда оққан болалар,  
О, мансаб бандаси, мансаб бандаси.  
Ахир қийналар-ку бир кун виждонинг,  
Элга аён бўлар нархи арзонинг.  
Ўшанда қолғайму ному нишонинг,  
О, мансаб бандаси, мансаб бандаси!



## НЕГА ЙИҒЛАР

Бу бешафқат,  
Бу беозор дунёда,  
Бу шундай кенг,  
Бу шундай тор дунёда,  
Кимлар келиб,  
Кимлар кетар дунёда,  
Кўнғизнинг ҳам Ватани бор дунёда,  
Нега йиғлар қрим татар дунёда.  
Ҳар йил баҳор уч кун яшар бойчечак,  
Ариқларнинг бўйидаги мойчечак.  
Ялпизнинг ҳам Ватани бор дунёда,  
Нега йиғлар қрим татар дунёда.  
Толкосадай макони бор айронни,  
Янтоқ асрар сайёдлардан жайронни.  
Қамишзорда яйраб юрган қобонни —  
Тўнғизнинг ҳам Ватани бор дунёда,  
Нега йиғлар қрим татар дунёда.  
Тулкидайин тутқич бермас туллакни,  
Тулки қувиб тутолмаган ўрдакни,  
Ўрдак қўнган саҳродаги кўлмакни —  
Ҳовузнинг ҳам Ватани бор дунёда,  
Нега йиғлар қрим татар дунёда.  
Ким ёлғиздир?  
Маскани йўқ эл ёлғиз.  
Эртақдаги ўтғиз бошли ялмоғиз —  
Ёвузнинг ҳам Ватани бор дунёда,  
Нега йиғлар қрим татар дунёда.  
Бу шундай кенг,  
Бу шундай тор дунёда,  
Бу бешафқат,  
Бу беозор дунёда,  
Дарвозаси йўқ бир бозор дунёда,  
Кимлар келиб, кимлар кетар дунёда,  
Нега йиғлар қрим татар дунёда.

## ЎРГАНИШ

Юпқагина тўним бор эди.  
Осилишиб қўймади. ечдим.  
Таъна дебон тўнимдан кечдим,  
Туним-ку кенг, замон тор эди.

Дўппи отамдан ёдгор эди,  
Сандиқларга отдим уни мен.  
Икки пулга сотдим уни мен,  
Дўппим янги, замон тор эди.

Бекасту бенаволар неча,  
Оёқ товушидан тош қотдим.  
Сумалагим қайнаган кеча,  
Итдек қозон қуриқлаб ётдим...

Бемажолу бемадор эди —  
Қўшнимдан ҳол сўроганим йўқ,  
Мозорига боролганим йўқ...  
Замон ёмон, замон гор эди.

Хўш энди-чи, дерсиз, нима гов?  
Дўппи бошга ўрнашмагандек,  
Тўним энди ярашмагандек,  
Кийсам кулаётгандек биров...

## НАВРҮЗ

Наврӯзда наврӯзни кўминг, дейишди,  
Кўминг ва сукутга чўминг, дейишди.  
Эскилик сарқити асли бу сайил,  
Эй бандаи мўмин дейишди.

Мўминларнинг боши эгилди ерга,  
Фалат қирғинбарот бошланди, дўстим.  
Гўдаклар жанг қилди, оқсоқоллар жим,  
Шахсан мен бир йилда ўн йилга ўсдим.

Биров демадики, эй гулираъно,  
Наврӯзларсиз ахир сенда не маъно?  
Хушомад ёғилди иблис изига,  
Шайтонга ўқилди минг ҳамду сано.

Хўш, кейин не бўлди, дерсиз, кейин-чи?  
Муътабар саҳнадан тушди “ўйинчи”.  
Қайга ғойиб бўлди, худо билади,  
Ўша худосизни излаб кўринг-чи...

Жонингдан айланай, Наврӯз, кел энди,  
Қирқ йил қирғиндан ҳам омон қолганим.  
Мен сени ҳеч кимга бермайман энди,  
Ялмоғиз қўйнидан тортиб олганим.

## ОНА ТИЛИМ

Гарчи зуғум қилганларни ёқтирмадим,  
Шеър ёздиму бўлак ишни қотирмадим.  
Тилим туриб уз тилимда гапирмадим,  
Бир эласам эзилади бағри-дилим,  
Она тилим, кечир мени, она тилим.

Онам “эркам” деб қучганда тунлар ярим,  
Эрким йўқ деб зирқирарди бир жойларим.  
Паровозни ҳансиратган буғдойларим,  
Олтинларим, маъданларим, ипакларим...  
Она тилим, кечир мени, она тилим.

Кимлар учун биз эдик бир бадавийлар,  
Ўзбекни қон қақшатганни ўзбек сийлар.  
Ҳолимизни қон кузатди Яссавийлар,  
Топганимиз ҳандалакдек тилим-тилим,  
Она тилим, кечир мени, она тилим.

Кимдир майда миллат бўлди, кимдир катта,  
Катта миллат — Афандиси йўқдир ҳатто.  
Биз пиёда, биз боққанлар юрди отда,  
Зулм ўтса, фақат сендан ўтди зулм,  
Она тилим, кечир мени, она тилим.

Сен бўлмасанг нима бизга силлиқ шеърлар,  
Бу дунёда тили йўқда дил йўқ дерлар.  
Баҳоинг-ку бериб кетган Алишерлар,  
Юрагимнинг тўридаги сўлмас гулим,  
Она тилим, кечир мени, она тилим.

Бир қарасам ҳар шевангда минг жилолар,  
Ҳар новдангда, ҳар мевангда минг жилолар.  
Қодирийлар, Чўлпонлару Абдуллолар,  
Сенинг қайтган кунинг мен туғилган йилим,  
Она тилим, кечир мени, она тилим.

## НЕГА ЙИҒЛАМАЙСАН

Қани Боғишамол кезган елларинг,  
Қирларда кеккайган қирғовулларинг.  
Эслаб эзилмасму энди дилларинг,  
Нега йиғламайсан, аҳли Андижон?

Минг йиллик чинорлар бўлди-ку ўтин,  
Қошу қабоғингга тўлди-ку тутун.  
Сойингда қолдими сувинг бир ютум,  
Нега йиғламайсан, аҳли Андижон?

Ризку рўзин сочиб айланар фалак,  
Сен эса далангдан тополмай ҳалак —  
Болангга бергали битта ҳандалак,  
Нега йиғламайсан, аҳли Андижон?

Наҳорингда пахта, шомингда пахта,  
Айвонингда пахта, томингда пахта.  
Оқар оғу бўлиб қонингда пахта,  
Нега йиғламайсан, аҳли Андижон?

Қирқ йил чорла, гўрдан чиқмайди Бобур,  
Чиқса ҳам бағрингга сиғмайди Бобур.  
Ҳинду кучоғида ухлайди Бобур,  
Нега йиғламайсан, аҳли Андижон?

Қайинзор қаъридан узилди бир ўқ,  
Юракда доғ қолди, юракда бир чўғ.  
Чўлпонинг бор эди, Чўлпон энди йўқ,  
Нега йиғламайсан, аҳли Андижон?

Булбулзабонларинг хазон ёпдими,  
Дунё уларнинг ҳеч тенгин топдими.  
Муҳаммад Юсуфинг шоир бўптими...  
Нега йиғламайсан, аҳли Андижон?

## ЭЛИМ

Кўзинг очган кундан кетмонни таниб,  
Умринг уватларда ўтди куйманиб.  
Ер тинса тиндики, тегранг айланиб,  
Сенинг савил жонинг тинмади, элим.

Экканларинг унди, ўрганинг унди,  
Энгашиб ерларга терганинг унди.  
Ҳамиша қўшқўллаб берганинг унди,  
Ҳамиша топганинг унмади, элим.

Хирмонинг осмонга етди юксалиб,  
Пахтангга юлдузлар олди юз чайиб.  
Ўзинг зўрға турсанг белинг букчайиб,  
Елкангга не зотлар минмади, элим.

Пешонанг ёт экан ҳаловатларга,  
Тер тўкиб ёқмадинг валломатларга.  
Меҳнат қилиб қолдинг маломатларга,  
Бошингда не калтак синмади, элим.

Пайкалдан чиқмасанг ҳам ёзу қишин,  
Елкангга санчдилар номардлар нишин.  
Оламга жар бўлди “ўзбекнинг иши”,  
Шу бўлди сенга дўст миннати, элим.

## ҚАНИ

Бир кун ёмон чўкиб кетди  
Чўккан дилим —  
Оғайнилар, қани менинг  
Узун тилим?

Ой бепарво. Осмон беғам  
Чекар чилим,  
Ҳой юлдузлар, қани менинг  
Узун тилим?

Ўраганда белбоғ етмас  
Белим қани?  
Чингизларга бош эгмаган  
Элим қани?

Ҳеч ким жавоб тополмади  
Саволимга.  
Нима гаплар келиб-кетди  
Хаёлимга.

Шу-шу юртда бош кўтариб  
Юролмайман.  
Сиз қанда-ю,  
Мен йиғламай  
Туролмайман.

## ФАРҒОНАЖОН

Қуриб кетди кийик кезган яйловларинг,  
Келин бўлиб ой тунаган ўтовларинг.  
Фирот бўлиб кўкка сапчир бедовларинг,  
Шунча ғаминг етмасмиди, Фарғонажон.

Томингда товланган қизғалдоғинг қани,  
Олмалари карсиллаган боғинг қани.  
Бобуршоҳни лол айлаган чоғинг қани,  
Шунча ғаминг етмасмиди, Фарғонажон.

Бисотингда синиқ чойнак, синиқ кўзанг,  
Саҳардан шомгача меҳнатга ғарқ эсанг.  
Бир елкангда боланг, бир елкангда гўзанг,  
Шунча ғаминг етмасмиди, Фарғонажон.

Ич-ичимдан кўзимга ёш келар қалқиб,  
Балиқдай гунг, қўйдек ювош ўзбек халқи.  
Сен ҳам бундай қомат кериб юрсанг балки,  
Уйингга ўт кетмасмиди, Фарғонажон.

Қуриб кетди кийик кезган сайҳонларинг,  
Улоқчи от чопса ҳорган майдонларинг.  
Қувғин бўлди ҳовлингдаги райҳонларинг,  
Шунча ғаминг етмасмиди, Фарғонажон.

Тинса тинди қора қумғон, қора ўчоқ,  
Ўзинг билмай, ўз танангга урдинг пичоқ.  
Уйинг ёниб турса ёзган шеъримга боқ —  
Шунча ғаминг етмасмиди, Фарғонажон.



## ФИҶОН

Қайлардасан ўзинг, қанисан ўзинг,  
Сен кимнинг бир парча жонисан ўзинг.  
Боболаринг кимдир, момоларинг ким,  
Сен қачон ўзингни танийсан ўзинг?..

Осмон тўла юлдуз армонларингми,  
Сенинг бор бисотинг — дostonларингми?  
Алпомиш аталмиш ботиринг қани,  
Улуғбегинг қани, Бобуринг қани?

Қани буюк Аҳмад Яссавийларинг,  
Румийлардан қолган маснавийларинг?  
Улар кечиргайми гуноҳларингни,  
Унутмагин улуғ Синоларингни...

Кулиб кун чиқодур, йиғлаб кун ботар,  
Навоийинг Ҳиротда беэга ётар.  
Юзларин ёритар тунда ой балқиб...  
Машраб Балх дорида турибди қалқиб...

Ким эдингу энди ким бўлдинг бу дам,  
Сени таниёлмай аждодинг мулзам.  
Сен на йиғламайсан, сен на кулмайсан,  
Фарзандларинг қабри қайда, билмайсан.

Қайлардасан ўзинг, қанисан элим,  
Сен қачон ўзингни танийсан элим?..  
Чўғ остида қолган кулдайгинасан,  
Отинг бору ўзинг йўғдайгинасан.

## КЎРМАДИМ

У йўргакдан бу йўргакка ялангтўш,  
Кўчармизда, ўзга илож кўрмадим.  
Келарда ҳам, кетарда ҳам қўли бўш,  
Кўмик бошда кўкарган тож кўрмадим.

Кўрдим, ғариб ётар не-не даҳолар.  
Узилган жон, кўмилган муддаолар.  
Чопонлар бор, йўқдир енгу ёқолар,  
Терилган қош, тўкилган соч кўрмадим.

Қатор тўғри — қаторда йўқ хато ҳам,  
Ётар ўрли, ётар Одам Ато ҳам.  
Баробардир бунда шоҳу гадо ҳам,  
Бировни тўқ, бировни оч кўрмадим.

Тотувликда баҳору ёз ўтади,  
Бунда бирин бири эъзоз этади.  
Талашмоқ йўқ — барига жой этади,  
Бунда “сурил”, бунда “қоч-қоч” кўрмадим.

У бешикдан бу бешикка ялангтўш,  
Кўчармизда, ўзга илож кўрмадим.  
Келарда ҳам, кетарда ҳам қўли бўш,  
Кўмик бошда кўкарган тож кўрмадим.

Қизил бўри, кўк қалдирғоч кўрмадим.

## ЙИГИРМАНЧИ АСР

Фарҳодлар видеога мўлтираб ўсар,  
Ширинлар бир-бирин сочини кесар.  
Шудгорни ким кечар,  
Дарёни ким тўсар,  
Йигирманчи аср, аҳволинг ёмон.

Фасллар айланар,  
Битта фасл йўқ.  
Қаҳратон кечиккан кузга урар дўқ.  
Аъзои баданинг снаряду ўқ,  
Йигирманчи аср, аҳволинг ёмон.

Нима дейсан яна газеталарга,  
Қанотли, қанотсиз ракеталарга.  
Кўзингга термулган планеталарга,  
Йигирманчи аср, аҳволинг ёмон.

Йўлдошни қучоқлаб йиғлайди осмон,  
Кемалар пойида титрайди уммон.  
Эрта ер юзида ким қолгай омон,  
Йигирманчи аср, аҳволинг ёмон.

Тинчлик — шудир менинг энг тансиқ сўзим.  
Овутиб яшарман ўзимни-ку ўзим —  
Кўзимга жовдирар бир яшар қизим...  
Йигирманчи аср, аҳволинг ёмон.

## САНЖАР

Санжар, чимилдиқни кўрмаган Санжар,  
Менга тегмасмиди сенга теккан ўқ.  
Номус азобида юрагим санчар,  
Дунёда номусдан ёмон нарса йўқ.

Энди ўқлар тингач, тингач паймона,  
Жонсиз танинг узра ким у парвона?  
Энди ширин сўзлар бари афсона, —  
Ёлгон муҳаббатдан ёлгон нарса йўқ.

Бормай ётоғингга қўлгинанг чўзиб,  
Ётарсан тош йўлда сочларинг тўзиб.  
Руҳинг чирқирайди дунёни бузиб,  
Сенинг арвоҳингдан сарсон нарса йўқ.

Ажал бўйнин силаб дўстларинг ётар,  
Бири қон беради, бири қон ютар.  
Бир кун уларнинг ҳам уволи тутар,  
Толиб уволидан ёмон нарса йўқ.

Сен ўлдинг,  
Мен қайта туғилган куним,  
Қўлимда қаламмас, бу — ханжар, иним,  
Ай, Санжар инима —  
Ай, Санжар иним,  
Ўзбекнинг жонидан арзон нарса йўқ!

## МАРФИЛОНДА ...

Марғилонда нима ғавғо, Марғилонда,  
Қон изига кўзим тушди дастурхонда.  
Нима айб бешикдаги гўдак жонда,  
Ўзбек билан туркни кимлар уриштирди.

Эй, қоракўз оғажоним, отма мени,  
Отиб қўйиб гуноҳларга ботма мени.  
Ёв тўқиган ёлғон гапга сотма мени...  
Ўзбек билан туркни кимлар уриштирди.

Ким қайғурсин — оғаси бир, иниси бир,  
Эл қийраса элати бир, улуси бир,  
Оғир кунда азаси бир, йигиси бир —  
Ўзбек билан туркни кимлар уриштирди.

Қондош эдинг, ноланг менинг нолам бўлди,  
Онанг менинг онам, боланг болам бўлди.  
Қирқ йилдан сўнг қара, қизиқ олам бўлди,  
Ўзбек билан туркни кимлар уриштирди.

Дунё ўйинларин ўйлаб ўйим ёнди,  
Сенинг уйинг эмас, менинг уйим ёнди.  
Минг йиллик бўз қўйлагим, тўним ёнди,  
Ўзбек билан туркни кимлар уриштирди.

Марғилонда нима ғавғо, Марғилонда,  
Кўзим тушди қон изига дастурхонда.  
Нима айб бешикдаги мурғак жонда,  
Ўзбек билан туркни кимлар уриштирди.

## ТҮН ҲАҚИДА ШЕЪР

Ўзбекнинг тўнининг енглари узун,  
Ўзбекнинг жўнининг енглари узун.  
Енги узун кўйлак кийманглар, қизлар,  
Маданият даргоҳида ўқисангизлар.

Тили узун бўлсин инсон деганнинг,  
Эътиқод деганнинг, иймон деганнинг.  
Қошга ўсма қўйманг, қўйманглар қизлар,  
Маданият даргоҳида ўқисангизлар.

Иякдан кўзгача суринглар упа,  
Қулоқ тагига ҳам уринглар упа.  
Европачасига бўялсин юзлар,  
Маданият даргоҳида ўқисангизлар.

Сизга ҳам гапим бор, аҳли эркаклар,  
Дўппи киймай юринг, кийманг телпақлар.  
Қийин бўлар сизга шляпасизлар,  
Маданият даргоҳида ўқисангизлар.

Турсунали полвон, Лочин полвонлар,  
Сизни кутар бунда минг имтиҳонлар.  
Муаллим гапини қонун денг сизлар,  
Маданият даргоҳида ўқисангизлар.

Бу шеърим шунчаки ёзилгани йўқ.  
Ёзилса ҳам ҳали босилгани йўқ.  
Тўнимизга кимлар осилгани йўқ —  
Маданият даргоҳида ўқисак бизлар!

## ХАЛҚ БҮЛ, ЭЛИМ

Қадим юртга қайтсин қадим наволарим,  
Кумлар босиб қуримасин дарёларим.  
Алпомишга алла айтган момоларим  
Руҳини шод этай десанг, халқ бўл, элим.

Кўз ёшларинг айланса ҳам денгизларга,  
Кўрғонингни бермай десанг Чингизларга.  
Улугбек ном қуйиб кетган юлдузларга  
Юзим босиб ўтай десанг, халқ бўл, элим.

Гўрўғлилар қонга ботса Фиротларда,  
Қур ўғиллар юртин сотса хилватларда,  
Бобуринг беҳабар ётса Ҳиротларда  
Бориб мен уйғотай десанг, халқ бўл, элим.

Куйиб кетди китобларинг карвон-карвон,  
Синоларинг малҳамига муштоқ-зорман.  
Кўксингда ҳам беи асрлик куюк армон —  
Навоийга этай десанг, халқ бўл, элим.

Осмон дилинг орзулари турнақатор,  
Ота мерос ернинг ўзи бир ифтихор.  
Остонангдан офтоб чиқиб, офтоб ботар  
Қулларингга қайтай десанг, халқ бўл, элим.

Қадим юртга қайтсин қадим наволарим,  
Кумлар босиб қуримасин дарёларим.  
Алпомишга алла айтган момоларим  
Руҳини шод этай десанг, халқ бўл, элим.

## ЯНГИ ЙИЛ ҚЎШИҒИ

Далангиз оппоқ қор остида қолди,  
Деҳқонбобо, энди сиз ҳам тин олинг.  
Қўлингиз қабарди, белингиз толди,  
Деҳқонбобо, энди сиз ҳам тин олинг.

Баҳордан буён бир раббатингиз йўқ,  
Меҳнат қилдингизу миннатингиз йўқ.  
Белни силарга ҳам фурсатингиз йўқ,  
Деҳқонбобо, энди сиз ҳам тин олинг.

Осмонга туташди хирмонларингиз,  
Офтобга илашди армонларингиз.  
Қайтиб келгунича карвонларингиз,  
Деҳқонбобо, энди сиз ҳам тин олинг.

Хоҳ янги йилдир, хоҳ Наврўз сайлидир,  
Барча байрам асли сиз туфайлидир.  
Ёруғ олам асли сиз туфайлидир.  
Деҳқонбобо, энди сиз ҳам тин олинг.

Далангиз оппоқ қор остида қолди,  
Деҳқонбобо, энди сиз ҳам тин олинг.  
Қўлингиз қабарди, белингиз толди,  
Деҳқонбобо, энди сиз ҳам тин олинг.



## КЕЛИНЧАГИМ

Келинчагим, кулиб-кулиб кетдингизми,  
Юрагимни тилиб-тилиб кетдингизми.  
Ёлғизликда нелар бўлсам бўлдим-ку мен,  
Сиз муродга етдингизми-етдингизми?

Қачон мендан топган қиздан тонар дилим,  
Йўллар қараб қонар дилим, қонар дилим.  
Пойингизга интиқ бўлиб ёнар дилим,  
Ёт кўчадан ўтдингизми, ўтдингизми?

Кўнглингизни олдими шум янголари,  
Авраб йўлга солдимми ё ҳийлолари.  
Кўзингизни олдимми ё тиллолари,  
Севгимизни зарларига сотдингизми?

Мулкингизга не парилар ҳавас қилмас,  
Ёрим, айтинг, сизга яна нима етмас.  
Нечун ойдек юзингиздан қайғу кетмас,  
Ҳажр азобин сиз ҳам энди тотдингизми?

Кун ботмайин эшигингиз ёпилади,  
Кўк зулфига пўлат занжир осилади.  
Йиғи билан хуморингиз босилади,  
Излаб-излаб шу зиндонни топдингизми?

## ҚИЗҒАЛДОҚ

Қизғалдоғим, қирдан бұлақ кошонанг йўқ,  
 Кокил ёйсанг, ердан бұлақ тош ойнанг йўқ.  
 Ұксиб-ўксиб турганинда, ўзим бориб,  
 Пешонангдан ўпай десам, пешонанг йўқ.

Солланасан келинчақдай бошинг эгиб,  
 Жайрон ўтган сўқмоқларга ёшинг тўкиб.  
 Қизил юзинг қон дилимга турар тегиб,  
 Менингдек сен ғарибнинг ҳам парвонанг йўқ.

Қадринг билган, дардинг билган, айт,  
 киминг бор?..  
 Келиб-кетар баҳор сенга бевафо ёр.  
 Гўзалсанки, сенга бари гуллар агёр,  
 Оҳ урсанг, бир оҳинг тинглав оstonанг йўқ...

Ёнинга мен боролмасам, ўт гуноҳим.  
 Бир йўқлаб қўй мен дунёдан ўтган чоғим.  
 Қабрим узра ҳилпираб тур, қизғалдоғим,  
 Муҳаммадан бұлақ дўсту девонанг йўқ.

## ОҚ ТУЛПОР

Оқ тулпорим бор эди,  
Беклар унга зор эди.  
Оғайнилар, от менга  
Ҳам дўсту ҳам ёр эди.

Ёлин ўпсам, тиз чўкиб,  
Кафтимдан сув ичарди.  
Чух десам, ер чангитиб,  
Осмонларга учарди.

Ҳовлимизга бир оқшом  
Қариндошлар тўлишди.  
Тўй баҳона, отимдан  
Айирмоқчи бўлишди.

Отам, йигитсан ўғлим,  
Уйланмасанг ор, деди.  
Қиз ярашар қучоққа  
Отга нима бор, деди.

От олдидан бошланди  
Чимилдиққа йўлакча.  
Кечир ёрим, на қилай,  
Отга меҳрим бўлакча.

Қолдим икки ўт аро —  
Гўшангада дилдорим.  
Келин келган кечадан  
Аразлади тулпорим.

Борми биздай ошиқлар,  
Баҳоримда куз йиғлар.  
Қизни қучсам, от йиғлар,  
Отни қучсам қиз йиғлар.

Бир бор ўпсам хотинни,  
Уч бор ўпдим отимни.  
Жонни қийнаб яшадим,  
Кимга айтай додимни.

Ёрдан кечдим отни деб,  
Элга бўлдим эрмаклар.  
Қайдан билсин от қадрин  
От минмаган эркаклар.

## ЖАЙРОН

Қон йиғлатди қайси бағритош,  
Жайрон, нега кўзинг тўла ёш.  
Оёғингга қўйиб ётай бош,  
Жайрон, нега кўзинг тўла ёш.

Юрак қонинг тўкилган сўқмоқ,  
Бағри алвон лолақизғалдоқ.  
Сенга тошлар отди қай гумроҳ,  
Жайрон, нега кўзинг тўла ёш.

Зор йиғладинг бунча ҳам ҳайҳот,  
Менда ҳам бор сендаги сайёд.  
Эй беозор, эй мўмин жонзот,  
Жайрон, нега кўзинг тўла ёш.

Бу дунёнинг нокаслари бор,  
Эзгуликни кўролмайдилар.  
Мени ҳам қон қилдилар улар,  
Жайрон, нега кўзинг тўла ёш.

Лабим билан яранг силайман,  
Сенга дарди шифо тилайман.  
Кел, туғишган оғанг бўлай ман,  
Жайрон, нега кўзинг тўла ёш.

## КЎКЛАМОЙИМ

Сочимда оқ, мен баҳордан ўтиндим,  
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим.  
Қор қўйнидан зўрға сенга етиндим.  
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим.

Кўнглимга кўк бинафшалар сочилсин,  
Кокилига толпопукдан соч илсин.  
Бойчечакка борар йўллар очилсин,  
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим.

Фасл боши, ҳам охири ўзингсан,  
Мажнунларнинг йўлдоши ҳам ўзингсан.  
Лайлиларнинг сирдоши ҳам ўзингсан,  
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим.

Келда энди соғинтирмай одамни,  
Сен йўғингда бир ўй босди елкамни,  
Қорлар кураб кўмиб келдим отамни  
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим.

Кўкинг билан кийинтирай даламни,  
Оёқяланг суюнтирай боламни.  
Ўзинг олгин кўксимдаги аламни,  
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим.

Гинам йўқдир кузда кетган оққушдан,  
Ийманмасин қайта эшик қоқишдан.  
Қумри билан бирга чиқдик биз қишдан,  
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим.

Жон устида асраб юрай кўкни мен,  
Тўйиб-тўйиб кўзга сурай кўкни мен.  
Яна сенга етаманми-йўқми мен.  
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим.

Дил яйрасин, дала-даштинг ясаниб,  
Капалакдек, мен ялпизга ястаниб —  
Икки мисра қўшиқ айтай, мақтаниб,  
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим.



**Тошларни йиғлатган  
дostonларинг бор**



*Қурбонинг бўлайин, эй онажоним,  
Сенинг фарёдларинг, менинг фиғоним,  
Ўтмишингни ўйлаб ўртанар жоним,  
Тошларни йиғлатган  
дostonларинг бор.*





## ЭЙ, ДИЛ...

Бўйи райҳон юртимнинг  
Қадрин билиб юрдимми.  
Кулганда шод,  
Куйинганда  
Бағрим куйиб юрдимми?  
Дардин олай дедим,  
Лекин  
Дардин билиб юрдимми?...  
Эй дил, сен айт!

Билиб, қачон  
Дармон бўлдим,  
Билмай қачон бердим панд,  
Хуш чоғини  
Кўзга суртиб,  
Кучоғини айлаб банд.  
Юртим менга  
Она бўлди,  
Нима қилдим мен —  
Фарзанд?  
Эй дил, сен айт!

Ой нурида ханжардек  
Ялтирайди майсалар,  
Бобо Широқ  
Елкасида  
Қалтирайди найзалар.  
Сендан қандай  
Садо бўлар,  
Жонимга тиғ сайсалар —  
Эй дил, сен айт...

Бизга Ватан  
Шамсимоҳдир,  
Бизга паноҳ шу Ватан.  
Доим ҳамроҳ  
Шу Ватандир,  
Доим огоҳ шу Ватан.  
Энди кимдир,  
Совут кийган  
Тўмарисни билмаган —  
Эй дил, сен айт!

Гиёҳ унмай,  
Ер йиғлайди,  
Чингиз ўтган жойларда.  
Кўксимда бир  
Шеър йиғлайди,  
Чингиз ўтган жойларда.  
Тулпор изи  
Тошга сизиб,  
Сўроқлайди сойларда:  
Қайда қолди  
Жалолиддин  
Мангуберди, қайларда?..

Воҳким, шамшир  
Қиндан чиқса,  
Толиб — аҳли илм лол.  
Бахил бир ҳақ,  
Жоҳил минг ҳақ  
Ғолиб, аҳли илм лол.  
Фозилларнинг  
Аҳволидан  
Сўйлай десам, тилим лол..

Ёғий забон  
Юрт бошига

Ёғдирган дўқ — юлдузлар.  
Хар чақнаган  
Куёшига  
Ёғдирган ўқ — юлдузлар.  
Хулқар эмас,  
Зухал эмас,  
Тили бўлса айтсин кўк —  
Шўрлик элнинг  
Кўзларидан  
Сачраган чўғ — юлдузлар...

Бизга Ватан  
Шамсимоҳдир,  
Бизга паноҳ шу Ватан.  
Доим ҳамроҳ  
Шу Ватандир,  
Доим огоҳ шу Ватан.  
Энди кимдир  
Ўтда куйган  
Муқаннани билмаган?...  
Эй дил, сен айт!

Қаранг, қадим  
Самарқанднинг  
Йўллари қон, сирғалар.  
Мозийдан бир  
Падаркушнинг  
Қўллари қон, сирғалар.  
Тиғ ялтирар,  
Улуғбекнинг  
Бўғзига жон сирғалар...

Аждодини  
Билмаганда  
Дил бўларми, айт ўзинг,  
Қавм ёдини

Билмаганда  
Дил бўларми, айт ўзинг,  
Фарёдини  
Билмаганда  
Дил бўларми, айт ўзинг —  
Эй дил, сен айт!

Боболаринг  
Дастингдан дод  
Уриб келса, нетарсан,  
Унутдинг деб  
Устингга от  
Суриб келса, нетарсан?  
Мирзо Бобур  
Мозоридан  
Туриб келса нетарсан? —  
Эй дил, сен айт!

Бизга Ватан  
Шамсимоҳдир,  
Бизга паноҳ шу Ватан.  
Доим огоҳ  
Шу Ватандир,  
Доим ҳамроҳ шу Ватан.  
Энди кимдир  
Оғир кунда  
Қўлтиғига кирмаган —  
Эй дил, сен айт!

Боқ, Машрабинг  
Келар қайтиб  
Ялангоёқ Қашқардан,  
Оҳ, Машрабинг  
Келар қайтиб  
Ялангоёқ Қашқардан.  
Шоҳ Машрабинг

Келар қайтиб  
Ялангоёқ Қашқардан...  
Ана, Тоҳир  
Сувга чўкди,  
Зухро ютди заҳри қон,  
Сайхундарё,  
Жайхундарё  
Оқди бўлиб наҳри қон.  
Зайнабларнинг  
Зардобидан  
Кумушларнинг бағри қон,  
Офтобойим  
Руҳи бўлиб,  
Чирқирайди Марғилон!

Юракда бир  
Армоним бор,  
Тугамайди сўйласам,  
Юракда ҳур  
Достоним бор,  
Офтоб тинглар куйласам.  
Юртим, сенга  
Фидоларнинг  
Ёдига мангу машғал —  
Тупроққўрғон  
Узра алвон  
Байроқ ёнар бўйласам.

Бўлар элнинг  
Болалари  
Бир-бирини дер экан,  
Бўлар элнинг  
Зоғи лочин,  
Куёни ҳам шер экан.  
Бўлмас элнинг  
Болалари

Бир-бирини ер экан...  
Эй дил, сен айт!  
Осмонга айт,  
Зоринг тинглаб,  
Юлдуз йиглаб кул бўлсин,  
Инсонга айт,  
Қўл бергани  
Юрак бўлсин, дил бўлсин.  
Сурхонга айт,  
Абдулланинг  
Ётган ери гул бўлсин!..  
Эй дил, сен айт!

...Мағрибдан ёв  
Бостириб  
Келаверди бир замон,  
Машриқдан сен  
Боравердинг:  
Юртимга жоним қалқон!  
Мардим —  
Йигирма миллион,  
Дардим —  
Йигирма миллион...

Эрйигитов  
Илма-тешик:  
Ортимга ёв ўтмасин!  
Танки билан  
Днепрга  
Чўкиб кетди Тўхтасин!  
Эй дил, сен айт.  
Эй дил, сен айт.  
Сен айтмасанг айтгай ким —  
Соҳилга бор,  
Дарёга айт,  
Бир зум суви тўхтасин...

Тирик жоннинг  
 Душмани бор,  
 Тирик жоннинг  
                 дўсти бор,  
 Тошкентда бир  
 Темирчига  
 Ҳайкал қўйдик устивор:  
 Жигарларим,  
 Мана сув, нон,  
 Бўлишамиз баробар.  
 Нима топсак,  
 Бирга баҳам  
 Кўришамиз баробар!

Беш йил қирғин  
 Кезиб, ғолиб  
 Қайтганларга гапим бор.  
 Дзотларга  
 Кўкрак босиб  
 Ётганларга гапим бор.  
 Юртимнинг оқ  
 Сутин ичиб  
 Сотганларга  
                 гапим бор —  
 Эй дил, сен айт!

Бу кун шаҳид  
 Қаҳрамонлар  
 Ёди ўртар кўнглимни,  
 Фарғоналик  
 Онаизор  
 Доди ўртар кўнглимни: —  
 Одамларов,  
 Асролмадим  
 Мамадали ўғлимни,  
 Эй дил, сен айт!

Бизга Ватан  
Шамсимоҳдир,  
Бизга паноҳдир Ватан.  
Доим ҳамроҳ  
Шу Ватандир,  
Доим огоҳ шу Ватан.  
Энди кимдир  
Оғир кунда  
Қўлтигимга кирмаган —  
Эй дил, сен айт!

Чўгдек ёниб  
Уфқларга  
Қуёш ботар, қаранглар,  
Осколкалар  
Азобидан  
Ҳали битмай яранглар,  
Яна қиргин  
Жангларга шай,  
Ракеталар жаранглар.  
Умри эъзоз,  
Шундай ҳам оз,  
Тушунмайди гаранглар...

Асрим темир,  
Асрим чўян,  
Ботмайди дил бўзлари,  
Асрим доно,  
Асрим нодон —  
Йигирмада ўзлари.  
Ўйга ботиб  
“Уҳ”лар отиб,  
Лабда қотиб сўзлари,  
Она замин  
Айланади —  
Бир тугмада кўзлари.



Мовий осмон  
Остида ҳеч  
Тўхтамасин, дейман у,  
Ўздан бўлак  
Ҳеч нарсага  
Ўхшамасин, дейман у.  
Ваҳшаттугма,  
Даҳшаттугма.  
Қақшамасин, дейман у...

Даҳшаттугма,  
Гоҳ ишонмай  
Қийналаман ўзимга —  
Қалдирғоч ҳам  
Самолётга  
Ўхшаб кетар кўзимга.  
Кимлар йиғлар,  
Кимлар кулар,  
Бу кун тўғри сўзимга...

Сени ўраб,  
Бу кун қара,  
Ёвлар қайраб юрар тиш,  
Уруш сўраб,  
Девонаваш  
Ўқталишар ойга мушт.  
Бузилгин сен,  
Узилгин сен,  
Узилгин-у сойга туш,  
Ҳеч ким билмас,  
Ҳеч ким кўрмас,  
Ҳеч ким сўрмас жойга туш!...

Бўйи райҳон юртимнинг  
Қадрин билиб юрдимми,  
Кулса кулиб,

Куйинганда  
Бағрим куйиб юрдимми.  
Дардин олай дедим,  
Лекин,  
Дардин билиб юрдимми?..  
Эй дил, сен айт!

Билиб, қачон  
Дармон бўлдим,  
Билмай қачон қилдим қон,  
Юракдан бир  
Кушиқ келар,  
Юракдан бир сўз ниҳон:  
Ўзбекистон —  
Ота макон,  
Ўзбекистон —  
Онажон!..  
Эй дил, сен айт!

Ардоғида  
Ўсдим, уни  
Суйиб яшай нондай ман.  
Кўксимдаги  
Имонимдай,  
Кўксимдаги жондай ман.  
Ўз онамга  
Севаман деб,  
Айтай лекин қандай ман —  
Эй дил, сен айт!

## ҚОРА ҚУЁШ

*«Жондан азиз синглим Қумри!»*

Мактубингга жавоб ёзаман. Шунинг учун ёзаманки, кечаси соат тўрда эслаб хат ёзганинг учун ёзаман, яна шунинг учунки ёш қалбингни бахтсиз маҳбус учун эзиб ширин уйқунгни бемаъни саргузаптим билан бузганим учун ёзаман. Кўнглингни парипон қилиб, уйқусиз тонг оттирганинг учун ёзаман...

Хат ёзмаганимга сабаб умидсизлик эмас, аксинча умидим порлоқ ва юксак. Очигини айтсам аччиқ турмушнинг аламли азобидан куйловчи мактубим садоси билан сен каби меҳрибонларим кўнглини йиғлатишдан сақланиш мақсадида хат ёзишдан кечдим...

Юракни тош қилиб бўлсада унутишларизни сўрайман. Разил ҳаётга кўникиб қолганимда ширин турмушни эслатмасангиз эди. Мен учун тўккан кўз ёшларингизни эслар эканман, қалбим сиқилади, бахтсизлигим гавдаланиб кўз олдим қоронғулашадида, туғилганимга қасам ичиб, дор-дунёдан кечгим келади...

Қумри, раҳминг келса яна қайта сўрайманки, мени эсдан чиқар, ортиқ мени қийнаб юрагимни эзма...

Эҳтимол тез кунда кўришармиз. 51-йилга ҳам кўп қолмади.

Узини менга яқин тутган қариндош ва ёрдўстларга олдинги хатимда охирги саломимни кўндирган эдим. Яна қайтаришга ўрин йўқ.

Опангга айткинки, мени илтимосимни унутмасин!

*Чор-ночор хайрлашиб қолувчи:*

*Акмал»*

*Боенгол. 22.ХП.46.*

*МУАЛЛИФДАН: Бу хатни мен тасодифан топиб олдим. Шу ҳолида, имлоларини тузатмай, сизга ҳавола этдим.*

*Эҳтимол, бу мактуб Қумри исмли муштинар аёлга акасидан ёлғиз ёдгордир. Агар шундай бўлса, мен уни эгасига қайтараётганимдан хурсандман...*

- Умр нима, эй одам?
- Умр йўлдир бир қулоч.
- Армон нима, эй одам?
- Армон ҳам бир эҳтиёж.
  
- Омад нима, эй одам?
- Айвондаги қалдирғоч.
- Орзу нима, эй одам?
- Бўлди, менинг қорним оч...
  
- Ёлғон нима, эй одам?
- Ёлғон — ўт ўсмас дала.
- Ҳақ нимадир, эй одам?
- Ҳақиқат — етим бола...
  
- Севги нима, эй одам?
- Севгига йўқ ҳафсала.
- Бахт нимадир, эй одам?
- Бахт — бир коса атала...  
Толкосада атала...
  
- Толкоса нима, эй одам?
- Толкоса ҳаёт, жўра.
- Атала нима, эй одам?
- Сталин бобонгдан сўра!..

Соқовни қамашди,  
Соқов «душман»ни.  
Сиёсий саводсиз,  
Анқов душманни...

Қамашди,  
Бир кунда,  
Пайсалга солмай.  
Айби аниқ эди,  
Айби маълум эди —  
У доҳий отини  
Тўғри айтолмай,  
Ҳамманинг олдида  
«Ишталин» деди!

Соқчига мўлтирар  
Соқов,  
Қалтирар,  
Ўлдиришар энди,  
Уни ўлдира.

Қолди уйи,  
Қолди ғурбатхонаси,  
Ғурбатхонасида  
Қари онаси.  
Яна бир зот кетди  
Шундай қилиб —  
Соқовнинг бошига  
Етди ўз тили...

Ўрмонда отишди,  
Қор эди қалин.  
Йиқилди  
Ҳайқириб:  
Яшаш-шин Ишта-лин!

Соқовни отишди,  
Анқовлиги учун.  
Тўғрироғи  
Туғма  
Соқовлиги учун.

Қирқ йил бўлди бунга,  
Эллик йил бўлди-ёв.  
Мана энди,  
Соқовнинг онаси —  
Ҳақиқий соқов!

Соқов дудуқ эди  
Мундай олганда,  
Тиллашса бўларди  
Ўлмай қолганда...

\* \* \*

«Сибирдаги саргардонлик йилларим бир ҳамюртим билан учрашиб қолдим. Йиғлаб кўришдик. Ҳол-аҳвол сўрашдик. Мен уни ҳам ўзимга ўхшаб беайб бадарга бўлганлардан бири эканлигини сезиб турсам ҳам сўрадим:

- Сизни нега қамадилар, биродар?
- Сулаймон Азимовнинг «думи»сан, деб!
- Кимнинг-кимнинг?
- Айтдим-ку, Азимовнинг...

Анчадан кейин бир оз ўзимга келиб, секин бориб елкасидан қучдим:

- Уни танийсизми?
- Йўқ, кўрмаганман...
- Унда келинг, танишволайлик, — дедим. —

Менман ўша сиз айтган одам!..»

*Марказқўмнинг собиқ котиби  
Сулаймон Азимовнинг хотираларидан.*

\* \* \*

Ўттиз еттинчи йил кашфи сизга мана —  
Эркакларга алоҳида қамоқхона,  
Аёлларга алоҳида қамоқхона,  
Болаларга алоҳида қамоқхона...

Ўттиз еттинчи йил кашфи булар бари —  
Кўринмасу даҳшат солиб шарпалари,  
Келса — яқин келмай,  
кетса — кетмай нари,  
Изғиб юрар Лаврентий\*нинг лайчалари.

Бу ўлкада энди норғул йигитлар йўқ,  
Бойқушлар бор,  
калхатлар бор — бургутлар йўқ,  
Не-не Сулаймонлар, Абдулҳамидлар йўқ,  
Қайтармикин? Қайтмоғига умидлар йўқ...

Бедарак йўқолди қанча одам, эссиз,  
Сўроқларда ўлди қанча одам, эссиз,  
Қийноқларда ўлди қанча одам, эссиз,  
Сиртмоқларда қолди қанча одам, эссиз...

Эссиз, айбин билмай ётганларга, эссиз,  
Қабри ҳам топилмай ётганларга, эссиз,  
Ўққа учиб, осонгина ўлиб кетмай,  
Урушлардан омон қайтганларга эссиз...

Эй, яшасин, бизнинг доно йўлбошчимиз —  
Иосиф Виссарионович, қуёшимиз.  
У шоҳ эди, паноҳ эди, огоҳ эди,  
Тўкилмади бошимиздан... бир сочимиз!

---

\*Лаврентий Павлович Берия

\* \* \*

... Унинг учун қамоқхонада энг танқис нарса қоғоз эди.

У ҳамма жойдан фақат қоғоз қидирарди. Бир дақиқа сайрга олиб чиқишса, деворлар тагида саргайиб,ғижим бўлиб ётган бир парча қоғоз топиб олиб, боши осмонда, яна зах хонага қайтарди. Тергов пайтида ҳам илинжи шу. Овқат пайти ҳам.

Ана шундай минг машаққатлар билан йиққан қоғозлари бир куни қўлёзмага айланди. Энди уни нима қилиб бўлса ҳам ташқарига, одамларга етказиш зарур эди. Лекин қандай қилиб?

У турма бошлиғига мурожаат қилди. Мени қабул қилишингизни сўрайман, деб қайта-қайта сўрайверди. Ниҳоят бошлиқ зерикди. Қаҳратон қиш кунларининг бирида бошлиқ иссиқ печка олдида, оёқларини чалиштириб ўтириб, унинг арзини тинглади.

— Сиздан ўтиниб сўрайман. Шу қўлёзмани одамлар ўқисин. Майли, кейинроқ, оқланиб кетсам ёки...

— Бу ёққа бер,— деди бошлиқ ўрнидан турмай. Соддадил адиб, унга қўлёзмани узатди.

Бошлиқ қўлёзмани олди-ю гуриллаб ёниб турган печканинг ичига отди...

У яна ўша зах ва қоронғи хонада ўзига келди. «Бу аблаҳнинг олдига мени ким бошлаб борди? Оёқларимми? Мен уларни ҳозироқ кесиб ташлайман. Наҳот шунча хўрликларни кўриб ҳам кўзим очилмади! Наҳот, бу бошда зарра ақл бўлмаса! Наҳотки, у мени жаллоддан ёрдам сўраб боришга ундади! Ҳозир... Ҳозир...»



У даст ўрнидан туриб, югуриб бориб, зарб билан бошини деворга урди. Урди ва яна ураверди. Жони чиқиб кетгунча ураверди!..

Ким эди бу адиб? Қодирийми?.. Чўлпонми ёки Усмон Носирми?!

Қисқагина умр кўриб, узоқ яшаб келаётган зотларга қаранг...

*Аҳмад Юегакий.*

Тушимга киради Қодирий бобом,  
Бемадор, бемажол, беҳол, беором.

Эгнига эски бир тўн кийиб олган,  
(Шинелдир балки у, кимдандир қолган.)

Ўша тўн эгнида похол ҳам бордай,  
Бобомнинг юзлари оқарган қордай.

Йўқ, юзи сомонга ўхшайди унинг,  
Чарақлаб тургувчи кўзи тўла мунг...

Тушимга киради Қодирий бобом:  
Тур дейди, мунча кўп ухладинг, болам.

Боқ, бу дам айланиб жўхоризоринг,  
Ўроғин қайрайди онаизоринг.

У ўриб бўлгунча ризку зарингни,  
Ўйнатиб тур чиқиб, укаларингни.

Ва менинг саломим айт, дер, уларга —  
Бобосин соғинган мусичаларга...

Тушимга киради Абдулло бобом,  
Оҳ, олтин бобом-а, воҳ тилло бобом.

Қаро ер қаърида қон йиғлаб қолган,  
Акмал Икром бобом, Файзулло бобом!

\* \* \*

Ўлган ўлди-кетди,  
Ҳеч ким қайтмайди.  
Нега?  
Нима учун?  
Бу ҳам муаммо.  
Тарих соқов кампир,  
Дардин айтмайди.  
Айтолмас,  
Унутиб ҳам бўлмас аммо.

Мана,  
Қодирийни қилишар сўроқ:  
«Уткан кун» деган шеър сизникими?  
— Ҳа.  
Аммо у шеър эмас...  
— Жим бўлинг, ахир!  
Шеърми ё бошқами, автори сиз-да.  
Тамом.  
Бошқа гапга қолмайди ҳожат.  
Терговчи — “пайғамбар”,  
Терговчи — “худо”.  
Темир зотдан келган буйруқ — ижозат,  
Ўзбек яна битта ўғлидан жудо.

Айби шуки...  
Айби...  
Ким билсин буни,  
Балки, жуда ноёб истеъдодидир.  
Отишдимикин ё осишди уни?  
Балки, ҳукм ижрочиси жодидир.

Жоди деганларин билишмас ёшлар,  
Билмагани маъқул бундан кейин ҳам.  
Жоди орасига тушганда бошлар  
Одам...

Кўзимга ёш тўлар мана шу ерда,  
Кўйнимга тош тўлар мана шу ерда,  
Кўзимга тор бўлиб қолади олам,  
Оҳ, олтин бобом-а, воҳ тилло бобом...  
Ўтган кунинг қурсин, Абдулло бобом!

\* \* \*

Ўй ёмон.  
Ўй ёмон қийнар одамни.  
Илондек юракни кемирар малъун.  
Урушдан чалажон қайтган отамнинг  
Қирқ йилки, тилидан тушмас Сталин...  
Ота,  
Қўйинг, дейман,  
Отажон, қўйинг.  
Умрингиз ўтмоқда кимга ишониб?  
Темир косов билан кўзимни ўйинг,  
Фақат бир илтимос.  
Гапирманг ўшани!..  
Ер эса айланар,  
Юмуши мўл Ер.  
Оқар юзларидан  
Маржон-маржон тер...

Ўйлайман,  
Заминда энг бахтиёр зот —  
Ёки академик,  
Ёки бесавод.  
Бири ўқиганин таҳлилин сўрмас,  
Бири ўқишга ҳам уриниб кўрмас...  
Ўй ёмон, ўй бу — жар.  
Бу жар қоронғу.  
«Қайт болам!..»  
Отамнинг сўзларимикин?  
Бу зулмат қаърида ёнган не ёғду,

Файзулло бобомнинг кўзларимикин?  
“Сен нима биласан,  
Фарзанди нодон,  
Урушда юртингни асраб қолди ким?..»  
Ишонч қандай унвон,  
Ишонч қандай шон,  
Ул бузрукворимга нима ҳам дердим.

Ўлган ўлди-кетди.  
Энди қайтмайди.  
Нега?  
Нима учун?  
Бу ҳам бир жумбоқ.  
Ота хатосини ўғил айтмайди,  
Айтолмас,  
Унутиб ҳам бўлмайди бироқ...

\* \* \*

Йиллар ҳам кўчманчи қалдирғочлардек,  
Келар,  
Кетаверар,  
Миқ этмай, беун.  
Дунёда мен ёлғиз сизинганим шу —  
Элимдир маҳзун.  
Ўйлайман.  
Уфқлар ортидан бир кун,  
У аста бўйлару  
Кўз тушар кўзга:  
Бегуноҳ узлатга кетганлар учун  
Ким жавоб беради, ўртоқлар, бизга?..

Ўлган ўлди-кетди.  
Ҳеч ким қайтмайди.  
Нега?  
Нима учун?

Бу энди жумбоқ,  
Тарих — соқов кампир,  
Дардин айтмайди,  
Айтолмас,  
Унутиб ҳам бўлмас аммо.

\* \* \*

- Отанг қани, болам-ов?
- Отам Сибирга кетган.
- Онанг қани, болам-ов?
- Онам ҳам бирга кетган...
  
- Аканг қани, болам-ов?
- У дунёда ухлайдир.
- Уканг қани, болам-ов?
- Кўкрак сўраб йиғлайдир...
  
- Синглинг қани, болам-ов?
- Синглим ётар чалажон.
- Ўғлим бўлгин, болам-ов,
- Нониз борми, онажон?!
  
- Укамни не қиламиз?
- Эчки сути берамиз.
- Синглимни не қиламиз?
- Тутмайиз териб берамиз...
  
- Чолингиз қайда, энажон?
- Чолим Сибирга кетган.
- Ўғлингиз қайда, энажон?
- Ўғлим ҳам бирга кетган.
  
- Энажоним, энам-ов,  
Энди нима қиламиз?
- Энанг ўлсин болам-ов,  
Бир кунимиз кўрамиз!..

\* \* \*

«Синглим Роҳатхон! Уйғунникига бориб, нар-  
саларимни ол. Мадамин Давроннинг уйида паль-  
том бор. Иброҳим Назирникида этигим ҳам. Шу-  
ларни олиб келиб, менга киргизиб юбор.

Кетадиганга ўхшайман...»

*Тошкент қамоқхонаси. 1937 йил.*

*Усмон Носир.*

Ватан гар дилга жо бўлса,  
Не истар у бажо бўлса,  
Ким билсин,  
Ким билсин агар,  
Менинг жоним фидо бўлса,  
Тирик юргаймиди ҳозир,  
Усмон Носир, Усмон Носир...

Бахил бўйин эгмиш қачон,  
Оқилга кун тегмиш қачон?  
Ким билсин,  
Ким билсин агар,  
Ёмонга ҳам жазо бўлса,  
Тирик юргаймиди ҳозир,  
Усмон Носир, Усмон Носир.

Фаним ҳар кимда бор, фаним,  
Фанимда йўқ гапим маним.  
Ким билсин,  
Ким билсин агар,  
Дўсту ёрда вафо бўлса,  
Тирик юргаймиди ҳозир,  
Усмон Носир, Усмон Носир.

Жонингдан айланай, юртим,  
Шоиринг кўп экан, кўрдим.  
Ким билсин,  
Ким билсин агар,

Улардан бир садо бўлса,  
Тирик юргаймиди ҳозир,  
Усмон Носир, Усмон Носир.

\* \* \*

«Одамлар тақдири оддий тушлик ёки кечки овқат пайтидаёқ ҳал бўларди. Суҳбат орасида кимларнингдир номлари тилга олинарди. Бирдан Сталин: «Лаврентий, чора кўр», деб қоларди. Берия эса бошқа хонага ўтиб, қайгадир қўнғироқ қиларди. У номларини айтган одамлар шу кечасиёқ қамоққа тушарди...»

*Маршал Жуков хотираларидан.*

Эй, ғамдан букчайган уйлари ёғоч,  
Ярми қамоқхона,  
Ярми яланғоч,  
Мамлакат, қизларинг яшир олтинсоч —  
Лаврентий Павлович сайр қилмоқда!..

Байрамга қўйилган балиқдек тузлаб,  
Қотиб тур жойингда, вужудинг музлаб.  
Қурбонлар устига қурбонлар излаб,  
Лаврентий Павлович сайр қилмоқда.

Бир-бирларин суяб,  
Тик туриб ухлаб,  
Вагон тўла боланг кетмоқда йиғлаб,  
Паравозлар қайга элтмоқда йиғлаб?..  
Лаврентий Павлович сайр қилмоқда.

Уларни кутади майдон тўла дор,  
Бу дорлар остида барча миллат бор,  
Жаллод — кўзойнакли илондек маккор,  
Лаврентий! Лаврентий сайр қилмоқда.

Кутмоқда ишқорлар қуйилган жомлар,  
Бу дўзах жомида ҳар қора шомлар.  
Эриб кетди не-не Акмал Икромлар...  
Лаврентий Павлович сайр қилмоқда.

Юзин бир кўрмоққа тополмай илож,  
Ким отага муҳтож,  
Ким ёрга муҳтож.  
Ким ёлғиз ўғли-ла дийдорга муҳтож,  
Лаврентий Павлович сайр қилмоқда...

Эй, ғамдан букчайган уйлари ёғоч,  
Ярми қамоқхона,  
Ярми яланғоч,  
Мамлакат, қизларинг яшир олтинсоч —  
Лаврентий Павлович сайр қилмоқда.

\* \* \*

«...Қизим Зоряни НКВД ходимлари автомобил-  
да Малая Лубянкага олиб кетган экан. Буни биз  
кейин билдик. Москванинг бу бурчагида 2 ёшдан  
16 ёшгача бўлган болалар қамоқхонаси жойлаш-  
ганди. Ундаги режим катталарникидан фарқ қил-  
мас, болалар саҳарда уйғотилар, йигирма минут-  
лик сайрдан сўнг эса сўроққа — терговчи ҳузури-  
га олиб кетиларди...»

*Галина Серебрякова, ёзувчи.  
(«Семья» газетаси, 1988 йил март сони)*

Қушлар ҳам уйқудан уйғонмай ҳали,  
Жовдираб бир сафга тизилар бари.  
Мудраб йўлга тушар терговчи сари —  
Икки яшар «халқ душманлари».



Уларнинг гапи йўқ бўрсилдоқларда,  
Уларнинг хаёли — ўйинчоқларда...  
Ўхшайди қоракўз кўзичоқларга —  
Икки яшар «халқ душманлари».

Ўлтирар келишгандек боғчасига,  
Кўлчаларини кўйиб оёқчасига.  
Мўлтирар терговчи таёқчасига —  
Икки яшар «халқ душманлари».

Терговчи ҳам асли кимгадир ота,  
Терговчида жуда тажриба катта.  
Йўқ айбига иқрор бўлар, албатта,  
Икки яшар «халқ душманлари».

Йўқ айбига иқрор бўлар ҳаммаси,  
Элнинг суюк болаларин боласи.  
Элнинг буюк болаларин боласи,  
Икки яшар «халқ душманлари»...

Қушлар уйқусидан уйғонмай ҳали,  
Жовдираб бир сафга тизилар бари.  
Мудраб йўлга тушар терговчи сари —  
Икки яшар «халқ душманлари».

\* \* \*

Тухачевскийни Ворошилов ёмон кўрарди. Унга  
ҳасад қилар эди. Жуда кўп буюк саркардаларнинг  
ўлимида унинг қули бор...

Бир куни унга қишлоқларимиз ғоят ғариб  
аҳволда эканлигини айтиб, Хрущёвга билдири-  
шини сўраганимда у кўнмади. Айтолмайман, мени  
Қизил майдонга дафн этишларини истайман, деди.

*Маршал Жуков хотираларидан.*

Россиянинг ярми хилват ўтлоқлар,  
Майли, бизга бўлсин узлат утлоқлар.  
Бизга бўлаверар,  
Фақат, ўртоқлар,  
Климентни кўминглар Қизил майдонга!..

Кўрган куни озор бўлган Россия,  
Ўрмонлари мозор бўлган Россия,  
Мозорлардан безор бўлган Россия,  
Климентни кўминглар Қизил майдонга.

Ҳаммамиздан кўпроқ «жанг» қилган ўша,  
Душманлар ҳолини танг қилган ўша,  
Бундай иззат учун туғилган ўша —  
Климентни кўминглар Қизил майдонга...

Хитойда ўлмаган Блюхер қани,  
Қийма-қийма бўлиб чопилди тани.  
Фақат удир асраб қолган Москвани —  
Климентни кўминглар Қизил майдонга.

Қайси айби учун отилди Якир<sup>1</sup>,  
Нонушта устида сотилди Якир,  
Буни ёлғиз ўша билади, ахир —  
Климентни кўминглар Қизил майдонга...

Климентни кўминглар Қизил Майдонга,  
Тупроқда ўзига қолди жой етмай.  
Устига тош қалаб, йиғламай-нетмай,  
Климентни кўминглар Қизил майдонга!

---

<sup>1</sup> Якир — командарм

### 37-ЙИЛ ЙИҒИСИ

Олов эди, шўх эди ўғлим,  
Шамол эди, ўқ эди ўғлим,  
Уйимда нон йўқ эди, ўғлим,  
Энди менинг ҳолим не кечар?

Майли изинг қолсайди, ўғлим,  
Ўғил-қизинг бўлсайди, ўғлим,  
Кўриб кўнглим тўлсайди, ўғлим.  
Энди менинг ҳолим не кечар?

Тўлишган ой, тўлган ой, ўғлим,  
Кетган еринг қайси жой, ўғлим?  
Тилаб олган Турсунбой ўғлим,  
Энди менинг ҳолим не кечар?

Ёниб кетсанг майлиди, ўғлим,  
Чўкиб кетсанг қанийди, ўғлим,  
Айбли бўлсанг қанийди, ўғлим,  
Энди менинг ҳолим не кечар?..

Деҳқон бўлсанг ўлмасдинг, ўғлим,  
Чўпон бўлсанг ўлмасдинг, ўғлим,  
Ёмон бўлсанг ўлмасдинг, ўғлим...  
Энди менинг ҳолим не кечар?

Ўқимай ўл, унмай ўл, ўғлим,  
Ўқиб олим бўлмай ўл, ўғлим,  
Олти тилни билмай ўл, ўғлим!..  
Энди менинг ҳолим не кечар?



Менга қадрдондир унинг сиймоси,  
Тилим тебранмас ҳеч ёмон дейишга.  
У шундай буюкки,  
Йўқдир қиёси,  
Қанча буюк бўлса,  
Тубандир шунча...

У — ёруғ дунёда  
Тенги йўқ инсон,  
Қадрдон бегона,  
Ёвуз меҳрибон.  
Унинг бир қўли гул юрагигача,  
Унинг бир қўли қон биллагигача!..  
Ким ёлғиз боласин тополмай гўрин,  
Қонлар йиғлаб ўтган бўлса доғида,  
Ўша муштипардан сўраш лозим бу —  
Буюк инсон,  
Буюк жаллод ҳақида.

Сўранг,  
Омоч сурган болакайлардан,  
Чиллак оёқларин судрашиб аранг.  
Қирқ биринчи йилда,  
Милтиқ етишмай,  
Асрларга гушган  
Аскарлардан сўранг.

Шунда  
Аён бўлар унинг сиймоси,  
У ярмин қамаган,  
Ярмини қирган.  
Ярмини қўйгану дорларга осиб,  
Қолган ярми билан  
Жангларга кирган!..

Унинг бутун умри  
Жумбоқдан иборат,  
У айна адолат,  
У айна ғорат.  
У оқил бузғунчи,  
У моҳир меъмор —  
Инсон суягидан солган иморат...

У халқлар қотили,  
Халқлар отаси,  
Тилим тебранмайди  
Ёмон дейишга.  
У шундай улуғки,  
Йўқдир қиёси,  
Қанча улуғ бўлса,  
Тубандир шунча.  
Йўқса айтинг,  
Ким у?  
Йўқса айтинг, ким?  
Ярим халқ қарғару  
Ярим халқ йиғлар.  
Менинг саволимга  
Энг тўғри жавоб  
Бера олгувчининг ҳаммаси ухлар!..

Менга жуда азиз  
Унинг сиймоси,  
Бир қарасам,  
Йўқдек сира қиёси.  
У бир бағри дарё,  
Бир бағритошдир,  
У бир қуёш  
Аммо —  
Қора қуёшдир!

- \* \* \*
- Умр нима, эй одам,
  - Умр учиб кетган қуш.
  - Армон нима, эй одам?
  - Армон эсдан чиққан туш...

- Омад нима, эй одам?
- Иккала соғ қўлингдир.
- Орзу нима, эй одам?
- Орзу юрган йўлингдир.

- Ёлғон нима, эй одам?
- Ёлғон узун эртақдир.
- Ҳақ нимадир, эй одам?
- Ҳақиқат қон юракдир.

- Қайғу нима, эй одам?
- Қайғу ҳам ширин армон.
- Бахт нимадир, эй одам?
- Бахт бир бурда қора нон.

- Қора нон нима, эй одам?
- Қора нон — имон, жўра.
- Имон нима, эй одам?
- «Халқ душмани»дан сўра!...

\* \* \*

Тушимга киради Қодирий бобом:  
Болам, оқибатинг йўқ экан, болам...

Бўлса агар менинг гўримни топ, дер,  
Келиб очик қолган кўзимни ёп, дер.  
Ҳаммамизга қабр бир жойдан тегди —  
Бари боболаринг ёнимда, дейди.

Қабрлар қабрга бирлашиб кетган,  
Қўллар бўйинларга чирмашиб кетган.  
Бамисли шохдан дув тўкилган бодом,  
Ётибди бепоён майдон тўла одам...

Рутубатли Шимол ўрмонларида  
Қайинлар хўнграб қуёшни уйғотар.  
Қаранг, Чўлпонингиз сўнгги маконида  
Беқасам чопонин ёпиниб ётар.

Ётар алпқоматли баҳодирлар қатор,  
Акмаллар,  
Қодирлар,  
Шокирлар ётар.  
Ётар Файзуллолар,  
Ётар Аҳмадлар,  
Худо раҳмат қилгур, худо раҳматлар...

Уларнинг саноғи юлдуздан ҳам кўп,  
Юртим, дилбандингдир ҳар гиёҳ, ҳар чўп.  
Фидоларинг бўлган фарзандларингдир,  
Номдору номсизин хоки пойин ўп!..

*1988 йил.*

## ОСМОННИНГ ОХИРИ

Осмоннинг охири қаерда, дедим бир до-  
нишга. У миқ этмади.

Менга жуда ёқди бу жавоб.

Осмоннинг охири йўқ, ахир!

Ирмоқнинг охири дарё. Дарёнинг охири ден-  
гиз.

Осмоннинг эса охири йўқ.

Йўл четида юмалаб ётган тошни тепдим.  
Тошдан садо чиқмади.

Худога солдим, дегани бу.

Олма шохига осилиб деворга чиқдим. Тўкил-  
ган мева қумурсқаларга эрмак бўлди. Тўкилган  
девор тупроғи эса гуноҳимга гуноҳ бўлиб қў-  
шилди. Тунда пахсакаш чол тушимга кирди.  
Менинг ширин уйқум бузилди.

Худди эски девор бузилганидай...

Уйқунинг охири — ўлим. Ўлимнинг охири  
эса йўқ.

Бўлса ҳам, ҳеч ким унга етган эмас.

Ахир, ўлим бу ҳамма нарсанинг охири-да.

Одамнинг умри гоҳо ерда ётган қоғозча ҳам  
эмас.

Эрталаб ишга кетаётиб кўрган қоғозингни  
кечда қайтишда ҳам кўришинг мумкин. Эрта-  
лаб кўрган одамни эса ҳамиша кечқурун кўра-  
вермайсан.

Чумоли чумолининг ўлигини ташийди.

Бия қулунидан кўз узмай ўтлайди.

Оқибат фақат одамларда етишмайди.

Ер одамни боқади. Кийинтиради. Одам эса  
бир кун уни саҳрога айлантиради.

Сув одамнинг мардикори: ҳосил беради,  
тегирмон юргизади.

Одам уни ўйламайди.

Дунёдаги ҳамма нарса одамга яқинлашиши  
билан ўзлигини йўқотади.



Одам одамга яқинлашганда ҳам топганидан йўқотгани кўпроқдир...

Офтоб қаерга ботади, дейман бобомга. Осмоннинг охирига, дейди у. Офтоб осмоннинг охирига бориб ботмайди, балки йиғлайди.

Дунёдаги барча йўлларнинг охири — йиғи. Дунёнинг охири — қиёмат ҳам йиғи.

Одам йиғи нималигини англаб етгунича яқинлари оламдан ўтган бўлади.

\* \* \*

Кўрпангга қараб оёқ узат, дедим ўзимга ўзим бир кун.

Кейин ўйланиб қолдим. Ким айтган экан бу гапни биринчи марта.

Эҳтимол, Одам Ато Момо Ҳавога айтгандир. Йўқ, бу яқин кишилар бир-бирига айтадиган гап эмас. Бу гап кўрпаси бир одамларнинг гапи эмас.

Бинобарин, Одам Ато билан Момо Ҳавода кўрпа нима қилсин?..

Ибтидоий одамлар тери ёпиниб ётишган.

Қулларнинг кўрпаси тупроқ бўлган.

Феодаллар кўрпа талашишмаган.

Демак, бу ҳам капитализм иллати!

Чақалоқ учун ҳамма нарсанинг боши-охири Она кўкраги. Офтобни чақалоққа ўхшатиш мумкин бўлса, унинг боши осмоннинг кўксида. Хўш, Осмоннинг боши кимнинг кўксида? Тоғларнинг боши Ернинг кўксида. Ернинг бошичи?.. Билмайман. Билмаганимдан хижолат ҳам эмасман. Бу ёруғ дунё аслида «билмайман» деган сўздан иборат. Мен қачон тугилганимни айтиб беришган. Мен қачон юришни ўрганганимни ёлғиз онам билади. Қачон тилим чиққанини ҳам.

Мен биринчи шеъримни қачон ёзганимни ўзим билмайман.

Хўш, қани ким айтади, охиргисини қачон ёзаман?..

Билиб туриб бировга озор беришдан ёмони йўқ. Ўзинг ҳам билмасдан бировга яхшилик қилишдан ортиқ яхшилик йўқ.

Шеър ёзиш ҳам ўзинг билмай бировга яхшилик қилишдай гап.

Ҳақиқий шеърят ҳамиша оёқ остида. Мисралар қулунлар каби тупроққа ағанаб ётишибди. Тур, тойчоқ чопамиз, десанг бас. Биз ҳар замон бир оёқ остига боқиб шеър топамиз. Кейин унинг чангини қоқамиз ва қанча кўп қоқсак — шунча кўп шеър йўқотамиз...

Барча буюк зотларнинг буюклиги ҳам хоки-сорлигидир!

\*\*\*

Мен ҳозир Ерни ушлаб тўхтатаман. Нега тинмай айланаверади у.

Наҳот зерикмаган бўлса?

Ернинг охири қайда? Тасаввурнинг-чи?..

Аниқ рақамларни жиним суймайди. Учбурчаклар — тасаввур қафасларидир.

Хаёл чўқмоғи қисқа зотларнинг умри ҳам қисқадир.

Машаққатнинг охири роҳат. Роҳатнинг охири яна машаққат. Куннинг охири тун. Туннинг эса охири йўқ.

Бир оғиз совуқ сўз билан дилинг яна зимистон.

Лоақал, бир кунгина кечгача бахтли бўлиб юрган одамни топиб беринг менга!

Сиз минг машаққат билан чиққан чўққида капалак ҳам бор. Қумурсқа ҳам яшайди. Сизнинг бу ютугингиз улар учун оддий бир турмуш ташвиши. Улар кунда-шунда. Мен ҳидлаб тўймаган бедани бия қарсиллатиб чайнайди.

Ялпизни сув оқизиб кетади. Мен кўзимга суртган сувда қурбақа чўмилади.

Момақалди роқ дунёни бошига кўтариб ҳайқиради. Юлдузлар кўрқиб қочиб қолишади. Булутлар йиғлашга тушади. Ер юзида кўзиқоринлар туғилади. Ҳар қандай ҳайқириқ сўнгида нимадир дунёга келади. Нимадир дунёдан кетади.

Кулиб гул очилади — йиғлаб шабнам тўкилади.

Дарё тошади — тоғ нурайди. Келин хўрсинади — янга эрмак қилади...

\* \* \*

Одам дунёга бир марта келади. Шу бир калима сўз билан қанча савоб ишлар қилиш мумкин. Шу бир калима сўз пинжида қанча гуноҳга ботиш мумкин.

Бу гапни агар қариқиз айтса, йиғлагинг келади.

Сатанлар айтса, энсаси қотади одамнинг. Кўй ўша севги-пегингни, ажрашинглар, дейди бойвучча она қизига. Одам дунёга бир марта келади!

Сени бир ҳафтада онаси ўпмаганига уйлантириб кўяман-е, дейди такаббур ота ўғлига: Ажраш. Одам дунёга бир марта келади!

...Олисга қатновчи автобус ҳайдовчиси йўл бўйи хаёл суриб келаётганимни кўриб, мени гапга солади. Ҳа, йигит. Бунча ўйчансиз, севиб қолдингизми?

Мен индамайман.

Севги йўқ, дейди у жаҳлим чиққанидан ҳузур қилиб.

Севги сувга чўкиб кетган. Тоҳирнинг сандиғида...

«Қалай, бопладимми?» Бу — унинг қовоқ юзидаги ним табассум.

Мен ундан қутулиш учун жилмайган бўлман. У буни ўзича тушунади.

Энди насиҳатга ўтади: Хафа бўлмагин-у, бўшанг йигит экансан, оғайни.

Шунақа хаёл суриб юраверсанг, хотинсиз қоласан.

Севги ҳаракатнинг асири, дейди.

— Ўзингиз севиб уйланганмисиз? Саволим унга ёқмайди. Шубҳаланиб бир қараб олади. Ва иддао билан: Бўлмасам-чи! Севган қизимга уйланганман, дейди.

— Ахир, сеvgи сувга чўкиб кетган-ку, дейман.

Тоҳирнинг сандиғида.

У энди эшитмаганга олади. Мен ҳозир чамбаракни шеригимга бердим, дам олмоқчиман, дейди. Кейин яна қулоғимга шивирлайди: хафа бўлма, устидент, ҳазиллашдим.

Осмоннинг охири қаерда, дейман унга жиддий. У, ҳеч нарсани тушунмадим, дегандек елка қисади.

Мана, у шундай юрагимнинг ёнбошида хуррак отмоқда.

Мен унинг уйғониб қолишидан кўрқаман!

Мудроқ босган дилим,  
Айтаман бир сир,  
Тангри уйқуни-да  
Паллада тортар.  
Уйқу — ҳам  
Насияга берилган умр,  
Уйқунг ортган сайин  
Қарзинг ҳам ортар...

\* \* \*

Менинг истеълодли шоир дўстим ниҳоят бир қизни севиб қолди. Биз бугун бирга кинога бо-

рамиз. Мен бўлажак келиннинг дугонасини зериктирмаслигим керак.

Саломлашамиз. Яъни, мана бундай: улар менинг ҳали қуриб улгурмаган ялтироқ бўйинбоғимга қараб жилмайиб қўйишади.

Бу — қалайсиз, дегани. Мен уларнинг белидан юқориси нафис қўйлақларига қарай олмай хўрсинаман. Қизлар шоир оғайнимнинг озгин бўйнига имо қилишиб қиқирлашади. Уларни бир амаллаб Эскижўвага топшириб, тангаларимизни жаранглатиб метрога чопамиз. Дўстим менинг ёқамга ёпишади: қалай бизнинг қаллиқча?

Бўлмайди, дейман. У сени истаган куни ташлаб кетиши мумкин!

Қишлоғингга кет, дейман.

У кетади. Уйига эмас — Узоқ Шарққа. Кейин уёқдан менга хатлар кела бошлайди. Аё дўстим, осмоннинг охирини топдим. Осмоннинг охири Узоқ Шарқда — денгизнинг ёқасида экан!..

Шоир ярим йилдан сўнг, ярим кечада устимга бостириб келади. Кайфи тароқ — эгнида чарм куртка. Чўнтак тўла пул. Уйни балиқ ҳиди тутиб кетади.

— Биласанми, Нилу — (Нилуфар) эрга тегаётганмиш.

Тўйига таклифнома юборибди...

Тўйга бормасликка кўндираман. У туни билан ухламай ёзган шеърини конвертга жойлаб, бевафо қаллиқчасига жўнатамиз.

Шоир Узоқ Шарқдан фақат балиқ ҳиди эмас, янги мақол ҳам олиб келган эди. У деярли ҳар куни мендан сўради: Нега мен сени ўзимга дўст тутдим, биласанми?

Ким учундир жонимни беришим мумкин бўлиши учун!..

Одам дунёга бир марта келади, дўстим.

\* \* \*

Кенг бир ўтлоқ бўлса. Атрофинг кўм-кўк майса. Осмон тип-тиниқ. Майсага ястаниб ётсанг-у... ўлиб қолсанг!

Бедазорда ана шундай хаёл суриб ётсам, қанотлари оппоқ бир капалак келиб, елкамга чордона қуриб ўтириб олди. Салом, оғайни. Нега кайфиятинг ёмон?

Чарчадим, дедим унга. Яшашдан чарчадим.

Капалак бир хўрсиниб жўнаворди.

Қизиқ, унда ҳам бола-чақа бормикин?

Капалакнинг капаси қаерда?

Нега шундай ожиз ва нафис жонзот ҳам одамдан юқорида учиб юради.

Бақувват ва вазмин нарсалар ҳамиша оёқ остида бўлишадими? Демак, одам оғир-босиқлиги учун хорми?

Энгилтак ва хушомадгўй кимсаларни шунинг учун ошигин олчи экан-да...

«Фикрларигизни жиловлаб олинг, улар ҳамма нарсанинг бошланишидир».

Ҳалиги капалакнинг қанотидаги ёзув бу.

Танишганимдан хурсанд эдим. Тонгда мен уни боғда кўрдим. Атиргулнинг шохида. Кечаги тушкун ҳолатим учун уялдим. Узр сўрамоқчи бўлдим.

Аммо кечикдим.

Атиргулдан юмалади капалак,

Бир силкиниб қўймади ҳам гул шохи.

Жон талашиб, қум ялади капалак,

Кўчди менинг кўксимга ҳам титроғи.

Мен ундан Осмоннинг охири қаерда деб сўрамоқчийдим. Ахир, бунга фақат ўша қаноти ожиз қуш билиши мумкин эди-да...



Осмон ҳеч кимга қарамайди.

Булутларнинг ҳам эгаси йўқ.

Ҳеч ким қуешни ҳам меники. деб айтолмайди. Агар шундай даъвогар топилса, уни левонага чиқаришади.

Хўш, нега одамлар ерга эгалик қилишади. Атрофини ўраб олишади-да, бу ер меники, дейишади. Ер талашиб бир-бирини ўлдиришади.

Менга айтинг-чи, баҳорнинг эгаси ким?..

Бойчечакнинг бошлиғи, бинафшанинг хўжайини-чи?.. Экканингни ўрасан. Экмаганингни эса, кўрасан, холос. Мен болалигим ўтган жойларни ўзгариб кетишини истамайман. Мен кимдир ўтинга мўлжаллаб қўйган қадрдон шотутни отамни соғингандек соғинаман. Толлар билан қучоқлашиб сўрашгим келади. Худди, қизларни қучоқлаган сингари.

Агар шу гапларни беда қоровули эшитса, ҳиринглаб кулади. Кел, дейди, ана дала тўла қоратол, хоҳлаганингни қучоқла, истаганингни ча ўп: горько!

Осмоннинг охири эса, ялпизнинг елкасида. Бир елкасида. Унинг бошқа елкаси тўла соғинч, мурувват, муҳаббат.

Агар шу гапларни беда қоровули эшитса...



Осмоннинг охири қаерда, дедим мен суйган қизимга. У менинг пешонамни ушлаб кўрди: иссиғинг йўқми, ишқилиб...

Саволимни такрорладим.

«Осмоннинг охири қайдалигини билмадим-у, лекин дўконга сарийғ келганмиш. Агар мумкин бўлса, бир ғайрат қилсалар...»

Ҳеч иложи йўқ, дедим. Улуғ ишлар билан бандман.

Ҳали уйланмасимдан иш буюради. Аёл зоти, агар унга ишқинг тушганини сезиб қолса, бурнингни ерга ишқайди. Қайси доно бобокало-ним айтган эди бу гапни?

Аммо кимнидир севмасдан ҳам яшаб бўлмай-ди. Осмоннинг охири эса йўқ. Бўлса ҳам менга нима?

«Нега аллақандай така туркманларни мақтайсан?

Менинг қаерим кам улардан?..»

Кўйлақлари билан кўчаларни супириб юришлари учун яхши кўраман, билдингми?

Осмоннинг охири туркман қизларнинг узун енгларида. Улар қўлларини кўтарган жойда кўк тугайди. Қўллари қуёшни тўсиб кўяди...

Қизиқ, ўзи умримда биронта туркман қиз билан кўришмаганман. Тилига ҳам тушунмайман. Лекин яхши кўраман.

Ахир, Худони ҳам юзини бир кўрмай туриб яхши кўради-ку, бандалари.

Муҳаммад ҳам унинг бандаси. Унинг ва муҳаббатнинг бандаси.

\* \* \*

Бозор қаердан бошланади?..

Вокзал — чиптахонадан.

Тайёрагоҳ — паспортни излашдан.

Хўш, бозор-чи, бозор қаердан бошланади.

Ҳазилкашроқ киши чўнтакни ковлашдан, дейиши мумкин.

Жиддийроғи хомчўтдан, дейди.

Ҳаммаси тўғри. Чунки, бозорга ҳамма ҳар хил хаёлда боради-да.

Кимдир шунчаки зерикиб.

Кимдир дам олиш учун.



Биров туй тараддуи ила.

Хуллас, бозорга ҳамманинг ўз сўқмоғи бор.

Менимча, бозор дарвозадан бошланади. Ўз дарвозангдан чиқиб, харид қилишни кўзлаганинг бозор дарвозасидан хатлашинг ҳамон ўзгаради-қолади. Бозорда, айниқса, шарқ бозорида, ўзингга қўшилиб яна бир жуфт қўл чўнтагингга кириб чиқаётгандек гўё. Бир зумда нон ушоқларига қўлинг тегиб қолади.

Корейс кампирининг хушбўй карамларидан тотиб кўриш ҳисси пайдо бўлади.

Араб қизларининг юзларидек лўппи хурмолар ёнидан кўз юмиб ўтолмайди одам.

Тарвузлар ўзлари юмалаб, оёғинг остида ўйинга тушади.

Навбатда туриб ғирт суяк гўшт оласан. Ичингда эса «мени таниди, суяк қўшмади», деган ёлғон тасалли.

Инқиллаб автобус бекатига келасан. Шундагина уйдан олиб чиққан маошинг ёдга тушади. Ёспирай, наҳотки барини ишлатдим?

Хурмони нега олдим?

Тарвуз уйда бор эди-ку!

Ана шунақа гаплар.

Хўш, бозор қаердан бошланар экан? Билмадим, билмадим.

Билганим — бозор нима билан тугаши.

Хотин ила жанжал билан тугайди.

...Олтиариқлик турпфуруш чолдан сўрадим. Отаҳон, билмайсизми, Осмоннинг охири қаерда?

Чол мени имлаб ёнига чақириб олиб, қулогимга шивирлади: Торозихонада, болам!..

## КЎҲНА ҚУДУҚ

Мени тонгда ширин уйқудан уйғотишди.  
Қарасам — уйқудан ҳам ширин одамлар.  
Боролмайман, дедим ғудраниб.  
Ўзларинг кетаверинглар энди...

Мени уйғотган одам буюк ҳофиз эди.  
Менинг борар жойим эса Буюк Бухоро эди.  
Бухоро мендан хафа эди...

Ҳофиз, шундай шаҳарга бир марта бормаган  
киши одам эмас, — деб айтганди.  
Одам бўлса бордир,  
аммо шоир эмас, деганди...

Тушимда йиғлаган эди Бухоро.  
Улуғ шаҳарни фақат улуғ зотлар  
овутиши мумкин.  
Менинг борганимдан эса фойда йўқ.  
Аммо қани ўша улуғлар энди?..

Биз ҳаммамиз уйқу билан овора.  
Бухоро бўлса чўкиб, нураб, тугаб борарди.  
Кун сайин камайиб борарди  
унинг дунёга машҳур обидалари..

• • •

Қандай гўзал эдинг, Бухоро,  
Осмонўпар гумбазлар аро.  
Мен зиёрат қилиб оввора,  
Тополмадим бир соғ минора.  
Сен чўкибсан, ким ўсди, азиз,  
Томирингни ким кесди, азиз?..

Қайдан топай қабрингни энди,  
Буюк боболарим, қайдасиз?

Сиз қайдасиз улуғ меъморлар,  
Бухорои шариф беморлар.  
Бугун унинг куйган кўксига  
Кулар мингга кирган деворлар.

Кулар не-не муқаддас жойлар,  
Жаннатларда топилмас жойлар...  
Кулар бир пайт кирса гадойлар  
Кучоқ очган карвонсаройлар...

Бухоро лол, Бухоро ҳайрон,  
Арки вайрон, меҳроби вайрон,  
Лаби Ҳовуз қирғоғи вайрон,  
Ибн Сино арвоҳи сарсон.

Бу қандайин қайғудир, ё раб,  
Қайга боқма — турибди нураб.  
Шаҳар ўлса дунёдек қадим,  
Кўмгайлар не кафанга ўраб?..

Азал азиз, эй шаҳри Шариф,  
Дарвозанг ким кетди ўмариб?  
Тилла тожинг айтмайин, аммо,  
Минорасиз экансан ғариб!

Бухорода қанча ҳужра бор?  
Буни ҳеч ким билмайди.

Сабаби бу ҳужраларда илм даъво қилган  
барча муллаваччалар энди мулла бўлишиб  
ўз юртларига тарқаб кетишган.  
Мулла бўлолмаганлари эса ҳужралардан хафа.  
Гўё гап фақат ҳужрададек.

Бухорода қанча хужра бор?  
Буни ҳеч ким билмайди.  
Билганларнинг бари ўтиб кетган.  
Яна бир сабаби шулки, бу хужралар  
ҳеч қачон... ЖЭКка қарамайди...

Бухорода қанча хужра бор?  
Ер юзида қанча ўқимишли одам бўлса, шунча.  
Демак, барча ўқимишли одамларда  
оқибат йўқ экан.

Улар хужраларини ўз ҳолига ташлаб қўйган.  
Зах босиб ётибди бу қадимий хужралар.  
Балки худди шу сабаб ҳам  
нураб ётгандир Бухоро?  
Қадрига йиғлаб тўкилиб,  
чўкиб бораётгандир?..

\* \* \*

Бухоро, сен шамга ўхшайсан,  
Менинг кўнгил хужрамга кирган.  
Тутаб, ўчиб қолай деб турган,  
Сўнар сўнгги шамга ўхшайсан.

Ўзин дарди ўзига аён,  
Бир мен десам, сен ҳам нотавон.  
Тома-тома тўлган Зарафшон,  
Сен ҳам кўзи намга ўхшайсан.

Ўзингдан ол, ўзингга узат,  
Сен ҳам ўзинг-ўзингни юпат.  
Оқибат кўрсатиб, оқибат  
Кўрмаган одамга ўхшайсан...

Минорларинг бўйлари узун,  
Ўзингдан-да ўйлари узун,

Эртакдайн сўйлари узун,  
Сен ҳам узун гамга ўхшайсан.

Тоқатга ўхшайсан, сабрга,  
Қадри бору лек беқадрга,  
Ёмғирлар ёғмаган адирга,  
Оролсиз кўкламга ўхшайсан.

Аслида-ку, сендан-да ҳур кам,  
Сендан азиз, сендайн пир кам.  
Бу дунёи у дунё бир кам,  
Сен ҳам бири камга ўхшайсан...

Бухоро, Ҳотамга ўхшайсан,  
Ёв келса ҳам тўшак тўшайсан.  
Қўлинг очиқ, кўзларинг юмуқ —  
Сен менинг отамга ўхшайсан.

\*\*\*

Файзуллохон отасидан қолган тиллоларни  
ҳукуматга топширди.

Бир куни “халқлар отаси” ундан сўради:  
Хўш, отангизнинг тиллолари билан-ку  
сафимизга қўшилдингиз.

Аммо айтинг-чи, ўзингиз нима каромат  
кўрсатдингиз Инқилобга?..

Уни ўлдиришди.

Қандай ўлдиришганини ҳеч ким билмади.

Унинг авлоди қолмади.

Унинг авлодидан фақат... Бухоро қолди.

Энди Бухоро ҳам кексайди.

Файзуллохон инқилобга бошини тикди.

Шопмўйлов Сталин эса қилич билан  
чопиб ташлади бу бошни!..

Узилган бошдан сачраган қон  
Бухоро минораларига тегди.  
Балки, шунинг учун ҳам битта-битта  
қулаётгандир Бухоро миноралари?  
Балки, шунинг учун ҳам шўрдир  
бу қадим кент тупроғи?  
Балки, шунинг учун ҳам  
сувлари тахирдир Бухоронинг?..

\* \* \*

Поезд тунда келди Когонга,  
Тиллоларни ортдик вагонга.  
Янгради паровоз наъраси:  
Йўлдан қоч-а, сартнинг боласи!..

Поезд олиб борар Шимолга,  
Етмоққа йўл бўлсин шамолга.  
Атроф бийдек туркнинг даласи,  
Йўлдан қоч-а, сартнинг боласи.

Осмон тўлиб борар тутунга,  
Ортда бағри тўлиб кукунга.  
Бухоронинг ўчди қораси,  
Йўлдан қоч-а, сартнинг боласи.

Поезд кириб келди Тошкентга,  
Ҳоли қуриб келди Тошкентга.  
Тамбур тўла соқчи сараси,  
Йўлдан қоч-а, сартнинг боласи.

Қозоқнинг дашти ҳам кенг экан,  
Бепоён бир юртга тенг экан.  
Уч кунлик йўл экан ораси,  
Йўлдан қоч-а, сартнинг боласи.

Соқчибоши энди хотиржам,  
Қўйлар қолди ортда, отлар ҳам.  
Аммо ҳамон ўша яллasi:  
Йўлдан қоч-а, сартнинг боласи...

Инқилоб деб чекдингиз заҳмат,  
Файзулло, отангизга раҳмат.  
Ҳали мукофот ҳам оласиз...  
Йўлдан қоч-а, сартнинг боласи!

\* \* \*

Асли инсон хоки қўйилган ҳамма жой  
азиз ва муқаддасдир.  
Бас, шундай экан, одамлар истаган қабр  
тупроғини кўзларига суртсин.  
Бундан кимга жабр бўлибди.  
Эътиқоди ўлик кишиларгина  
ҳеч кимга ва ҳеч нимага сиғинмайдилар.  
Кимнинг кимга сиғиниши ўз майлида.

Мен барча қабристонга сиғинаман, деди  
ҳофиз. Барча мусулмонун куфр қабрига.  
Зеро, куфр Ер юзида эмас, кўнгилда.  
Мен барча тоза дилга сиғинаман.  
Илло, тоза дилда куфрга жой йўқ...

Одамлар бир-бирларининг дилига сиғинсин,  
деганлар мавлоно Румий.  
Чунки инсон кўнглидан муқаддасроқ  
Каъба ҳам йўқ!

\* \* \*

Отдим вақт юкини елкадан оша,  
Йўлдан сурдим темир панжарасини.

Кўзимга ёш олиб қилдим томоша,  
Ҳазрат Баҳовуддин мақбарасини.

Бухорои шариф, муқаддас бешик,  
Не-не алломалар дунёга келган.  
Бунга шоҳлар кирган кавушин ечиб,  
Бу жойга амирлар пиёда келган.

Мен бир ғариб шоир, мен шоҳ эмасман,  
Айбим ҳам эмасдир бўлолмаганим.  
Фақир бўлиб ҳам бегуноҳ эмасман,  
Гуноҳим — ўттиз йил келолмаганим!..

\* \* \*

Асли дунё надир — Саҳрои Кабир,  
Агар азиз эрса одам-да, азиз.  
Дунёга келдингми, дардингдан гапир,  
Умринг ўлчаб қўймиш саробни хасис.

Мен бобом руҳини зиёрат айлаб,  
Карвонидан ажраб келган бўтаман.  
Карвон — Вақт турибди йўлимни пойлаб,  
Изимни совутмай изимга қайтаман.

Лекин руҳим қолар шу харобада,  
Руҳимнинг руҳларга йўл-йўлаги бор.  
Аждодим кўмилган ҳар сардобада,  
Менинг жонимнинг ҳам бир бўлаги бор...

Отдим Вақт тош юкин бошимдан оша,  
Йўлдан сурдим темир панжарасини.  
Кўзимга ёш тўлиб қилдим томоша,  
Ҳазрат Баҳовуддин мақбарасини.



\* \* \*

Ҳофизларнинг билмагани йўқ.  
Айниқса, мен билган ҳофизнинг.  
Чунки у жаҳонгашта.

У айтдики, Бухорода бир мақбара бор.  
Кимки қандай ният қилиб, ихлос билан  
атрофидан етти бор айланса, тилаги бажо бўлмай!

Мақбаранда тумонат одам.

Бироқ, ҳатто бухороликлар ҳам  
бу ҳикматни билишмас экан.

Ҳофизга қараб ғалати жилмайдим.

У астойдил хафа бўлди.

Шу асно бир автобус ажнабийлар келиб қолди.

Фаранглар экан.

Ҳайратимни ошириб, улар мақбарани  
етти мартадан айлана бошлашди-ку.

Ёш-яланглари хиёл кулимсираб,  
ҳазил аралаш, аммо ёши улуғлари жиддий  
ва ихлос ила айланишди.

Фаранглар кетишди.

Ҳофиз ҳикмати яна ҳикматга айланди.

Мақбара эса нураб бораётир.

Бухоро, сен буюк ҳикматсан.

Ўз боланг ҳам қадрига етмаган ҳикмат.

Сенинг тўкилаётганинг шундан эмасми?

\* \* \*

Биз сув ичган қудуқ ёдингиздами,  
Баланд меҳробдаги муқаддас калом?  
Лабимда минг йиллик ҳарорат таъми,  
Мен бошқа одамман,  
Мен бошқа одам.

Қаърига қарадим — кўзларим тинди,  
Йўқ, кўзим очилди — қўйдиму қадам.  
Ҳайратим қудуққа тўкилди. Энди  
Мен бошқа одамман,  
Мен бошқа одам.

Мен сени ахтариб йиғлаб юрувдим,  
Имоним, сен менинг топилган болам.  
Чашмаи зилолда юзимни ювдим,  
Мен бошқа одамман,  
Мен бошқа одам...

Олисда солланар қуш босган боғлар,  
Бунда хўрсинар бир қуриган бодом.  
Беэга масканлар бағримни доғлар,  
Мен бошқа одамман,  
Мен бошқа одам.

Қанча қуш кўрмадим кириб шу ёшга,  
Ҳаммаси сайроқи, ҳаммаси ҳотам.  
Улар ҳам булбулу қудуғи бошқа,  
Сиз бошқа одамсиз,  
Сиз бошқа одам...

Ҳеч ким ёполмас бу кўҳна қудуқни,  
Бу қудуқ ёнидан ўтгай бор олам.  
Юракка жойладик илоҳий ишқни,  
Биз бошқа одаммиз,  
Биз бошқа одам.

\* \* \*

Куйган жойдан куй чиқади, дейдилар.  
Бухоронинг эса куймаган жойи йўқ.  
Бунда нимаики қуламасин, куй билан қулайди.  
Девор қуласа — куй, мақбара нураса — куй,  
ҳовуз қуриса — куй.

Бухоро йиғлаб қўшиқ айтаётган улуғ Ҳофиз.  
Унинг қўшиғини барча тинглайди, унинг  
товуши етмаган ер йўқ, аммо одамлар бу  
қўшиққа маҳлиё бўлиб, тилдан қолишган.  
Ҳеч ким унга ёрдам берай демайди.

Бухоронинг куйи — ажралиш куйи.

Видолашиш куйи!..

\* \* \*

Ҳофиз мени уйқудан уйғотди.  
Ҳофизнинг уйқудан ҳам ширин овози мени  
уйқудан уйғотиб, туйғу водийсига бошлади.  
Бу водийнинг номи Бухоро эди... Салом,  
боболаримнинг бобоқалони, дедим мен.  
Менга ҳам туйғуларингиздан беринг,  
дедим унга. У ҳорғин жилмайди.  
Тупроғим тўла туйғу, деди у жилмайиб.  
Лекин сен англармикансан, болам?

Боболаримнинг бобоқалони хаста.  
Уни меъморлар парвариш қилмоқда.  
Йўқ, улар фақат атрофида парвона.  
Нима қилиш кераклигини эса унинг  
ўзи айтиб турибди.  
Унга обидаларнинг, бетакрор қасрларнинг  
буюк меъмор — Синоси етишмай турибди.  
Улуғбек Мирзонинг назари етишмай турибди.  
Балки шунинг учун ҳам чўкиб бораётгандир у.  
Наҳот, наққош меъморлар авлоди  
карвони узилиб қолган бўлса.  
Наҳот энди Бухородан, ўша буюк  
ва қадимий Бухородан нишона қолмаса?..  
Бухорони вақт шамоли вайрон этдими?

Балки уни туйғусиз дилларимиз  
пайҳон этаётгандир?..

\* \* \*

Бухорода бир пайтлар охулар бўлган —  
Хонгули деган. Холдор охулар...  
Улар мени тушларимда йўқлайди.  
Шундоқ тепамга келиб, жилмайиб,  
юзларимни искайди. Отингдан айланайин,  
Муҳаммад, бунча кўп ухлайсан, дейишади.

Мен ҳар тонг:  
қайдасиз охуларим, деб уйғонаман.  
Ҳали кўзимни очмай дунёга савол бераман.  
Қадим Бухоронинг охулари  
қайга кетиб қолди, дейман.

Дарёлар қурийди.  
Тоғлар чўқади.  
Китоблар ёнади.  
Дунёда фақат бир нарса —  
саволларгина абадий.  
Саволлар кийик сўқмоққа элтувчи йўлакдир.  
Кўксингда саволинг бўлмаса дунёга  
нега келдинг, отингдан айланай Инсон!

\* \* \*

Тош шаҳрида уйим —  
Болахона эди,  
Бир бурчаги ўрин,  
Бири китоб бари...  
Менга тинчлик  
Бермай қийнар  
Мана энди,

Тушларимда  
Бухоронинг охулари.  
Айтматовга  
Хатлар ёздим,  
Жавоби йўқ.  
Шеърлар ёздим,  
Босишмади,  
Ҳисоби йўқ.  
Муҳаррирлар  
Борсам қоши  
Уюлади,  
Кўрамиз дер,  
Кўрмас,  
Ташлаб қўйилади.  
Менга —  
Ҳасад  
Қилишгандек туюлади...

“Ўғлим шоир!..”  
Онам еру кўкка сиғмас,  
Тонгда ишга,  
Оқшом чопар  
Фолбин сари.  
Биров билар,  
Биров кулар,  
Биров уқмас —  
Тушларимда  
Бухоронинг охулари.

Бир кун ахир,  
Рост сўзини  
Айтди биров,  
Бир бўғиндан  
Оз сўзини  
Айтди биров.  
Айтмай қилган  
Ноз сўзини

Айтди биров...  
Тупроқ йўлдан  
Чўғлар босиб  
Қайтди биров.

Бу дунёнинг  
Ширин дарди  
Шеърлар экан,  
Менга забон  
Берган — манов  
Ерлар экан.  
Қоним унинг  
Ҳаяжони,  
Туйғулари,  
Кулгилари,  
Қайғулари,  
Йиғилари,  
Тушларимда  
Бухоронинг охулари...

Айтматовга  
Хатлар ёздим,  
Жавоб келди.  
Шеърлар ёздим  
Ҳисоби йўқ —  
Китоб бўлди.  
Муҳаррирлар  
Борсам кучоқ  
Очишади.  
Ўқиймиз дер,  
Ўқимасдан  
Босишади.  
Менга —  
Ҳавас  
Қилишгандек боқишади.

Фолбин кампир  
Айтганлари  
Ёлгон бўлди,  
Ёмон бўлди,  
Бир қишлоққа  
Достон бўлди.  
Хузурига  
Ўша оқшом  
Онам шошиб,  
Қўли қуруқ  
Борган экан  
Армон бўлди...

Армоним кўп  
Бу дунёда  
Ўзимнинг ҳам,  
Давоми кўп  
Сизга айтар  
Сўзимнинг ҳам.  
Дилни ёқиб,  
Тилга чиқмай  
Қолганларин,  
Қўшиғимга  
Бу кун сиғмай  
Қолганларин,  
Айтсин барин,  
Айтсин барин,  
Айтсин барин —  
Тушингизда  
Бухоронинг охулари!..

\* \* \*

Қара, райхон, — деди у бир мақбара олдида  
менга, — кимдир экиб кетибди.

Ташландиқ хужра ҳовлисига  
бу жаннат гулини эккан одамни топдим.

У ҳамон ҳарбий хизматдан қайтган кийимида  
юрган, ақли бир оз заифроқ йигитча экан.

Ҳофиз йигитчага яп-янги  
костюмини ечиб берди.

Йўқ, олдин костюмининг чўнтагига  
билдирмай пул солиб, кейин ечиб берди.

Нима қиламан буни, дейди у бизга!

Шу жойга қараб юрар экан,  
зиёратчилар онда-сонда бериб кетадиган нон,  
қанд-қурсни кўрсатиб, мақтанди.

Биз у билан бирга чой ичдик.

“Шу бир меров болангча сенга  
парвона бўлолмаймиз, Бухоро”.

Бу ҳофизнинг гапи.

Кетар пайтимиз у бирдан  
шундай деб сўраб қолди:

— Ҳофиз ака, Шукур Бурҳон ўлдими?..

Ўшанда ҳофиз менга, шеър ёзасан,—деган эди.  
Райҳон ва Шукур Бурҳон ҳақида. У ҳам Бухо-  
родайн қадр топмади, деган эди.

Райҳонни Шукур Бурҳон қабрига қўйдим.

Шукур ота ҳақида эса ёздим шеър.

Бу шеъримни ўша ғариб укам учун ёздим.

\* \* \*

Шукур Бурҳонни ҳам кузатиб қўйдик,  
Кетди қон юраги устида қўли.  
Ортидан эргашиб бориб биз қўйдек,  
Ерга бериб келдик ўпкамиз тўлиб.

Бордик дўстлари ҳам, душманлари ҳам,  
Қабрин устида ҳам сўйладик ёлғон:  
Санъат фидолари,  
Мен сизга айтсам,



Ундай Шукур Бурҳон,  
Бундай Шукур Бурҳон!..

Тиригида ҳеч ким айтмаган гаплар,  
Ҳали совумаган тупроғига ёғди.  
Йиғлади умрида йиғламаган арбоблар,  
Кўзидан ёшлари сел бўлиб оқди...

Ялангтўш бобо жим кулиб ётарди,  
Шунча дўсти бор экан, у билмаганди.  
Ёпирай, тасаввур ҳам қилмаганди,  
Чунки уч кун олдин почтадан олғон  
Меҳнат дафтарчасин кучоқлаб, ҳайрон,  
Хотини олдида шундай йиғлаганди...

Ўкраб йиғлаганди,  
Ҳўнграб йиғлаганди,  
Кўзига тор бўлиб ёруғ жаҳони.  
Эркак боши бундай эгилмаганди,  
Балки... узилгандир ўшанда жони!  
У балки мендан ҳам яшарди кўпроқ,  
У балки сендан ҳам яшарди кўпроқ.  
Эй, қўнғир тупроқ,  
Эй, муқаддас тупроқ,  
Сен Шукур бобога болиш бўл, юмшоқ...

\* \* \*

Мен ҳам Оролман.  
Бухоро ҳам — Орол.  
Мен Орол ҳақида янги қўшиқ қилдим.  
Уни Бухорога бағишлайман, деди ҳофиз.  
Агар Оролни қўшиқ билан  
тирилтириб бўлсайди.  
Агар Бухорони қўшиқ билан  
асраб қолиш мумкин бўлсайди.

Ҳофиз жони чиққунча қушиқ айтган бўларди!  
Бухоронинг кўҳна қудугидан сув ичган ҳофиз...

Биз баримиз Орол ва оролчалармиз.  
Токи бир-биримизни асрашни билмас  
эканмиз, битта-битта қурийвераимиз.

Оролнинг жони оролчалар кўлида.  
Оролчалар эса одамларнинг кўксиди.  
Одамларнинг кўкси эса бир-биридан сув ичади...

\* \* \*

Орол денгиз, Орол, бечора денгиз,  
Зилол денгиз, увол-оввора денгиз,  
Бахти қора, манглайи қора денгиз,  
Кўз ўнгимда, кўз ўнгимда берар жон...

Қани қадим қирғоғида боғлари,  
Тупроғи юзида ажал доғлари.  
Сомондай сарғайиб қизғалдоқлари,  
Кўз ўнгимда, кўз ўнгимда берар жон.

Жовдир-жовдир жайронларин кўзлари,  
Қирғоғида қотиб қолган бўзлари.  
Қовжираган ерга босиб юзларин,  
Кўз ўнгимда, кўз ўнгимда берар жон.

Қирғоғидан қирғоғимга қум кўчди,  
Момо юртга сиғмай тағин ким кўчди?  
Тағин қайси уйим чироғи ўчди,  
Кўз ўнгимда, кўз ўнгимда берар жон...

Мен ўйладим — бу дунё жанг майдони,  
Орол уммон эмас — тўлиб паймони,  
Алпомишдай юртимнинг бир ўғлони —  
Кўз ўнгимда, кўз ўнгимда берар жон.

Руҳи жонинг чўкмасин, эй қадрдон,  
Кўйлаги қон, кўкраги қон паҳлавон.  
Сенсиз менга тор кулбадек бор жаҳон,  
Кўз ўнгимда, кўз ўнгимда берар жон...

Осмонларга қўли етган давроним,  
Топ бир чора, бўлмагил безабоним.  
Пешонамга битган ёлғиз уммоним,  
Кўз ўнгимда, кўз ўнгимда берар жон!

## Х О Т И М А

... Тонгда ширин уйқумдан уйғотишганди.  
Уйқудан ҳам ширин одамлар. Мен бормайман,  
дегандим.

Мени кечир, Бухоро. Бормайман деган  
тилларим кесилсин яна айтсам. Ушбу ғариб  
мисралар учун ҳам кечиргил мени. Мен ди-  
лимдагини ёздим. Дилимда эса сен эдинг. Қан-  
дай бўлсанг — шундайлигингча. Сенинг хаста  
жонинг ором топишига ишонаман. Аммо бар-  
дам бўл, отингдан айланай, ота маконим.

Шеърларимни эса ҳув ўша, ҳужраларинг-  
ни супуриб-сидириб юрган ақли ожизроқ  
ўғлингдек, унинг райҳонларидек пойингга  
сочаман. Жонингга малҳам бўлсин, бу нақли  
ожиз мисраларим...

## ТЕМИРЛАР НИДОСИ

Осмонни титратиб самолёт учса,  
мен йиғи овозини эшитаман.  
Самолёт учяпти-ю, инграб йиглаб кетяпти.

Учиб кетаётган снаряд ҳам  
ғингшиб йиғлаётгандек.

Ер остида, сув остида, ўрмонлар остида  
қанотли ва қанотсиз ракеталар  
юм-юм йиғлаётгандек.

Самолёт — мен чалғи бўлмоқчи эдим,  
деб зорланаётгандек.

Танклар — комбайн, тўплар — темир кўприк  
бўлмоқчийдик, деб зорланаётгандек...

Темир ҳам гапирадими, дегувчиларга эса  
ушбу дostonим ҳада.

Ҳа, темир ҳам, кўмир ҳам гапиради.  
Фақат биз одамлар буни эшитмаганга оламиз.

Одамлар, менинг олти ойлик қизчам  
бешикда ухляпти.

У ракеталар, атомлар, нейтронлар  
нималигини билмайди.

Шунинг учун ҳам пишиллаб ухляпти.

Темирлар эса йиғлаяпти...

\* \* \*

Забоним йўқ,  
Тилим йўқ,  
Дардим кимга айтурман.  
Менга тегма  
Эй одам,  
Сенга тегмай ётурман.

Ўз ҳолимга қўймасанг,  
Чўққа тоблаб тўймасанг,  
Темир жисмим қўлингга,  
Қилич бўлиб қайтурман...

Қора қузғун  
Қуш бўлиб,  
Денгизларда сузарман,  
Пўлат бўлиб,  
Зирҳ бўлиб,  
Осмонларда кезарман.  
Ўзинг топган балога,  
Қайга бординг давога.  
Қийин бўлса ўзингга,  
Мен нима ютқазарман.

Кенг дунёда яйрамай,  
Боланг йиғлар чирқираб.  
Нишон пойлаб ётибман,  
Темир жоним зирқираб.  
Мен ажалман,  
Қиронман,  
Атомман,  
Нейтронман,  
Заминни сув босмасин,  
Кўзингдан ёш тирқираб...

Мен ҳам ёруғ оламни  
Хандон кўргим келади,  
Деҳқон билан қирларда  
Буғдой ўргим келади.  
Ўзинг мени ўқ қилдинг,  
Орзуларим йўқ қилдинг.  
Энди нима бўлади,  
Энди нима бўлади?

Ер айланар кўксига  
Сигмай жароҳатлари,  
Айтинг, менда нима айб,  
Дунё қорахатлари?..  
Эй, Масков солдатлари,  
Эй, Брест солдатлари,  
Темирни ҳам йиғлатган.  
Инсонларнинг мардлари!

Ҳақсизлик ўтган жойда  
Тошлардан ҳам садо бор,  
Дунёда жисмларга  
Ном қўйишда хато бор.  
Асли темир биз эмас,  
На пўлат,  
На мис эмас,  
Темирдил одамлардан  
Даҳшат қандай вабо бор?..

Темир бўлсам, дилимни  
Ўртармиди саволлар,  
Хирмон тўла болалар,  
Пайкал тўла аёллар.  
Машиқда танк мен эдим,  
Мағрибдаги кетмон ҳам,  
Ўрмондаги тўплар ҳам,  
Ўпқондаги миналар,  
“Катюша”ни опичлаб,  
Зир елган машиналар.  
Дзотлар ҳам,  
Дотлар ҳам,  
Кема,  
Самолётлар ҳам,  
Беш колхознинг

Ёлғизи —  
Трактор ҳам мен эдим.  
Темироёқ,  
Инвалид  
Бригадир ҳам мен эдим!

Уфқларга туташган  
Далалардан айтайми,  
Омочда от ниқташган  
Болалардан айтайми?  
Тикка туриб ухлашган  
Момолардан айтайми?

Ким айтади,  
Темирлар  
Йиғламас деб,  
Йиғлайди...  
Сувга ҳам ботиласан,  
Лойга ҳам ботиласан.  
Бир туп ғўза билмасдан,  
Чопилса — Отиласан!  
Уйингдан битта кўсак  
Топилса — Отиласан!  
Ким айтади,  
Темирлар  
Йиғламас деб,  
Йиғлайди,  
Темирлар йиғлаганда  
Тошлар эриб тинглайди.  
Мен йиғладим,  
Чоллар ҳам  
Фронт кезиб юрганда,  
Қизлар кесиб кокилин,  
Милтиқ ушлаб турганда.

Фарҳод ГЭСни қурганда,  
Фарҳод ГЭСни қурганда...  
Мен йиғладим,  
Ловиллаб  
Ёниб турган қўйнимдан,  
Ўн беш тилда  
Бир нидо  
Янграган кунда Ватан!  
Ўққа учиб ўлмаган,  
Дор тагида қуйлаган,  
Ўз юртининг фидоси,  
Мардларига бериб тан.

Мен йиғладим фашистлар  
Гўдакни ҳам отганда,  
Гоҳ одам деб юрганим  
Ўз юртини сотганда,  
Тили бошқа болам, деб,  
Юракдаги нолам, деб,  
Тунлари ухлатганда,  
Саҳарлар уйғотганда,  
Ўн олтита боласин  
Бир темирчи Тошканда!

Уруш,  
Эй, одамфуруш,  
Сенга гўдак нимадур?  
Замин узра  
Чақалоқ  
Яйраб кўкрак эмадур.  
Сен уни кўролмайсан,  
Қон ичмай туролмайсан.  
Гитлермисан,  
Наполеон,



Шоҳмисан,  
Қиролмисан,  
Энг ваҳшат қуролмисан,  
Энг даҳшат қуролмисан,  
Ҳаммани қиролмайсан,  
Ҳаммани қиролмайсан!..

Аммо,  
Темир юрагим  
Қон йиғлаган дала бор,  
Хатинда бир қўргон бор,  
Волгада бир қалъа бор —  
Бўйдор жангчи  
Қўлида  
Миттигина бола бор,  
Болаларни қийнашга  
Фашистда ҳафсала бор...

Ўз уйида  
Улғайган,  
Йигит бўлиб етилган,  
Қўндоқ ёриб қовоғин  
Ҳайдабгина кетилган,  
Қул мисоли сотилган,  
Фил мисоли отилган  
Болажонлар, айланай.  
Уруш —  
Мен нима қилай?  
Минага учиб ўлган,  
Очликдан шишиб ўлган,  
Гоҳо қор кечиб ўлган,  
Гоҳо қурт ичиб ўлган,  
Йўлга кўз тикиб ўлган,  
Кутиб.

Ичкиб ўлган —  
 Болажонлар, айланай.  
 Уруш,  
 Мен нима қилай?  
 Омоч эдим,  
 Эридим,  
 Милтиқ бўлиб керилдим,  
 Кузгун бўлиб,  
 Ўқ бўлиб,  
 Осмонлардан ёғилдим.  
 Мен ҳам ерни соғиндим,  
 Мен ҳам ерни соғиндим...  
 Болажонлар, айланай,  
 Уруш-да,  
 нима қилай?!.

Темир бўлсам,  
 Сиз учун  
 Темир бўлдим, қўрқмадим.  
 Ўтга кирсам  
 Ёнмадим,  
 Сувга тушсам,  
 Чўкмадим.  
 Қонизни мен тўкмадим,  
 Қонизни мен тўкмадим.  
 Болажонлар, айланай,  
 Уруш,  
 Мен нима қилай?

Забоним йўқ,  
 Тилим йўқ,  
 Дардим кимга айтурман,  
 Тегинмасин одамзод,  
 Унга тегмай ўтурман.

Ўз ҳолимга қўймаса,  
Ўтга тоблаб тўймаса,  
Темир жоним қўлига  
Қилич бўлиб қайтурман...  
Кузгун бўлиб,  
Қуш бўлиб,  
Осмонларда кезарман.  
Пўлат бўлиб,  
Зирҳ бўлиб,  
Уммонларда сузарман,  
У менинг тинчим бузса,  
Мен дунёни бузарман!

Шарқу Фарбга баробар,  
Офтоб чиқар ярқираб...  
Нишон пойлаб ётибман,  
Юракларим зирқираб.  
Икки кўзи мендадир  
Ер айланар чирқираб.  
Мен ажалман,  
Қиронман,  
Атомман,  
Нейтронман,  
Оламини сув босмасин,  
Кўзимдан ёш тирқираб...

Ҳомиладор хотини тонг-саҳарда туриб ин-  
қиллаб юриб ёпиб берган нонни белбоғига  
туғиб деҳқон даласига жўнайди. Унинг эзгу  
мақсади ягона — уруғ сочиб, дон йиғиб олиш,  
пахта экиб, дунёни оққа белаш.

Қари муаллим болаларга шеър ўқиб бер-  
япти.

Инсоний туйғулар ҳақида шеър. Унинг мақсади ҳам яхшилик уруғини сепиш.

Денгизлар ортидаги афсонавий бир диёр одамлари мухбир билан жилмайиб гаплашмоқда. Уларнинг ҳам тилаги ягона – тинч-тотув яшаш.

## МУНДАРИЖА

### Биздан озод Ватан қолади

<i>А. Орипов</i> . Бетакрор шоир.....	3
Биздан озод Ватан қолади.....	7
Фидойилар.....	8
Ватан.....	9
Иншооллоҳ.....	10
Тилак.....	11
Она Туркистон.....	12
Розидил.....	13
Ватан мадҳи.....	14
Алпомишлар юрти бу диёр.....	15
Ҳайрат.....	16
Изҳори дил.....	20
Ҳур ўлкам.....	22
Ўзбекистон.....	23
Туркистон мадҳияси.....	26
Академия мадҳияси.....	27
Тўнинг этагидан тушмасин қўлим.....	28
Дунёларни қучди ўзбек деган ном.....	29
Сизга айтсам.....	30
Қайда бор.....	32
Ўзбекман.....	34
Ватан яғонасан.....	35
Қуёшистоним.....	36
Ўзбек.....	38
Ўзингдан қўймасин, халқим.....	39
Ёшлар мадҳияси.....	40
Ватанни севинг.....	41
Менга беринг.....	42
Ўзбекнинг аёллари.....	44
Ифтихор.....	45
Ўзбекмомо.....	46
Менинг Ватаним.....	47
Ўзбекистон полвонларига.....	48

Муҳаммадга мактуб .....	50
Посбонлар .....	51
Муҳаммадқодир .....	52
Иқрор .....	55
Белбоғ .....	56
Чаманистоним .....	57
Буғдойпоялар .....	58
Тавалло .....	59
Истак .....	60

### Юртим мадҳи

Тошкент .....	63
Мингтепа .....	64
Юртим .....	64
Ўелингман, Тошкент .....	66
Мингтепа қушиғи .....	67
Андижоним .....	68
Андижон .....	69
Марғилон .....	70
Маҳалла .....	71
Шаҳрихон .....	72

### Яқин ва олис мозийдан садо

Улуғимсан, Ватаним .....	75
Амир Темур .....	78
Бобур нидоси .....	79
Алвидо .....	80
Мен дардимни кимга айтаман .....	81
Шоҳларга ҳам осон эмас .....	82
Усмон Носир .....	83
Чўлпон .....	84
Файзулло бобо .....	85
Юртим .....	86
Ўғлонлар .....	87
Лаганбардорлар .....	88
Бир куни .....	89
Марух довони .....	90
Афросиёб .....	92
Уч оғайни ботирлар .....	93
Қизил вагон .....	96

Елкаларда қўндоқлар совуқ .....	97
Юрак зорланади, зорланаверар .....	98
Армон .....	100
Марсия .....	101
Фозилжоннинг онаси .....	102
Орол .....	103
Иброҳим марсияси .....	104
Сен пахта терардинг .....	105
Бободехқоним .....	106
Гдлян .....	110
Ўзганлик ўзбеклар нидоси .....	112
Нега йиғлар .....	113
Ўрганиш .....	114
Наврўз .....	115
Она тилим .....	116
Нега йиғламайсан .....	117
Элим .....	118
Қани .....	119
Фарғонажон .....	120
Фигон .....	121
Кўрмадим .....	122
Йигирманчи аср .....	123
Санжар .....	124
Марғилонда .....	125
Тўн ҳақида шеър .....	126
Халқ бўл, элим .....	127
Янги йил қўшиғи .....	128
Келинчагим .....	129
Қизғалдоқ .....	130
Оқ тулпор .....	131
Жайрон .....	133
Кўкламойим.....	134

### Тошларни йиғлатган дostonларинг бор

Эй, дил... .....	137
Қора қуёш .....	147
Осмоннинг охири.....	168
Кўҳна қудуқ .....	178
Темирлар нидоси .....	196

**Юсуф, Муҳаммад.**  
Ю 91 Улуғимсан, Ватаним. Муҳаммад Юсуф;  
Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Н. Саломова;  
Суз боши А. Ориповники, — Т.: O'zbekiston,  
2012. — 208 б.

ISBN 978-9943-01-027-7

УДК: 821.572.133-1

ББК 84(5Ў)6

*Адабий-бадиий нашр*

*Муҳаммад Юсуф*

**УЛУҒИМСАН, ВАТАНИМ**

*(Шеърлар)*

Муҳаррир *Л. Игамова*  
Бадиий муҳаррир *Ж. Одилов*  
Мусахҳиҳ *Ш. Орипова*  
Техник муҳаррир *Т. Харитоновна*  
Компьютерда тайёрлаган *Л. Абкеримова*

Наشريёт лицензияси А1 № 158, 14.08.09.

Босишга рухсат этилди 26.09.2012.

Офсет қоғози. Бичими 84×108/32.

Таймс гарнитурасида терилди. Нашр б.т. 8,40.

Шартли б.т. 10.92+0.42 (вкл). 10000 нусхада чоп этилди.

Буюртма 12-234.

Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.  
100129, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30

e-mail: [uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz](mailto:uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz)

[www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)